ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

# ТАРИХ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

## Тарих фанининг назарий масалалари ва замонавий концепциялари

## МОДУЛИ БЎЙИЧА
# ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА



ТОШКЕНТ-2021

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчи:** **З.А.Илҳомов** - Низомий номидаги ТДПУ “Ўзбекистон тарихи” кафедраси профессори в/б., т.ф.н., доцент

**Тақризчилар:** **Ш.Шоёқубов** - Тошкент давлат Молия институти “Ўзбекистон тарихи” кафедраси мудири, т.ф.н.
**Х.Матяқубов** - Низомий номидаги ТДПУ “Ўзбекистон тарихи” кафедраси, т.ф.н.

**Хорижий эксперт: т.ф.н., доценти Р.А.Хамидов** – академик Бобожон Гафуров номидаги Хўжанд давлат университети.

**Ўқув-услубий мажмуа ТДПУ Кенгашининг 2020 йил 27 августдаги 1/3.6- сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.**

# МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР ........................................................................ 4

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ ........................................ 11

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.................................................... 32

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ........................... 87

V. КЕЙСЛАР БАНКИ ........................................................... 104

VI. ГЛОССАРИЙ ................................................................... 111

VII. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ ................ 122

# I. ИШЧИ ДАСТУР

## КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий ва педагогик компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари вақонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муасасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Модулнинг **вазифаларига** қуйидагилар киради:

“Тарих ўқтиш методикаси” йўналишлари бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакаси ошириш курси тингловчиларида тарих фанинг замонавий долзарб муаммолари ҳақидаги тасаввурларни ҳосил қилиш;

педагог кадрларнинг тарих фани бўйича касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг соҳага оид касбий компетентлик даражасини ошириш;

педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

“Тарих ўқитиш методикаси” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.

**Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

– Тарих фанининг замонавий назарий қарашлари ва етакчи концепцияларини;

– Тарих фаннинг ёрдамчи фан соҳалари;

– Фаннинг моддий ва ёзма манбалари;

– фаннинг таълимий ва тарбиявий мақсад-вазифалари;

– фаннинг ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари;

– олий таълим тизимида тарих таълими соҳасидаги кадрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талабларни;

– таълим мазмунини модернизациялашни;

– таълимнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини;

– таълимдаги инновацияларни билиши керак.

– фанлардаги инновациялардан таълим жараёнида фойдаланиш;

– дарсларда тингловчиларнинг фаоллигини оширишга хизмат қиладиган интерфаол таълим шакллари, методлари ва воситаларидан самарали фойдаланиш;

– фанни ўқитишда ривожланган мамлакатлардаги илғор тажрибалардан фойдаланиш;

– таълим жараёнида тингловчиларнинг билимларини объектив баҳолаш механизмлари, рейтинг назоратда қўллашга қаратилган дидактик воситалар: стандарт ва ностандарт ўқув ва тест топшириқлари мажмуасини ишлаб чиқиш;

– таълим жараёнида тингловчиларда мустақил равишда билимларни янада орттириб боришга бўлган эҳтиёжни шакллантириш, мустақил иш вазифаларини табақалаштириш, мустақил иш ва ижодий изланишларини ташкил этиш, уларга раҳбарлик қилиш ***кўникмаларига эга бўлиши лозим***.

– ўқитувчининг педагогик фаолиятини лойиҳалаштириш;

– модератор ўқитувчиларнинг илғор иш тажрибаларини ўрганиш асосида ўзининг педагогик фаолиятини такомиллаштириш;

– фанларни ўқитиш жараёнида тингловчиларнинг билимларини холисона баҳолаш механизмларини, рейтинг назоратда қўллашга қаратилган дидактик воситалар: стандарт ва ностандарт тестлар ҳамда ўқув топшириқлари мажмуасини ишлаб чиқиш;

– ўқув ахборотни қайта ишлаш, муаммоли вазият, Кейс-стади топшириқларини тузиш;

– таълим жараёнида тингловчиларда мустақил равишда билимларни янада орттириб боришга бўлган эҳтиёжни шакллантириш, мустақил иш вазифаларини табақалаштириш, мустақил иш ва ижодий изланишларини ташкил этиш;

– дидактик таъминотни такомиллаштириш каби ***малакаларига эга бўлиши лозим***.

– Тарих фанининг замонавий йўналишларига оид назарий қарашлар, етакчи концепцияларини педагогик фаолиятда қўллай олиш;

– машғулотларда инновацион ва ахборот технологиялар, тингловчилар ўқув фаолиятини фаоллаштирувчи методларни қўллаш;

– таълим жараёнида тингловчиларнинг фаоллигини оширишга хизмат қиладиган интерфаол таълим шакллари, методлари ва воситаларидан педагогик амалиётда самарали фойдаланиш;

– ривожланган мамлакатларда тарих фанини ўқитиш методикасидаги илғор тажрибаларни таълим-тарбия жараёнига модернизация қилган ҳолда қўллаш ***компетенцияларига эга бўлиши лозим.***

## Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Тарих ўқтиш методикаси” йўналиши бўйича маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

## Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

**“Тарих фанининг назарий масалалари ва замонавий концепциялари”** модули мазмуни ўқув режадаги “Тарих фанларини ўқитишнинг инновацион муҳитини лойиҳалаштириш”, “Педагогик тадқиқот натижаларини таҳлил қилувчи ахборот тизимлари”, “Ўзбек давлатчилиги тарихининг долзарб муаммолари ва замонавий тарихшунослик тадқиқотлари” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

## Модулнинг услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

Асосий қисмда (маъруза) модулнинг мавзулари мантиқий кетма-кетликда келтирилади. Ҳар бир мавзунинг моҳияти асосий тушунчалар ва тезислар орқали очиб берилади. Бунда мавзу бўйича тингловчиларга етказилиши зарур бўлган билим ва кўникмалар тўла қамраб олиниши керак.

Асосий қисм сифатига қўйиладиган талаб мавзуларнинг долзарблиги, уларнинг иш берувчилар талаблари ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларига мослиги, мамлакатимизда бўлаётган ижтимоий-сиёсий ва демократик ўзгаришлар, иқтисодиётни эркинлаштириш, иқтисодий-ҳуқуқий ва бошқа соҳалардаги ислоҳотларнинг устувор масалаларини қамраб олиши ҳамда фан ва технологияларнинг сўнгги ютуқлари эътиборга олиниши тавсия этилади.

## Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар тарих фанининг замонавий концепциялари ва фаннинг долзарб назарий муаммолари, тараққиёт тенденциялари ва инновацияларини ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

## Модул бўйича соатлар тақсимоти

| № | Модул мавзулари | Жами | Жумладан | |
|---|---|---|---|---|
| | | | назарий | амалий |
| 1. | Тарих фаниннинг замонавий концепциялари | 4 | 2 | 2 |
| 2. | Тарихий билишнинг ўзига хослиги ва тарихий билиш тамойиллари | 4 | 2 | 2 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **3.** | Шарқ тарихнавислигида тарих фани илмий-назарий масалалари-нинг замонавий тадқиқотлари. Абу Райҳон Берунийнинг тарихий илмий қарашлари замонавий тарихшунослик тадқиқотларида | **2** | **-** | **2** |
| **4.** | Тарихий манбалар ва тарихий далил. Далил ва унинг илмий-таҳлилий масалаларига оид айрим илмий-назарий қарашлар. | **4** | **2** | **2** |
| **5.** | Замонавий тарих фани тадқиқотла-рида фанлараро ёндашув масалалари | **4** | **2** | **2** |
| **6.** | Замонавий тарих фанида Ўзбекис-тоннинг XIX-XX аср бошлари тарихи талқини ва тадқиқотларининг долзарб масалалари. | **2** | **-** | **2** |
| **Жами** | | **20** | **8** | **12** |

## НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### 1-Мавзу: Тарих фаниннинг замонавий концепциялари.

Тарихий хотира, тарихий тафаккур мазмуни ва зарурати. Олий таълим тизимида тарих фанини модернизациялаш масалалари. Олий таълимда тарих таълимини ташкил этишнинг концептуал асослари.

### 2-мавзу. Тарихий билишнинг ўзига хослиги ва тарихий билиш тамойиллари

Ижтимоий ва табиий фанлар услубларининг ўзаро боғлиқлиги. Билишнинг ретроспектив характери. Икки карра субъектланган билим. Тарих фанининг комплекс характерлилиги. Билиш тамойиллари ва уларнинг регулятив функциялари. Сабабийлик тамойили (Детерминизм тамойили). Холислик (объективлик) тамойили. Тарихчига зарур бўладиган омиллар. Тарихийлик тамойили. Тизимлилик тамойили.

### 3-мавзу. Тарихий манбалар ва тарихий далил. Далил ва унинг илмий-таҳлилий масалаларига оид айрим илмий-назарий қарашлар.

Тарихий манба, ахборот ва унинг хусусиятлари. Ахборотнинг назарий манба сифатидаги ўрни. Манба ахборот ташувчи. Яққол ва яширин ахборот. Белгиланган ва белгиланмаган ахборот. Ахборотнинг етишиш ва етишмаслик муаммоси. Тарихий далил ва унинг интерпритацияси. Далил. Тушунча

тўғрисидаги баҳслар. Тарихий далил тизими, тарихга таъсир этиш омиллари ва моҳияти.

**4 - Мавзу: Тарих фанида фанлараро ёндашув масалалари**

Тарихнинг бошқа фанлар билан ўзаро муносабатлари-ижтимоий ва гуманитар фан даврий жараёни. Тарих ва жамиятшунослик. Янги ижтимоий тарих. Тарих ва психология. Маданий антропология. Тарих ва адабиёт. тилшунослик. Семиотика ва тарих. Тарих ва табиий фанлар. Синергетика, тартибсизлик назарияси.

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

**1-амалий машғулот: Тарих фаниннинг замонавий концепциялари.**

Тарихий хотира, тарихий тафаккур мазмуни ва зарурати. Олий таълим тизимида тарих фанини модернизациялаш масалалари. Олий таълимда тарих таълимини ташкил этишнинг концептуал асослари.

**2-амалий машғулот: Тарихий билишнинг ўзига хослиги ва тарихий билиш тамойиллари**

Ижтимоий ва табиий фанлар услубларининг ўзаро боғлиқлиги. Билишнинг ретроспектив характери. Икки карра субъектланган билим. Тарих фанининг комплекс характерлилиги. Билиш тамойиллари ва уларнинг регулятив функциялари. Сабабийлик тамойили (Детерминизм тамойили). Холислик (объективлик) тамойили. Тарихчига зарур бўладиган омиллар. Тарихийлик тамойили. Тизимлилик тамойили.

**3-амалий машғулот: Шарқ тарихнавислигида тарих фани илмий-назарий масалаларининг замонавий тадқиқотлари. Абу Райҳон Берунийнинг тарихий илмий қарашлари замонавий тарихшунослик тадқиқотларида**

Шарқ тарихнавислигида тарих фани илмий-назарий масалаларининг замонавий таҳлиллари. Шарқ тарихнавислигининг ўзига хос хусусиятлари. Абу Райҳон Берунийнинг тарихий илмий қарашлари замонавий тарихшунослик тадқиқотларида

### 4-амалий машғулот: Тарихий манбалар ва тарихий далил.

Тарихий манба, ахборот ва унинг хусусиятлари. Ахборотнинг назарий манба сифатидаги ўрни. Манба ахборот ташувчи. Яққол ва яширин ахборот. Белгиланган ва белгиланмаган ахборот. Ахборотнинг етишиш ва етишмаслик муаммоси. Далил ва унинг илмий-таҳлилий масалаларига оид айрим илмий-назарий қарашлар. Тарихий далил ва унинг интерпритацияси. Далил. Тушунча тўғрисидаги баҳслар. Тарихий далил тизими, тарихга таъсир этиш омиллари ва моҳияти. Далил ва унинг илмий-таҳлилий масалаларига оид айрим илмий-назарий қарашлар.

### 5-амалий машғулот: Тарих фанида фанлараро ёндашув масалалари

Тарихнинг бошқа фанлар билан ўзаро муносабатлари-ижтимоий ва гуманитар фан даврий жараёни. Тарих ва жамиятшунослик. Янги ижтимоий тарих. Тарих ва психология. Маданий антропология. Тарих ва адабиёт. тилшунослик. Семиотика ва тарих. Тарих ва табиий фанлар. Синергетика, тартибсизлик назарияси.

### 6-амалий машғулот: Замонавий тарих фанида Ўзбекистоннинг XIX-XX аср бошлари тарихи талқини ва тадқиқотларининг долзарб масалалари.

XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистон ўлкаси ижтимоий-сиёсий ҳаётининг ўзига хос хусусиятлари. Туркистонда Россия империяси мустамлакачилик сиёсати ва унинг замонавий талқини. Туркистон халқлари миллий-озодлик ҳаракатлари тарихшунослиги. Жадидчилик ҳаракати, жадидларнинг маданий ва маориф ҳамда сиёсий соҳалардаги фаолияти. XIX-XX аср бошларида ўзбек халқининг интеллектуал-маданий меросин ўрганиш масалалари

## ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Бугунги кунда ўқитишнинг замонавий методлари таълим жараёнида кенг қўлланилмоқда. Ўқитишнинг замонавий методларини қўллаш ўқитиш жараёнида юқори самарадорликка эришишга олиб келади. Таълим методларини танлашда ҳар бир дарснинг дидактик вазифасидан келиб чиқиб танлаш мақсадга мувофиқ саналади.

Анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда, унга турли-туман таълим олувчилар фаолиятини фаоллаштирадиган методлар билан бойитиш таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасининг кўтарилишига олиб келади. Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши, таълим берувчи томонидан таълим олувчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантирилиб турилиши, ўқув материалини кичик-кичик бўлакларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишда ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш, баҳс-мунозара, муаммоли вазият, йўналтирувчи матн, лойиҳа, ролли ўйинлар каби методларни қўллаш ва таълим олувчиларни амалий машқларни мустақил бажаришга ундаш талаб этилади.

Бу методлар интерфаол ёки интерактив методлар деб ҳам аталади. **Интерфаол методлар** деганда таълим олувчиларни фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи, таълим жараёнининг марказида таълим олувчи бўлган методлар тушунилади. Бу методлар қўлланилганда таълим берувчи таълим олувчини фаол иштирок этишга чорлайди. Таълим олувчи бутун жараён давомида иштирок этади. Таълим олувчи марказда бўлган ёндошувнинг фойдали жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- таълим самараси юқорироқ бўлган ўқиш-ўрганиш;
- таълим олувчининг юқори даражада рағбатлантирилиши;
- илгари орттирилган билимнинг ҳам эътиборга олиниши;
- ўқиш шиддатини таълим олувчининг эҳтиёжига мувофиқлаштирилиши;
- таълим олувчининг ташаббускорлиги ва масъулиятининг қўллаб-қувватланиши;
- амалда бажариш орқали ўрганилиши;
- икки тарафлама фикр-мулоҳазаларга шароит яратилиши.



## “Кичик гуруҳларда ишлаш” методи

**“КИЧИК ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ” МЕТОДИ** - таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув

материалини ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий иш.

Ушбу метод қўлланилганда таълим олувчи кичик гуруҳларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-биридан ўрганишга ва турли нуқтаи- назарларни қадрлаш имконига эга бўлади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади. Қуйида “Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг тузилмаси келтирилган.




**“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:**

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.

2. Кичик гуруҳлар белгиланади. Таълим олувчилар гуруҳларга 3-6 кишидан бўлинишлари мумкин.

3. Кичик гуруҳлар топшириқни бажаришга киришадилар.

4. Таълим берувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва йўналтириб турилади.

5. Кичик гуруҳлар тақдимот қиладилар.

6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.

7. Кичик гуруҳлар баҳоланади.

**«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг афзаллиги:**

- ўқитиш мазмунининг яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашишига олиб келади;
- вақтни тежаш имконияти мавжуд;
- барча таълим олувчилар жалб этилади;
- ўз-ўзини ва гуруҳлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

**«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг камчиликлари:**

•баъзи кичик гуруҳларда кучсиз таълим олувчилар бўлганлиги сабабли кучли таълим олувчиларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;

•барча таълим олувчиларни назорат қилиш имконияти паст бўлади;

•гуруҳлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин;

•гуруҳ ичида ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.

**“ДАВРА СУҲБАТИ” МЕТОДИ –** айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим олувчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.

“Давра суҳбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир таълим олувчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра суҳбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра суҳбатида таълим берувчи мавзуни бошлаб беради ва таълим олувчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган таълим олувчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса таълим олувчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради. Қуйида “Давра суҳбати” методининг тузилмаси келтирилган.

**Давра столи тузилмаси**

Ёзма давра суҳбатида ҳам стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим олувчига конверт қоғози берилади. Ҳар бир таълим олувчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва “Жавоб варақаси”нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди. Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади.

Конвертни олган таълим олувчи ўз жавобини “Жавоблар варақаси”нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги таълим олувчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йиғиб олиниб, таҳлил қилинади.

**“Давра суҳбати” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:**

1. Машғулот мавзуси эълон қилинади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларни машғулотни ўтказиш тартиби билан таништиради.
3. Ҳар бир таълим олувчига биттадан конверт ва жавоблар ёзиш учун гуруҳда неча таълим олувчи бўлса, шунчадан “Жавоблар варақалари”ни тарқатилиб, ҳар бир жавобни ёзиш учун ажратилган вақт белгилаб қўйилади. Таълим олувчи конвертга ва “Жавоблар варақалари”га ўз исми-шарифини ёзади.
4. Таълим олувчи конверт устига мавзу бўйича ўз саволини ёзади ва “Жавоблар варақаси”га ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди.
5. Конвертга савол ёзган таълим олувчи конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади.
6. Конвертни олган таълим олувчи конверт устидаги саволга “Жавоблар варақалари”дан бирига жавоб ёзади ва конверт ичига солиб қўяди ҳамда ёнидаги таълим олувчига узатади.
7. Конверт давра столи бўйлаб айланиб, яна савол ёзган таълим олувчининг ўзига қайтиб келади. Савол ёзган таълим олувчи конвертдаги “Жавоблар варақалари”ни баҳолайди.
8. Барча конвертлар йиғиб олинади ва таҳлил қилинади.



Ушбу метод орқали таълим олувчилар берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини қисқа ва аниқ ифода эта оладилар. Бундан ташқари ушбу метод орқали таълим олувчиларни муайян мавзу бўйича баҳолаш имконияти яратилади. Бунда таълим олувчилар ўзлари берган саволларига гуруҳдаги бошқа таълим олувчилар берган жавобларини баҳолашлари ва таълим берувчи ҳам таълим олувчиларни объектив баҳолаши мумкин.

**“БАҲС-МУНОЗАРА” МЕТОДИ** - бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир.

Ҳар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

“Баҳс-мунозара” методини ўтказишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

✓ барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;
✓ “ўнг қўл” қоидаси (қўлини кўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя қилиш;
✓ фикр-ғояларни тинглаш маданияти;
✓ билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги;
✓ бир-бирларига ўзаро ҳурмат.

Қуйида “Баҳс-мунозара” методини ўтказиш тузилмаси берилган.



**Методнинг босқичлари қуйидагилардан иборат:**

1. Таълим берувчи мунозара мавзусини танлайди ва шунга доир саволлар ишлаб чиқади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммо бўйича савол беради ва уларни мунозарага таклиф этади.
3. Таълим берувчи берилган саволга билдирилган жавобларни, яъни турли ғоя ва фикрларни ёзиб боради ёки бу вазифани бажариш учун таълим олувчилардан бирини котиб этиб тайинлайди. Бу босқичда таълим берувчи таълим олувчиларга ўз фикрларини эркин билдиришларига шароит яратиб беради.
4. Таълим берувчи таълим олувчилар билан биргаликда билдирилган фикр ва ғояларни гуруҳларга ажратади, умумлаштиради ва таҳлил қилади.
5. Таҳлил натижасида қўйилган муаммонинг энг мақбул ечими танланади.



## "ФСМУ" методи

**"ФСМУ"**–(фикр, сабаб, мисол, умумлаштириш) методи мунозарали масалаларни ҳал этиш ҳамда ўқув жараёнининг баҳс-мунозарали ўтказишда қўлланилади, чунки бу метод тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш, ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга ҳамда шу билан бирга баҳслашиш маданиятига ўргатади. Бу метод янги мавзуни чуқур ўрганишдан аввал тингловчиларнинг фикрлаш фаолиятини жадаллаштириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат қилиши мумкин. Шунингдек, ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш, ўзлаштириш, умумлаштириш, тингловчиларни шу мавзу бўйича тасаввурларини ёзма шаклда, далил ва исботлар билан ифодалашга ундайди.

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

**Технологияни амалга ошириш тартиби:**

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

**Ф** — фикрингизни баён этинг

**С** — фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг

**М** — кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг

**У** — фикрингизни умумлаштиринг

**ФСМУ** таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

**Намуна.**

**Фикр:** “Тарих фанидан давлат таълим стандартлари талабларини халқаро андозалар асосида такомиллаштириш ва сертификатлаштириш таълим самарадорлигининг энг муҳим омилларидан биридир”.

**1-Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ технологияси орқали таҳлил қилинг.

**2-Топшириқ:** Бухоро амирлиги, Хива хонлиги, Қўқон хонлиги давлат бошқарувининг асосий фарқлари?



## "ХУЛОСАЛАШ" (Резюме, Веер) методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли

ривожлантиришга ҳамда тингловчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

**Методни амалга ошириш тартиби:**



Иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



Машғулотнинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



Ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



Нвбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, ўқитувчи томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзу

**Намуна:**

| **Тарих фанидан Давлат таълим стандарти** | | | |
|---|---|---|---|
| **Собиқ стандарт** | | **Янги стандарт** | |
| афзаллиги | камчилиги | афзаллиги | камчилиги |
| | | | |
| **Хулоса:** | | | |



# “SWOT-таҳлил” методи

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни

таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

| | |
|---|---|
| **S – (strength)** | • кучли томонлари |
| **W – (weakness)** | • заиф, кучсиз томонлари |
| **O – (opportunity)** | • имкониятлари |
| **T – (threat)** | • тўсиқлар |

**Намуна:** Тарих ўқитишда “Хулосалаш” методнинг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

| | | |
|---|---|---|
| **S** | Тарих ўқитишда “Хулосалаш” методидан фойдаланишнинг кучли томонлари | |
| **W** | Тарих ўқитишда “Хулосалаш” методидан фойдаланишнинг кучсиз томонлари | |
| **O** | Тарих ўқитишда “Хулосалаш” методдан фойдаланишнинг имкониятлари (ички) | |
| **T** | Тўсиқлар (ташқи) | |

**Намуна:** Анъанавий ва замонавий таълим шаклларини “SWOT-таҳлил” методида таҳлил қилинг.

| | | |
|---|---|---|
| **S** | Оддий дарсда ўқитувчи, тингловчиларга кўп маълумот бера олмайди | Замонавий дарсда камрок маълумот берилади, бирок улар тингловчилар онгига сингдириб берилади |
| **W** | Ўқитувчи асосан аълочи, қизиқувчи тингловчилар билан гаплашади, яъни дарсда оз сонли тингловчилар қамраб олинади | Замонавий таълимда дарсда кўп сонли тингловчилар қамраб олинади |
| **O** | Оддий дарсда факат ўқитувчи режа асосида ва тайёрлаб келган | Замонавий дарсда муҳокама жараёнида янги-янги масалалар, |

| | | |
|---|---|---|
| | маълумотлари атрофида гаплашилади | муаммолар юзага чиқиши, ғоялар туғилиши мумкин |
| **Т** | Ўқитувчи учун асосий тўсиқ – дастурдан чиқиб кета олмаслик, тингловчи учун қизиқмаса ҳам ўқитувчини эшитиб ўтириш мажбурияти | Кенг муҳокама учун вақтнинг чегараланганлиги, тингловчиларни мавзудан четга буришга интилишлари |



# "Инсерт" методи

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

**Методни амалга ошириш тартиби:**

➢ ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

➢ янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;

➢ таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда тингловчилар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

| Белгилар | 1-матн | 2-матн | 3-матн |
|---|---|---|---|
| “V” – таниш маълумот. | | | |
| “?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак. | | | |
| “+” бу маълумот мен учун янгилик. | | | |
| “–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман? | | | |

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.



# “Пинборд” методи

Пинборд (инглизчадан: pin – маҳкамлаш, board – ёзув тахтаси) мунозара усуллари ёки ўқув суҳбатини амалий усул билан мослашдан иборат. Муаммони ҳал қилишга оид фикрларни тизимлаштириш ва гуруҳлаштириш (классификация)ни амалга оширишга, жамоа тарзда ягона ёки аксинча қарама-қарши позицияни шакллантиришга имкон беради.

Ўқитувчи таклиф этилган муаммо бўйича ўз нуқтаи назарини баён қилишни сўрайди. Тўғридан-тўғри ёки оммавий ақлий ҳужумнинг бошланишини ташкил қилади (рағбатлантиради). Фикрларни таклиф қиладилар, муҳокама қиладилар, баҳолайдилар ва энг оптимал (самарали) фикрни танлайдилар. Уларни таянч хулосавий фикр (2 та сўздан кўп бўлмаган) сифатида алоҳида қоғозларга ёзадилар ва доскага маҳкамлайдилар.

Ўқитувчи билан биргаликда флипчарт (махсус доска ва махсус қоғоз ёпиштириш имконини берадиган скотч) ёрдамида фикрлар жамланади, классификация қилинади, муҳокамада эса оптимал ечимлар бўйича аниқланади.

Гуруҳ намоёндалари доскага чиқадилар ва маслаҳатлашган ҳолда:

1) яққол хато бўлган ёки такрорланаётган фикрларни олиб ташлайдилар;

2) баҳсли бўлган фикрларни ойдинлаштирадилар;

3) фикрларни тизимлаштириш мумкин бўлган белгиларини аниқлайдилар;

4) шу белгилар асосида доскадаги барча фикрларни (қоғоз ва варақларидаги) гуруҳларга ажратадилар;

5) уларнинг ўзаро муносабатларини чизиқлар ёки бошқа белгилар ёрдамида кўрсатадилар: жамоанинг ягона ёки қарама-қарши позициялари ишлаб чиқилади.

**Маданият**

| **моддий маданият** | **маънавий маданият** |
|---|---|
| | |
| | |



# “Концептуал жадвал” методи

Концептуал жадвал методи - турли ғояларни, қарашларни ўзаро таққослаш ва уларни турли тоифалар бўйича таққослаган ҳолда баҳо беришга қаратилган органайзер ҳисобланади. Метод тингловчиларни ўрганилаётган мавзу (масала ёки муаммо)ни икки ёки ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашга ўргатади.

Ундан фойдаланишда тингловчиларнинг мавзу юзасидан мантиқий фикрлаш, маълумотларни тизимли баён қилиш қобилиятлари ривожлантирилади.

Машғулотлар чоғида методдан фойдаланиш қуйидаги тартибда кечади:

Ўқитувчи ечими топилиши лозим бўлган мавзу (масала)ни аниқлайди

↓

Тингловчилар мавзу ва методдан фойдаланиш қоидаси билан таништирилади

↓

Тингловчилар кичик гуруҳларга бириктирилади

↓

Гуруҳлар ўзларига берилган топшириқни бажаради

↓

Гуруҳлар ечимни гуруҳ жамоаси ҳукмига ҳавола этади

↓

Гуруҳларнинг ечимлари гуруҳ жамоасида муҳокама қилинади

| **Ўрганилаётган мавзу моҳиятини ёритувчи жиҳатлар** | **Муҳим белгилар, тавсифлар** | | |
|---|---|---|---|
| | **1-белги (тавсиф)** | **2-белги (тавсиф)** | **3-белги (тавсиф)** |
| 1-жиҳат | | | |
| 2-жиҳат | | | |
| … | | | |

**Намуна:**

| **Тарих дарсларида интерфаол таълим усулларидан фойдаланишнинг жиҳатлари** | **Муҳим белгилар, тавсифлар** | | |
|---|---|---|---|
| | **1-белги (тавсиф)** | **2-белги (тавсиф)** | **3-белги (тавсиф)** |
| “Ассесмент” | | | |
| “Инсерт” | | | |
| “Тушунчалар” | | | |
| “Брифинг” | | | |
| “Баҳс-мунозара” | | | |
| “Муаммоли вазият” | | | |
| | | | |



# "Тушунчалар" методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод Тингловчилар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади ( индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Намуна:** “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

| Тушунчалар | Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади? | Қўшимча маълумот |
|---|---|---|
| Тарихий манба | | |
| Тарихий адабиёт | | |
| Тарихий ҳужжат | | |
| Тарихий харита | | |
| Тарихий сурат | | |
| Тарихий фонограмма | | |
| Тарихий хат | | |
| Тарихий макон | | |

**Изох:** Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

## “Муаммоли вазият” методи

**“Муаммоли вазият” методи** - таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича кўникмаларини шакллантиришга қаратилган методдир.

“Муаммоли вазият” методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги таълим олувчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Улар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс ҳолда ечимни топа олмагач, таълим олувчиларнинг қизиқишлари сўнишига, ўзларига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келади. “Муаммоли вазият” методи қўлланилганда таълим олувчилар мустақил фикр юритишни, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганадилар. Қуйида “Муаммоли вазият” методининг тузилмаси келтирилган.




**“Муаммоли вазият” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:**

1. Таълим берувчи мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммони баён қилади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларни топшириқнинг мақсад, вазифалари ва шартлари билан таништиради.
3. Таълим берувчи таълим олувчиларни кичик гуруҳларга ажратади.
4. Кичик гуруҳлар берилган муаммоли вазиятни ўрганадилар. Муаммонинг келиб чиқиш сабабларини аниқлайдилар ва ҳар бир гуруҳ тақдимот қилади. Барча тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

5. Бу босқичда берилган вақт мобайнида муаммонинг оқибатлари тўғрисида фикр-мулоҳазаларини тақдимот қиладилар. Тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

6. Муаммони ечишнинг турли имкониятларини муҳокама қиладилар, уларни таҳлил қиладилар. Муаммоли вазиятни ечиш йўлларини ишлаб чиқадилар.

7. Кичик гуруҳлар муаммоли вазиятнинг ечими бўйича тақдимот қиладилар ва ўз вариантларини таклиф этадилар.

8. Барча тақдимотдан сўнг бир хил ечимлар жамланади. Гуруҳ таълим берувчи билан биргаликда муаммоли вазиятни ечиш йўлларининг энг мақбул вариантларини танлаб олади.



## "Т-жадвал" технология

Технология таянч тушунчаларни бир-бири билан ўзаро солиштириш, қиёслаш асосида ўрганилаётган мавзу ёки масаланинг муайян жиҳатини бир неча асосий белгиларга кўра батафсил ёритиш мақсадида қўлланилади. Кўп ҳолларда технология мавзу мазмунида ёритиладиган бир неча ҳолатларнинг афзаллик ёки камчиликларини, самарадорли ёки самарасизлигини, бугунги кун ва истиқбол учун аҳамиятини таққослаш мақсадида қўлланилади.

Агар улар ёзилган фикрга қўшилсалар, биринчи устунда “+“ акс ҳолда учинчи устунда “-“ белгисини қўядилар.

**Изоҳ: Ўқитувчи:** Янги мавзуни баён қилади ва тингловчиларга икки қарама-қарши жиҳат ҳақида бошланғич маълумотларни беради;

- топшириқни якка тартибда бажаришларини сўрайди ва 10 дақиқа вақт ажратади;

- вақт тугагач тингловчилардан изоҳларсиз ўз фикр – мулоҳазаларини ўқиб эшиттиришларини айтади;

- барча хулосалар тинглангач, умумлаштирилади ва якуний хулоса шакллантирилади.

**Тингловчи:** - мавзуни диққат билан тинглайди;

- ўзи учун зарур бўлган маълумотларни дафтарига қайд қилиб боради;

- берилган схема асосида тушунчага нисбатан ўзининг мустақил фикрини билдиради;

- якуний хулосаси билан ўтирганларни таништиради;

- регламентга риоя қилади.

**Кутиладиган натижа:** Тингловчилар мавзу юзасидан зарурий билимларни ўзлаштиради, курснинг моҳияти ҳақида тасаввурга эга бўлади

**“Т-жадвал” технологияси**

| **Ўрганилаётган масала (ғоя, омил)** | |
|---|---|
| + **(ҳа, ижобий)** афзаллиги (ютуғи) | **- (йўқ, салбий)** камчилиги |
| 1. | 1. |
| 2. | 2. |
| ... | ... |

**“Инновацион технологияларни дарсда фойдаланиш”**

| **Афзалликлари** | **Камчиликлари** |
|---|---|
| “Қайтар алоқа”нинг таъминланиши | кўп вақт талаб этилиши |
| мотивациянинг юқори даражада бўлиши | тингловчиларни назорат қилиш имкониятининг пастлиги |
| ўтилган материалнинг яхши эсда сақлаб қолиниши | объектив баҳолашнинг қийинлиги |
| мулоқатга киришиш кўникмасининг такомиллашиши | ўқитувчининг ўзидан ҳам ривожланган фикрлаш қобилиятига ва муаммолар ечиш кўникмасига эга бўлишининг талаб этилиши |
| ўз-ўзини ва бошқаларни баҳолаш кўникмасининг шаклланиши | ижодий шовқин бўлиши |
| мустақил фикрлаш | қайтар алоқанинг |
| **ХУЛОСА** | |

***Т-схема кўринишида вазифа***

| **Ҳа** | **Фикр-мулоҳазалар** | **Йўқ** |
|---|---|---|
| | Ўзбекистонда "Ташсельмаш", “Ўзбексельмаш”, “Красний двигатель”, “Подъемник” ва бошқа заводлар пахтачиликни ривожлантириш мақсадларига мослаштирилди. | |
| | 1950 йил Ўзбекистонда 2.220 минг тонна пахта тайёрланди. | |
| | Суғориш ишларини яхшилаш учун сунъий сув омборлари қурилди. | |
| | XX асрининг энг йирик экологик - “Орол фожеаси” вужудга келди. | |

| | | |
|---|---|---|
| | Ўзбекистон мамлакати пахта хом-ашё базасига айлантирилди. | |
| | Ўзбекистон “Оқ-олтин”дан катта манфат кўрарди. | |



# “Блиц-ўйин технологияси”

**Сана ва воқеаларни тўғри хронологик кетма-кетликда жойлаштиринг.**

**Саналар –** 395, VI аср, 527-565, 534, VI асрнинг ўрталари, VII аср, X-XI аср, IX-XI асрлар.

**Тарихий воқеалар –** Рим империяси икки мустақил давлатга бўлинди, Константинополь, ЮстинианI императорлиги даври, Юстиниан I Велисарийни шимолий Африкага жўнатди, Византиянинг заифлашуви славян қабилалари истилоларига йўл очди, Араб ҳалифалиги ҳужумлари натижасида Сурия ва Миср қўлдан кетди, императорлар амалдорлар, ибодатхоналар ва монастирларга кўплаб ер-мулклар инъом этадилар, феодал муносабатларнинг узил-кесил ўрнатилишига олиб келди.

| **Йил, сана** | **Содир бўлган воқелик** |
|---|---|
| | |

**“Венн диаграммаси” стратегияси**

Стратегия тингловчи (тингловчи)ларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади. У кичик гуруҳларни шакллантириш асосида аниқ схема бўйича амалга оширилади.

Стратегия тингловчи (тингловчи)лар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билим, маълумот ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Ундан муайян бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш янада самаралидир.



# “Ҳамкорликда ўқитиш” методи

Ҳамкорликда ўқитишнинг асосий ғояси – бирор нарсани бирга бажариш эмас, балки ҳамкорликда ўқиш, ўрганишдир!

Ҳамкорликда ўқитишнинг самарадорлиги:

**1.** Ахборотга танқидий ёндашув ва ўз нуқтаи назарини далиллар билан асослашни шакллантиради. Бу кўникмалар ҳамкорликда ўқиётганларда бир-бири билан рақобат қилаётган ёки индивидуал ўқиётганларга қараганда яхшироқ ривожланган. Хаттоки, ҳамкорликда бажарилган ёзма ишлар чуқур мазмунга эгалиги билан фарқланади.

2. Ижодий қобилиятлар ривожланади. Ҳамкорликда ўқиётган гуруҳ аъзолари бетакрор ғояларни кўпроқ ишлаб чиқади, турли мақсадларга эришишда ва дарс жараёнида пайдо бўлган ҳар хил ўқув масалаларининг янги ечимларини топишда ижодий қобилиятлар ривожланиб боради.

3. Бир вазиятда олинган билимлар бошқа вазиятда қўлланишига кўмаклашади. Бугун гуруҳ бажарган топшириқни эртага ҳар тингловчи мустақил бажара олиши мумкин.

4. Дарс мазмунига ижобий ёндашув шакллантирилади. Ҳамкорлик билимларга кўпроқ қизиқиш учун ҳам шароитлар яратади. Машғулот ўтказиш усули қанчалик такомиллашган бўлса, тингловчиларнинг ўрганилаётган масалага қизиқиши ва фаоллиги ортиб боради.

5. Топшириқларни бажариш учун кўпроқ вақт сарфланади. Ҳамкорликда ўқиётганлар топшириқларни бажариш учун рақобат қилаётган ёки индивидуал ўқиётганларга нисбатан кўпроқ вақт сарфлайдилар.

Ҳамкорликда ўқитишнинг асосий афзалликлари:

- ҳамкорликда ўқиётган тингловчилар бир-бирининг муваффақиятига кўмаклашади;
- ёрдам ва мадад берадилар ва ёрдамни қабул қиладилар, гап фақат ўқиш тўғрисида эмас, балки инсоний, дўстона муносабат тўғрисида кетаяпти;
- ахборот ва “моддий ресурслар”, яъни топшириқни бажариш учун зарур бўлган барча нарсалар билан алмашади;
- ўртоқлари берган маълумотларни ўзлаштиради ва қўллашга ҳаракат қиладилар. Оғзаки тушунтиришлар, ахборотни ўйлаб кўриш ва умумлаштириш, ўз билимлари ва кўникмаларини бошқаларга узатиш – буларнинг ҳаммаси билимларни тартибга солиш, уларни яхшироқ англаб ўзлаштириш ва умумий мақсадга эришишга шахсий улушини қўшишга олиб келади;
- тингловчилар бир-бири билан музокара олиб боришга ва далиллар келтиришга ўрганади. Интеллектуал майдондаги зидликлар қизиқувчанликни ривожлантиради, билимларни ўзлаштириш ва уларни қайта англаш, ўрганилаётган муаммога чуқурроқ киришишга ундайди ҳамда бошқа кўп фойдали сифат ва кўникмаларни шакллантиради;

- тингловчилар яхшироқ ўқишга интилишда бир-бирига кўмаклашади. Ўқишда ўртоқларига ёрдам бераётган тингловчи ўзи ҳам сезиларли даражада яхшироқ ўқийди;
- бир-бирига таъсир этади. Ҳамкорликда ўқиётган гуруҳ аъзолари ўртоқларига таъсир этишнинг ҳар қандай имкониятидан фойдаланадилар ва ўз навбатида таъсир учун очиқлар;
- аниқ ифодоланган мотивацияга эга. Билимларни ўзлаштиришга интилиш умумий мақсадга эришишга қаратилган ҳамкорликдаги меҳнат туфайли кучаяди;
- ўзаро ишонч шароитини яратади ва талабларни юқори даражада ушлаб туради. Гуруҳ аъзолари ўз ўртоқларига ишонадилар ва ўзларини ўртоқлари ишончини қозонадиган тарзда тутадилар, бу катта муваффақиятларга эришиш учун шароитлар яратади. Ўзаро ишонч – ҳар бирининг юқори ютуқлари учун яхши асос.

Ҳамкорликдаги ўқиш тамойиллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- гуруҳга битта топшириқ;
- битта рағбат: гуруҳ барча иштирокчилари ҳамкорликдаги иш баҳоси (умумий натижага эришиш учун барча гуруҳ аъзолари сарфлайдиган кучи баҳоланади) ва академик натижалари йиғиндисидан ташкил топган битта баҳо олади, яъни гуруҳ (команда) муваффақияти ҳар бир иштирокчининг ҳиссасига боғлиқ;
- ҳар бирининг ўз муваффақияти ва гуруҳнинг бошқа аъзолари муваффақияти учун шахсий масъулияти;
- ҳамкорликдаги фаолият: гуруҳий музокара, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам бериш каби ўзаро ҳаракат усуллари асосида ташкил топади;
- муваффақиятга эришишда тенг имкониятлар: ҳар бир ўқиётган ўз шахсий ютуғини такомиллаштириш, шахсий имкониятлари, қобилиятларидан келиб чиққан ҳолда ўқишга берилган бўлиши зарур, чунки у бошқалар билан тенг баҳоланади.

**Гуруҳда ишлаш қоидалари:**
Ҳар ким ўз ҳамкасблари нутқини хушмуомалалик билан тинглаши зарур;
Ҳар ким фаол, биргаликда ишлаши, берилган топшириққа масъулиятли ёндашиши зарур;
Ҳар ким ёрдамга муҳтож бўлганда уни сўраши зарур;
Ҳар кимдан ёрдам сўралса, ёрдам қилиши зарур;
Ҳар ким гуруҳ ишини натижаларини баҳолашда иштирок этиши зарур.

| |
|---|
| - Бошқаларга ёрдам бериб, ўзимиз тушунамиз! |
| - Биз битта кемадамиз: ёки бирга сузиб чиқамиз, ёки бирга чўкиб кетамиз! |

| **Гуруҳда топшириқни бажариш йўриқномаси:** |
|---|
| 1. Гуруҳ лидерини сайланг. |
| 2. Топшириқ билан танишинг ва уни қандай қилиб бажаришингизни муҳокама қилинг. |
| 3. Топшириқни бажаринг. |
| 4. Тақдимотга тайёрланинг. |
| 5. Тақдимот ўтказинг. |
| 6. Гуруҳ ишини баҳоланг. |

1-босқич

Гуруҳ иш жойини тайёрлаш – стол ва ўриндиқлар шундай жойлаштириладики, бунда таълим берувчи аудиторияда эркин ҳаракатлана олсин, ҳар бир гуруҳ аъзоси бир жойда бўлишлари ва бир-бирларини кўришлари ва эшитишлари керак, зарур ўқув қўлланмалар барчага етарли бўлиши керак.

2-Асосий босқич

**1.** Таълим олувчиларни гуруҳларга тақсимлаш – танланган кичик гуруҳларга бирлаштириш йўли асосида таълим олувчиларни гуруҳларга бўлади.

**2.** Ўқув топшириқларини тарқатиш – муаммоли вазиятни таклиф қилади, таълим олувчилар билан биргаликда уни эчиш йўли ва тартибини муҳокама қилади, гуруҳларда ҳамкорликдаги фаолиятни тақдим этиш шаклини маълум қилади. Ҳар бири ва бутун гуруҳнинг натижаларини баҳолаш мезонларини тушунтиради.

**3.** Ўқув топшириқларни бажариш бўйича йўриқномани тушунтириш. Гуруҳлар бўйича ишни бажариш учун зарур материалларни тарқатади. Топшириқни баажаришда қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради. Гуруҳларда ишлаш қоидаларини эслатади.

Доскада гуруҳли ишни бажариш бўйича йўриқномани ёзади ёки тарқатади.

**4.** Таълим олувчилар билан қайтар алоқани амалга ошириш Таълим олувчилар билан гуруҳли ишни бажариш бўйича йўриқномани муҳокама қилади;ҳаммалари уни тушунганларига ишонч ҳосил қилади.

**5.** Гуруҳларда ўқув топшириқни бажариш жараёнини ташкил этиш – ўқув топшириқни бажариш бўйича ишни бошланиши ҳақида эълон қилади; Гуруҳ ишини назорат қилади. Гуруҳ ишини режалаштириш, вазифаларни гуруҳ аъзолари ўртасида тақсимлаш,вазифани бажариш бўйича якка тартибда ишлаш,

якка тартибда топилган ечимларни муҳокама қилиш, гуруҳ учун умумий ечимни ифодалаш, гуруҳ иши натижаларини тақдимотини тайёрлаш, аниқ топшириқни баажариш учун зарур бўлган алоҳида бўлиб ишлашга, кўникмаларни шакллантиришга эътиборини қаратади. Иш боришини шарҳлайди, ютуқларни баҳолайди, айрим аниқ, ва самимий танбеҳ қилади.

**6.** Гуруҳ иши тақдимотини ташкил қилиш – бажарилган иш натижалари тўғрисида маълумот бериш учун гуруҳ вакилларини тайинлайди. Баҳолаш мезони ва кўрсаткичларини эслатади.

3-Назорат –якуний босқичи

Якун ясаш – натижалар текширувини ўтказади: гуруҳнинг ҳар бир иштирокчиси билан гаплашади; Гуруҳ ишини таҳлил қилади, топшириқ бажарилишининг якунини қилади, эришилган мақсад тўғрисида хулосалар чиқаради.

**Ҳамкорликда ўқитишнинг самарадорлиги**

1. Ахборотга танқидий ёндашув ва ўз нуқтаи назарини далиллар билан асослашни шакллантиради.

2. Ижодий қобилиятлар ривожланади.

3. Бир вазиятда олинган билимлар бошқа вазиятда қўлланишига кўмаклашади.

4. Дарс мазмунига ижобий ёндашув шакллантирилади.

5. Топшириқларни бажариш учун кўпроқ вақт сарфини талаб этади.

# III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

## 1-Мавзу: Тарих фаниннинг замонавий концепциялари.

**Режа:**

1. Модулнинг ғоявий-назарий асослари. Мақсад ва вазифалари
2. Тарих фанининг замонавий концепциялари
3. Тарихий хотира, тарихий тафаккур мазмуни ва зарурати.
4. Марказий Осиё халқлари узоқ ўтмишининг айрим концептуал масалалари.
5. Олий таълим тизимида тарих фанини модернизациялаш масалалари. Олий таълимда тарих таълимини ташкил этишнинг концептуал асослари.

**Таянч тушунчалар:** Тарихий хотира, тарихий тафаккур мазмуни ва зарурати. Олий таълим тизимида тарих фанини модернизациялаш масалалари. Олий таълимда тарих таълимини ташкил этишнинг концептуал асослари. Тарихни даврлаштириш.

### 1. Модулнинг ғоявий-назарий асослари. Мақсад ва вазифалари

1. Тарихга кириб бораётган бугунги ҳар бир кун ўз моҳияти ва аҳамияти жиҳатидан ўнлаб йилларга тенгдир. Мустақил тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизда ҳар куни узоқ давр мобайнида тўпланиб, ўз ечимини кутиб ётган кўпгина муаммолар ҳал қилинмоқда. Айрим жабҳаларда юзага келган мураккаб вазиятни ижобий йўналишга буриш ва ундан жамият манфаатлари йўлида фойдаланиш бўйича амалий ҳаракатлар қилинмоқда. Бу ўринда тарих фани соҳасида тўпланган масалаларни хал қилиш ҳамда халқнинг қалби ва хотираси бўлмиш бу қадим фаннинг нуфузини кўтариш, масъулияти ва вазифаларини белгилаб олиш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари катта аҳамият касб этмоқда. 1998 йилдан бошлаб Ватан тарихини янгича йўсунда ўрганиш иши янада жадаллашди. Тарихимизнинг кўплаб муаммоли масалаларига бағишланган республика ва халқаро микёсда илмий конференциялар ўтказилди. Қатор илмий мақолалар, тўпламлар ва фундаментал монографиялар эълон қилинди.

Бугунги тарих фанининг замонавий муаммолари ва долзарб масалаларини ўрганиш мақсадида ташкил этилган ушбу ўқув курсининг бош мақсади буюк ўтмишимизни холисона тарихини янада чуқур таҳлил қилишга қаратилган. Модел ўз мазмун моҳиятига кўра ноанъанавий бўлганлиги сабабли унинг илмий методик ишланмасини яратиш чуқур тадқиқот ва изланишларни талаб этади. Модул доирасида танлаб олинган мавзулар ва улар доираси ниҳоятда кенг

қамровли эканлигини инобатга олиб белгиланган масалаларнинг холисона ечимини топиш мақсадида ҳар бир тарихий давр ва соҳанинг мутахассилари бўлган тарихчи археолог олимлар, манбашунослар, филолог ва шарқшуносларнинг фундаментал асарлари, монографиялари ва илмий мақолаларидан фойдаланилди. Баъзи ўринларда муаллифлик ҳуқуқига заррача даъво қилмаган холда уларнинг мақола ва рисолалари тўлалигича ҳақола этилди. Модулнинг ички мазмунини илмий жиҳатдан бойитишда хусусан мамлакатимиз ва хорижда кўзга кўринган олимлар Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиклари А.Асқаров, К.Шониёзов, Ю.Ф.Буряков, Э.В.Ртвеладзе, А.Сагдуллаев, тарих фанлари докторлари Р.Сулаймонов, Д.Алимова ва бошқаларнинг илмий ва услубий ишларидан кенг фойдаланилди.

1. Яхлит олиб қаралганда, тарихни халқ яратади. Уни яратишда фаол қатнашган, халқ руҳида, онгида ва қалбида ўзларидан чуқур ва ўчмас из қолдирган тарихий шахслар ҳам халқ фарзандлари бўлганликларига асосланиб шундай хулоса қилишимиз мумкин. Шу сабабли рамзий маънода **тарихни уни яратган ва яратаётган** (тарих, худди вақт сингари бир зум бўлса-да, тўхтаб турмайди) х**алқнинг таржимаи ҳоли** дейиш мумкин. Шу боисдан қадим тарих, ўрта асрлар тарихи, замона тарихи каби ибораларни ишлатамиз. Буларни жамласак, яхлит тарих келиб чиқади. Ҳар бир ота-она ўз фарзандларидан биронтасини “Бу менинг ўғлим эмас” ёки “Бу менинг қизим эмас” деёлмайди, деса-да бу ёлғон бўлади. Чунки ота-она ҳеч қачон ўз фарзандларини инкор этолмайди, чунки ўзлари уларни дунёга келтириб қўйганлар. Шунга ўхшаш халқ ҳам гарчи яхшидир, гарчи яхши эмасдир, уқувлидир, уқувсиздир бу фарзандларини инкор этолмайди, инкор этиши мумкин ҳам эмас. Яхшисини олқишлайди, ёмонини қоралайди, уқувлисидан мамнун бўлади, уқувсизига ачинади. Яхшисини “бахтим” дейди, ёмонини “пешонамнинг шўри” дейди.

Бундай ҳолатни ўзбек давлатчилигини бошқариб ўтган сулолалар ва улар ҳар бирининг вакилларига нисбатан ҳам қиёс этиш мумкин. Маълумки, шўролар замонида чиқарилган китобларда ва матбуотда ўзбек давлатчилигини бошқарган сулолаларнинг бари тилга олинмас, бири тилга олинса, иккинчиси ҳақида индамай ўтилар, бирини иккинчисига қарама-қарши қилиб қўйилар, сулолаларимиз вакиллари фаолиятидан фақат нуқсон қидирилар, кичик нуқсонлар ҳам катта қилиб, бўрттириб кўрсатилар эди. Нима қилиб бўлмасин, қандай йўллар билан бўлмасин, ишқилиб ўзбек давлатчилиги камситилар эди. Бухоро шаҳрининг 2500 йиллиги юбилейида (1997 йил октябр) бундай нохолисликка илк бор чек қўйилиб айтилдики, **ўтган икки ярим минг йил давомида ўзбек давлатчилигини бошқарган қадимий хоразмшоҳлар, кушонлар, эфталитлар, ашиналиклар, сомонийлар, қорахонийлар, ануштегинлар,**

**темурийлар, шайбонийлар, аштархонийлар, манғитлар** сулолалари тарихимизда, хусусан, Бухорои азимда ўзига яраша ном ва из қолдирдилар. Бу тарихан тўғри баҳодир. Давлатчилигимиз тарихини яратишда ўтмишда ҳокимиятни бошқарган барча сулолаларга **уларнинг ўз даврида келажак авлод учун қолдирган салмоқли мероси, ижобий ишлари, керак бўлса, умумжаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаларига** қараб тарихан холис баҳо бериш лозим. Зотан, **инсон бир пайтнинг ўзида ҳам бунёдкор, ҳам ёвуз бўлиши мумкин эмас. Не-не мадрасаю масжидлар, олий кошоналарни қурган, не-не олиму фузалоларнинг бошини силаган, Қуръони каримни ёд билган инсон ёвуз бўлмайди.** Амир Темурни назарда тутиб айтилган бу хулоса айни пайтда темурийларга, улардан олдин ва кейин ўтган деярли барча ўзбек сулолаларига ҳам тегишлидир, десак бўлади

Алишер Навоий ўзининг саккиз мажлисдан иборат “Мажолис ун-нафоис” (“Нафис мажлислар”) асарининг еттинчи мажлисини соҳибқирондан бошлаб темурийлардан чиққан шоир, шоирсифат, шеършунос, олим ва фозил кишиларга, саккизинчи мажлисини буткул Султон Ҳусайн Бойқарога – шоир Ҳусайний ижодининг таҳлилига бағишлайди. (Асарда жаъми 459 шоир ва адабиёт аҳли ҳақида маълумот берилган). Навоий Улуғбек Мирзо ҳақида сўз юритиб, жумладан, бундай дейди: “Донишманд подшоҳ эрди. Камолоти бағоят кўп эрди. Етти қироат била Қуръони мажид ёдида эрди ...

Буни қарангки, Бобур “Бобурнома”сида ўзининг сиёсий мухолифи бўлмиш Муҳаммад Шайбонийхон худди шундай фазилат соҳиби эканини эътироф этади. Ёки бўлмаса, шайбонийлардан кейин ҳокимият тепасига келган аштархонийлар сулоласининг вакили бўлган Субхонқулихонни олиб кўрайлик. Шўролар даврида чиқарилган мактаб дарсликларида фақат қора бўёқ чапланган бу аждодимиз ўз замонасининг етук олимларидан бўлиб, илми нужум – астрономия билан ҳам шуғулланиб, Бухорода Улуғбек ишини давом эттирган экан.

Ўтмишда давлатларимизни бошқарган сулолаларга тарихан холис ва адолатли баҳо бериш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эгадир. Қолаверса, барча хонзодалару амирзодалар ҳам тожу тахт даъвосини қилавермаганлар, шижоатли ва довюракларигина майдонга чиққанлар. Чунки давлатни бошқариш осон иш эмас.

Халқ ўз тарихини асосан ўз давлатини қуришдан бошлаб яратишга киришади. Маълумки, туркий халқ ўз тарихида 18 та буюк ва шавкатли салтанат қурган халқдир. Инсоният тарихида бошқа ҳеч бир халққа бундай давлатчилик бахти ёр бўлмаган. Салтанатлар тарихи айни пайтда бу сулолалар тарихи ҳамдир. Шунинг учун ҳам ўтмишда давлатларнинг номлари уларга асос солган сулолабошининг номи ёки унинг унвони билан аталган. Масалан, хоразмшоҳлар

давлати, ғазнавийлар давлати, темурийлар давлати, шайбонийлар давлати, бобурийлар давлати ва ҳоказо.

Келтирилган бу далиллар ҳам тарих – халқнинг таржимаи ҳоли, деган таърифимизни тасдиқлаб турибди. Истиқлол шарофати билан халқимизда маънавиятнинг туб моҳиятини – негизини билишга, тагига етишга иштиёқ кучайиб бормоқда. Турмушда кўча-кўйларда, оддий ва жидций суҳбатларда, илмий анжуманларда, мухбирлар билан бўлган мулоқотларда, китобхон, томошабин ва тингловчилар томонидан йўлланган мактубларда “Хўш, маънавиятнинг ўзи нима?” деган саволга тез-тез дуч келасиз. Кейин баҳоли қудрат тушунтиришга киришасиз: “Маънавият дегани бу...” Бироқ жавоб кутаётган тараф жавобингиздан қониқиш ҳосил қилмаётганини илғаб қоласиз. Назарингизда “Содцагина қилиб, бир оғиз сўз билан ифодаланг, ахир, тушуниб етайлик-да” деган эътироз бўлаётгандек туюлади. Шундай ғойибона эътирозларга жавоб ўлароқ бизда бундай фикр туғилди: “Маънавият – бу маънавиятсизликнинг, яъни бемаъниликнинг аксидир. Маънавиятни ифодалаш учун маънавиятсизликни кўрсатиб бериш шарт экан. Бунинг учун эса қиёс керак”.

Юртимиз сиёсий тутқунликка тушгач, чоризм маъмурияти VIII аср бошларидан амалда бўлган вақф тизимини иложи борича чеклаган бўлса, шўро ҳукумати уни умуман барбод этди. Натижада осори атиқалар доимий моддий таъминотсиз қолди, умумий ва жорий таъмирлаб туришлар, қайта тиклашлар тўхтатилди. Минг йиллик моддий-маданий ёдгорликлар каровсиз қолиб, нурай бошлади. 1917 йилдан то ўттизинчи йилларнинг бошларигача давом этган миллий-озодлик учун бўлган жангларда халқимиз қанчалик талофат кўрган бўлса, моддий-маданий ёдгорликларимиз бошига тушган йўқотишлар ҳам бундан кам эмас. Лекин сиёсий жилови Москванинг қўлида бўлган республикамизнинг ўша пайтдаги ҳукумати кураш жараёнларига томошабин бўлиб туришдан нарига ўтолмади. Чунончи, моддий-маданий ёдгорликлар кун сайин нураб бораётганлиги масаласи Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлар Советининг 1931 йилнинг 19 январида бўлиб ўтган йиғилишида кўрилганида вилоятлар ижроия комитетларига тарихий ёдгорликларни таъмир этиш эмас, балки суратга тушириб қўйиш тавсия этилади. Бу тавсия амалда обидалардан воз кечишни буюрарди. Бундай муносабат маънавиятсизликдан бошқа нарса эмас эди.

Бинобарин, тарихимизни чалғитиб кўрсатишга, ёлғон гапларни кўтаришга ҳаракат қилаётганлар тўғри баҳосини олишлари керак, бу борада тарихий ҳақиқатни билиш, уни муҳрлаш, ёш авлодга холисона етказиш чуқур маънога эга.

Узбек халқининг тарихи ёзма манбалар билан бир қаторда осори атиқаларимизда ҳам муҳрланиб қолган. **Китоблар ўқиладиган далиллар бўлса, ёдгорликлар кўриладиган далиллардир** атиқалар тарихини билиш ҳам ўтмишимиз ҳақидаги таассуротларимизни бойитади ва аниқлаштиради. Халқни тарихии моддий-маданий меросни ўрганиш билан тарбиялаш муҳ**им** аҳамиятга эга. Чунки ҳар бир катта-кичик ёдгорлик ўзбек халқи ва ўзбек давлатлари тарихидаги муҳим бир воқеа ёки сана билан боғлиқ, ёки бўлмаса давлат аҳамиятига молик бирор зарурат туфайли бунёд этилган. Бу фикримизнинг исботи

учун Бухорои шарифда уч даврда XII, XVI ва XX асрларда қурилган ёдгорликни мисол қилиб келтирамиз. Булар яхлит бир меъморий мажмуани ташкил этувчи ҳозирги кунда Улуғ минор (Минораи Калон) деб юритилиб турган Арслонхон минораси, Жоме масжид, Мир Араб ва Саидолимхон мадрасаларидир. Бу муқаддас ер аслида тарихий жой ҳисобланиб, Бухоро Аркидан сал жанубий шарқдадир. Илк бор бу ерда милодий 713 йили амир Қутайба ибн Муслим даврида жоме масжид қурилган. Бироқ йиллар ўтиши билан бу бино вайрона ҳолига келган. 1102-1130 йилларда қорахонийлар давлатини бошқарган амир Арслонхон 1121 йили худди шу вайрона масжид ўрнида янги ва улуғвор жоме масжидини қурдиради. Бухоро атрофидаги сувсиз саҳроларда карвонлар йўлдан адашиб ҳалок бўлиши ҳоллари учраб турарди. Шунинг олдини олиш мақсадида Арслонхон шаҳарда баланд бир иншоот қурдиришни ният қилади. Иншоот лойиҳалари бўйича танлов эълон қилишади. 1124 йили машҳур меъморлар томонидан тақдим этилган лойиҳалар билан Арслонхон шахсан ўзи танишади ва уста Бақонинг лойиҳасини маъқуллайди. Шу тариқа 1124 йилнинг 22 март кун йил боши байрами айёмида минора қурилишига оқ фотиҳа берилади ва биринчи ғиштни тамал тошини ҳоқон Арслонхоннинг ўзи қўяди. Қурилиш уч ярим йилча давом этади. 1127 йили баландлиги 47 ярим метр бўлган минора қуриб битказилади. Унинг энг юқори қисмида 16 та даричалар (яъни мезана қисмида) қўйилиб, тунда ҳамма даричалар ёнида шамчироқлар ёниб турган. Натижада тунлари 50-60 чақирим масофадан чироқлар ёруғини мўлжал қилиб, савдо карвонлари Бухорога адашмай келганлар. Бухоронинг Буюк ипак йўлидаги йирик савдо марказларидан бири бўлиб қолишида бу миноранинг аҳамияти каттадир.

Албатта, миноранинг асосий вазифаси азон айтиш диний аҳамиятидир. Минора билан ёнма-ён жойлашган бош жоме масжиднинг муаззини ҳар куни беш маротаба шу минорага чиқиб азон айтган. Шундан кейин шаҳардаги бошқа масжидларда азон айтила бошлаган, намозхонлар ибодатга ошиққанлар.

Миноранинг яна бир вазифаси шуки, ташқи ҳужумдан ўз пайтида огоҳ бўлиш учун дурбин орқали теварак-атроф кузатиб турилган, бу унинг ҳарбий аҳамиятга ҳам эга эканлигидир. Миноранинг тўртинчи вазифаси салобати, гўзаллиги, ажойиб нақшларга бойлиги билан кишиларга завқ-шавқ бағишлашидир. У айниқса чет элликлар элчилар, савдогарлар, сайёҳларни ҳам мафтун этган. Бу ҳол ўз навбатида давлатнинг куч қудрати, шукуҳи ва шавкатини, пойтахт Бухоронинг донғини олисолисларга етказарди.

Шарқдаги биринчи Уйғониш даврида, яъни IX-XII асрларда Бухорода ҳам кўпгина буюк обидалар қурилган эди. Уста Бақо шу обидалардаги энг гузал нақшлардан кўчирма олиб, минорада 24 та катта-кичик ҳалқалар яратган. Асосан Чингизхон босқини даврида, қисман кейинги асрларда бузилиб кетиб, бизгача етиб келмаган биноларнинг нақшлари шу минорадагина сақтаниб қолган. Шу боис бу минорани Бухоро меъморчилигининг қомуси дейиш мумкин. Шуниси алоҳида тарихий аҳамиятга эгаки, миноранинг энг юқори ҳалқаларидан бирида нақшли ғиштлар билан бўртма қилиб “Уста Бақо амали”, “Арслонхон минораси” деган сўзлар ёзилган. Бинобарин, Улуғ минорнинг асл номи Арслонхон минорасидир. То шўролар замонигача барча ёзма манбаларда ҳам шундай деб тилга олинган. Тарихий ҳақиқатлар тикланиб, унутилаёзган ёки атайин унуттирилган номлар яна муомалага киритилаётган замонамизда бу кўҳна ёдгорликни ўз оти билан атаб, Арслонхон минораси дейишни русумга киритсак, адолатли иш қилган бўлур эдик. Бундан буюк аждодимиз Арслонхон бобонинг руҳи ҳам шод бўлса ажаб эмас. Бу миннатдор авлоднинг ўз аждоди хотираси олдидаги бурчи ҳамдир.

Арслонхон минораси не-не тарихий воқеаларнинг, қанчадан-қанча синоатларнинг, табиий офатларнинг, жангу жадалларнинг гувоҳи бўлмади, дейсиз. У ҳатто 1220 йилги Чингизхон босқинидан ҳам омон чиққан эди. Бироқ орадан роса етти юз йил ўтгач, 1920 йилнинг 1 сентябрида босқинчи Фрунзе буйруғига кўра қилинган бомбардимон натижасида Арслонхон минораси қаттиқ зарар кўрди: ёдгорликнинг 5, 16, 33, 40, 46 метрларига снарядлар келиб урилган эди. Кейинчалик у уста Абдуқодир Боқиев томонидан моҳирона таъмирланган бўлсада, синчков кўз, ўткир нигоҳ билан қаралса, ўша жароҳатларнинг изларини илғаш мумкин.

Шўролар даврида Улуғ минор маънавий жароҳат ҳам кўрди. Уни ёлғон-яшиқ китобларда, олди-қочди фильмларда “Улим минораси” деб талқин қилишга уринишлар ҳам бўлди. Шундай нотўғри таассуротлар ҳосил қилган айрим китобхонлар, томошабинларга ҳақиқатни билдириш учун Улуғ минорни қуришдан мақсад бўлган унинг тўртта вазифасини айтиб, улуғлаб ўтдик.

Шўролар замонида ўзбек давлатларидан бири Бухоро амирлигига асос солган

ва уни 260 йил бошқариб келган сулола манғит сулоласи фаолиятидан фақат нуқсон қидириб, бўрттириб кўрсатиш русум бўлганди. Ваҳоланки, Бухоронинг 2500 йиллигида айтиб ўтганидек, бу сулола вакиллари ҳам тарихимизда, хусусан, Бухорои азимда ўзига яраша ном ва из қолдиришган. Шундай ўзига яраша ном ва из қолдирган тарихий шахслардан бири амир Саидолимхондир. У замонаси ўта нотинч бўлишига қарамай Бухорода мадраса, петербурглик мусулмонларнинг илтимосига кўра бу ерда улкан жоме масжид, Ялтада истироҳат сарой қурдиришга улгурган. Шунингдек, отаси амир Абдулаҳадхон даврида қурилиши бошланган “Ситораи моҳи хоса” саройини охирига етказган.

Ўқувчида хўш, амир шундай мадраса, масжид ва саройларни қайси маблағ ҳисобидан қурдирган? Фуқаролардан олинган солиқлар ҳисобига қурдирган-да!” деган фикрлар пайдо бўлиши мумкин. Йўқ, ундай бўлмаган. Солиқлардан келган тушум давлат хазинасига тушган. Амирнинг эса ўз ер-суви, мол-мулки бўлган, улардан келган даромад ўз хазинасига тушган. Амирлик хазинасининг кирим-чиқим дафтарлари бўлган. Ўша кирим-чиқим дафтарида амир хонадонининг кундалик сарфиёти кичик амалдор бўлмиш меҳтар томонидан ёзилиб борган. Унда нондан тортиб ҳўл меваларгача, қандолатлик маҳсулотлари – ҳолваю новвоту пашмаккача, кийим-кечакдан тортиб упа-эликкача қайд этиб қўйилган. Ҳаммаси ҳисоб-китобли бўлган. Аркка ўрта ҳисобда 3 минг атрофида киши яшаб, хизмат қилган. (Ҳозир Аркнинг 20 фоизи сақланиб қолган, 80 фоизи 1920 йилнинг сентябрь ойида М.Фрунзе буйруғига кўра бомбардимон қилиниб, ёндириб юборилган). Лекин амир хонадонининг сарфиёти давлат хазинасидан эмас, балки амирнинг ўз хусусий маблағидан ишлатилган. Бу тарихий маълумотларни келтиришдан мақсадимиз шуки, шўролар даврида тўқиб чиқарилган гўё “амирликда амир хазинаси билан давлат хазинаси умумий бўлган” деган сохта гапларга бироз бўлса-да аниқлик киритиш, ўз давлатчилик тарихимиз ҳақида тўғри таассурот беришдир. Зеро, тарихини билмаганнинг келажаги йўқ. Бухоронинг бугунги қутлуғ айёми, энг аввало, ўтмишга эҳтиром ва буюк аждодларимиз хотирасига ҳурматимиз намойишидир. Буни амалга ошириш эса ҳаммамизнинг бурчимиздир. Шуни унутмайликки, шўро тузумининг Бухоро амирлигининг турли йўллар, ёлғон-яшиқ билан бадном қилишдан ғаразли мақсади қандай бўлмасин ўзбек давлатчилигини камситииш орқали ўз ҳокимиятини улуғлаш, халқимизда миллий давлатчилик туйғусини сўндириш эди.

Адиб Садриддин Айний амирнинг 1912 йилги кирим ва чиқими ўша давр курси бўйича 30 миллион сўм бўлганини ёзади. Амирликнинг, қисман бўлса-да, давлат мустақиллигини ифодаловчи далиллардан бири унинг ўз мустақил пул бирлигига эгалиги, амир сиймоси туширилган танга ва бошқа пулларнинг зарб қилиниши эди. Саидолимхон амирликнинг мустақиллигини сақлаб қолиш учун ўз

даромадлари ҳисобига оқпошшога ҳар йили турли “совға-салом” қилишдан ташқари завод-фабрикалар қуришга, ташқи савдони кенгайтиришга, олтин конларини ишга солишга, қоракўл савдосига ва бошқа шу каби тадбирларга алоҳида эътибор берган. Амир ҳиссадорлик жамиятларига аъзо ҳам бўлган, ҳиссадорлик жамиятларига ўтказган маблағи 100 миллион сўмдан ошган. У ўз сармоясидан 27 миллион сўмини Россия давлат банкида, 3 миллион сўмини хусусий банкларда сақлаган.

Шариатга кўра ҳар бир мулкдор киши тасарруфидаги маблағини ушлаб турмай, ҳаракатга солиши раводир. Муҳаммад Мустафо саллолоҳу алайҳи васаллам ўз ҳадиси шарифларида марҳамат қиладиларки, мулкдор одам ўз бойлигини ишга солиб туриши, ўзи буни эплай олмаса, омонатга хиёнат қилмайдиган тужжор орқали ҳаракатлантириб туриши, бундан ўзи ҳам, ўзгалар ҳам манфаат кўришлари лозим, акс ҳолда бойлик йиллар оша закотга бера бориш туфайли охирида йўқ бўлиб кетиши ҳам мумкиндир. Шариат кўрсатган тарзда тижорат билан шуғулланиш ҳалол қилинган. Бу шаръий тадбирдан мулкдор сифатида амир Саидолимхон ҳам фойдаланиши табиий эди. Умуман, унинг – Саидолимхоннинг шахсий бойлиги 35 миллион фунт стерлингни ташкил қилган экан.

Бухоро “қуббатул ислом”, яъни “ислом динининг гумбази” ва буюк уламолар сўзи билан айтганда, “қуввати дини ислом” деб тан олиниши ҳам Бухоронинг жаҳонда, бутун Шарқ минтақасида мусулмон дунёсининг мўътабар марказларидан бири бўлишидан эътирофдир. Бас шундай экан, давлат бошлиғи бўлмиш амир ҳам ислом арконлари, жумладан закот амалини бажариши табиий эди. Маълумки, ҳар бир мусулмон киши бойлиги нисобга етгач, ҳар йили бойлигининг қирқдан бири ҳисобига закот бериши фарздир. Агар ҳисоблаб чиқсак, амир ўша 35 миллион фунт стерлинглик бойлигидан ҳар йили 875 минг фунт стерлингни закотга ажратиши шарт эди. Закот эса муҳтожларга ёрдам, толиби илмларга кўмак тариқасида садақаи хайрия мақсадларида ишлатилган. Масжиду мадрасалар, хонақою работлар, қуиригу сардобалар ва шу кабиларни қуришга, сув чиқариш, ер ўзлаштиришга, боғ-роғлар яратишга сарфланган садақаю хайриялар шундай яхши амаллардан ҳисобланганки, Уни амалга оширган киши вафотидан кейин ҳам шу муассасалардан унинг руҳига савоб ёзила боради. Шунинг учун ҳам охиратини ўйлаган мулкдор ёки ўзига тўқ ҳар бир мусулмони комил садақаи хайрияга сидқидилдан ёндошган.

Кўҳна Туркистонимизда, жумладан, Бухорои шариф тупроғида иморатсозликнинг равнақ топишининг, буюк осори атиқаларининг қад кўтаришининг шаръий асоси ана шу закотлардадир ҳам. Масжиду мадрасалар, кўпригу тўғон кабиларнинг уларни қурдирган шахсларнинг номлари (Улуғбек

мадрасаси, Абдуллахон банди сингари) билан аталиши бежиз эмас, албатта. Умуман, бутун Туркистондаги, хусусан, Бухоро тупроғидаги осори атиқаларнинг ҳар бири халқимиз фарзандларининг ҳимматли бунёдкорлик фаолиятидан ёрқин далолатдир. Ҳиммат ҳам маънавият белгиларидан биридир.

Бинобарин, ёдгорликларни билиш, улар ким томонидан, қачон, нима муносабат билан ёки қайси воқеа шарафига, ёки бўлмаса ким томонидан қайси сиймо хотирасини абадийлаштириш мақсадида қурилган, асли номи қандай аталган. Мана шуларни аниқлаш зарурдир. Шу асосда ҳар бир бинонинг "таржимаи ҳоли" аниқланади, мазкур "таржимаи ҳол"лардан ўзбек меъморчилиги тарихи таркиб топади. Ўзбек меъморчилиги тарихи ўзбек халқи умумтарихининг олтин саҳифаларидан ҳисобланади. Бухоро осори атиқалари эса бунда алоҳида ўрин эгаллайди. Моддий-маданий ёдгорликларимизда халқимизнинг заковати, салоҳияти, бунёдкорлиги билан бирга яратганини асрлар давомида сақлаб, ҳимоя қила олиш қобилияти ҳам ўз ифодасини топгандир. Ана шу қобилият бўлмаганда эдими, умуман бутун Туркистон миқёсидаги, хусусан, Бухородаги буюк обидалар бизнинг давримизгача етиб келмасди, албатта. Бундай қобилиятнинг ҳам асоси давлатчиликдир. Давлат халқни ва у яратган ёдгорликларни ҳам бош ҳимоячисидир.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, ҳозир республикамизда ўша анъана давом эттирилиб, бунёдкорлик ишлари икки йўналишда олиб борилмоқда, яъни кўҳна осори атиқалар жиддий таъмирланиб, асл ҳолига келтирилмоқца ва янги ёдгорликлар қурилмоқда. Фикримизнинг исботи учун Амир Темурнинг Самарқанддаги мақбараси жиддий таъмирланганини ҳамда Тошкентда темурийлар тарихи давлат музейи қурилганини ва шунга ўхшаш кўплаб мисолларни келтиришимиз мумкин. Демак, давлатимиз халқимиз ва у яратган ёдгорликларнинг бош ҳимоячисидир: халқимиз яратгании давлатимиз ҳимоя қилиб келаяпти.

Бухоро воҳасида яшаган эрксевар аждодларимиз ҳар қандай истибдод ва зулмга қарамай, эл-юрт озодлиги йўлида муттасил қаҳрамонона курашиб келганлар. Кармана, Вобкент, Шофиркон, Ромитан, Ғиждувон кентларини яратганлар. Бу кўҳна кентлар ҳар бирининг ўз бой тарихи бор, ёш жиҳатдан бири Бухорога оға бўлса, иккинчиси инидир. Бу кентлар тарихини билмай туриб, Бухоронинг умумий тарихини тўлиқ тасаввур қилиб бўлмайди.

Масалан, Кармана тарихини олиб кўрайлик. Агарда Аштархонийлар замонида Балх шаҳри валиаҳд шаҳзоданинг қароргоҳи деб тайинланган, бир неча вилоятлардан иборат Балх ўлкаси унинг тасарруфида бўлса, манғитлар даврида Кармана шундай мақомга эга бўлган. Тахт вориси валиҳад то тахт соҳиби бўлгунга қадар Карманада ҳокимлик қилган. Ҳатто амир Абдулаҳадхон

ҳукмронлик қилган 1885-1910 йилларда Кармана норасмий тарзда амирлик марказига айланган. Амир Абдулаҳадхон 13 йил давомида муттасил Карманада яшаб, бирор марта ҳам Бухорога қадам ранжида қилмаган, давлатни шу ердан туриб бошқарган. Пойтахт билан узлуксиз равишда ҳар куни учқур отлиқ чопарлар орқали боғланиб турган. Шуниси қизиқарлики, бу давр мобайнида бош вазир мақомидаги лавозим эгаси қушбеги мудом Аркда бўлган, ижроия ҳокимиятини бошқарган. Манғит амирлигида жорий қилинган давлат қонун-қоидалари, тартиб-интизомга кўра амир пойтахтда бўлмаган кезларда қушбеги Аркда бўлиши шарт эди, ҳатто Арк дарвозасидан ташқарига чиқиши ҳам мумкин эмасди. Амир Абдулаҳадхон 13 йил Карманада яшаганида қушбеги шунча вақт Аркда бўлган. Бухоро ва унинг кентлари тарихига оид ҳозирги китобхонларимизга деярли таниш бўлмаган асарлар кўп. Бу ўринда марҳум тарихчи олим Маҳкам Абдураимовнинг Бухоро хонлигидаги аграр муносабатларга доир икки жилдли китобини, қушбеги архивига мансуб 7 мингдан ортиқ ҳужжат тадқиқ этилган монографиясини, шўролар даврида қатағонга учраган тарихчи олим Мусожон Саиджоновнинг илмий пухта мақолаларини эслатиб ўтишни истардик. Шунингдек, ҳуқуқшунос олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Отабой Эшоновнинг Бухоро тарихига оид асарлари қимматли манбалардандир.

Ўзбек давлатчилигида Бухоронинг аҳамияти ва мавқеи юқори бўлиб келган. Бухорога туркий қабилалар асос солган, энг қадимги миллий қаҳрамонларимиздан бўлмиш Алп Эр Тўнга (Афросиёб) ҳам айнан Бухорога дафн этилган. Замонлар ўтар, йиллар, асрлар ўтади, келажак авлодлар, Бухорога, унинг қадим тарихига қайта-қайта мурожаат этадилар. Ватанимизни озод ва обод қилиш учун курашда қурбон бўлганларни, мустақиллик иморати пойдеворига биринчи ғишт қўйган ота-боболарини сира унутмайдилар.

Давлат тузумининг қандайлиги унинг умуман тарихга, хусусан, моддий-маданий ёдгорликларга бўлган муносабатида ҳам яққол кўринади. Сўнгги мустамлака замонида Бухорога бўлган муносабат маънавиятсизликдан иборат эди. Инқилоб баҳонасида шаҳар обидалари яна бир бор вайрон этилди, унинг асл фарзандлари бир неча марта, чунончи, 1920 йилда амирга яқин кишилар сифатида, 1929-1933 йилларда колхозлаштиришга қарши ёт унсурлар сифатида, 1937-1938 йилларда халқ душманлари, чет эл айғоқчилари, миллатчилар сифатида қатағон қилинди. Ваҳшийлик шу даражага бориб етдики, 1920 йил сентябрь ойида М.Фрунзе қўлига тутқунликка тушиб қолган амир хонадони аъзолари унинг буйруғига кўра икки қисмга тақсимланиб, гўдак шаҳзодалар оналарининг иссиқ бағридан тортиб олиниб Россияга олиб кетилди, оналари, опа-сингиллари ва бошқа қари-қартанг кишилар мол-мулки тортиб олинган ҳолда мамлакатдан четга

чиқариб юборилди. Бу ҳам шўролар тузумининг қанчалик ғайриинсоний ва адолатсиз эканини кўрсатади.

## 2. Тарих фанининг замонавий концепциялари

**Тарихий концепция** – бу тарихий ҳодисалар ва жараёнларга аниқ бир билиш назарияси, манбавий асослари ва ўрганиш методлари нуқтаи-назаридан қарашлар ва ёндашувлар тизимидир. Тарихий концепция фаннинг предметини, тарихий тараққиёт хусусиятларини билиш ва тушуниш, уларни белгилаб берувчи омилларни аниқлаб беради.

***Тарихий концепция*** тарихий жараённинг асосий моҳиятини очиб беради ва тушунтириб беради. Билиш назарияси билиш жараёнига - яъни, билиш тамойилларини аниқлаб берувчи ва методларнинг қўлланишида асос бўлувчи фаннинг методологиясига таъсир кўрсатади. Назария ва методология ўртасидаги фарқ тарихчилар томонидан жамият тараққиёти, шунингдек, алоҳида тарихий воқеалар ва ҳодисаларнинг, тарихий жараёнларнинг ўрганиш борасида турлича фарқланувчи тушунчаларнинг шаклланишига олиб келади.

**Тарих фани концепцияси** бир нечта тушунча ва қарашларни акс эттиради:

***Биринчидан,*** тарихий тадқиқотларнинг етакчи ғояси ёки асосий, бош мазмуни бўлиб, улар ёрдамида тадқиқот объектининг танланиши асослаб берилади, тушунтириш тизимини шакллантирувчи фаразлар ва тарихий назарияларни юзага келтирувчи тушунчаларни даллиллар билан асослаб бериш амалга оширилади ва тадқиқ этилиши мўлжалланаётган илмий масала илмий муаммо тарзида шакллантирилади.

***Иккинчидан,*** тарихий ҳодисаларга нисбатан илмий қарашлар тизими ва унинг предметини аниқловчи, тарихий тараққиётнинг характерини тушуниш ҳамда тарихий жараённинг аосий моҳиятини аниқловчи ва очиб берувчи аниқ бир тарихий билиш назарияси нуқтаи-назаридан ёндашувлар жараёнларидир.

**Тарихий билимлар** аниқ бир ижтимоий муҳитда шаклланади. Тарихий билимлар мураккаб ва кўпқиррали жараён бўлиб, у доимий ривожланишда (ҳаракатда) бўлади, бу жараёнда турли назариялар ва фаразлар ўзгариб туради. Назариялар ва қарашларнинг ўзгариб туриши фаннинг тараққий этиб бориши билан боғлиқ бўлиб, ҳар бир назария алоҳида жараёнларнинг тушунтириб берилиши билан боғлиқдир. Концепцияларнинг ўзгариб туриши эса фан тараққиётининг асосий шартларидан биридир.

У ёки бу **тарихий концепцияга баҳо беришда** ва айни бир тарихчининг тарих фанидаги ўрнини аниқлашда биринчи даражали талаб шундан иборатки, айни концепция аввалгилари билан таққослаганда замонавий тарихшунослик нуқтаи-назаридан қандай янгиликни бера олиши мумкинлигига аниқлик

киритиш зарур бўлади. Қолаверса, ҳар қандай концепцияга баҳо беришда энг аввало унга амал қилган айни бир тарихчинининг тадқиқот жараёнларининг бошланишидан бошлаб то ўз илмий хулосаларини баён қилишигача амалга оширган тадқиқот жараёнларини чуқур тушуниш лозим бўлади.

**Замонавий тарих фани** аввалги барча даврлардаги тарих фанларидан шуниси билан фарқ қиладики, ҳозирги кундаги тарих фани янги ахборот муҳитида тараққий этмоқда, бу ахборот муҳитидан тарих фани ўзи учун янги методларни ўзлаштирган ҳолда айни вақтда ўзи ҳам унинг шаклланишига таъсир кўрсатмоқда. Ҳозирги кунда у ёки бу мавзуда тарих тадқиқотларини амалга ошириш эмас, балки илмий ижодий жамолар томонидан яратилган, йирик ва ишончли маълумотлар базалари билан текшириш имконияти мавжуд бўлган ишонарли, ҳақиқий, том маънодаги илмий тарихни яратиш биринчи ўринга кўтарилган.[1]

Жаҳон миқёсида тарихий ҳақиқатга эришиш учун бугунги кунгача мавжуд бўлган турли гнесеологик парадигмалардан фойдаланган ҳолда турли йўлар билан борилмоқда. Тарихий тадқиқотлардаги постмодернизм, ижтимоий антропология, гендер ёндашувларига ўрнига глобал тарих чиқмоқда, хаттоки унга қарши антиглобалистлар ҳам шаклланиб ва ўз эътирозларини баён қилиб ҳам улгурган. Замонавий тарихда алоҳида тарихий жараёнлар тарихига ва айни вақтда микротарихга бўлган қизиқиш кучайиб бормоқда.[2]

***Замонавий тарих таълимида*** фанлараро ёндашув ва инсонпварварлик тушунчалари асосида тарихий жараёнлар ва ҳодисаларнинг илмий таҳлили профессионаллик, фуқаролик бурчи ва ватанпарварлик тарбиясига йўналтирилганлиги билан аҳамият касб этмоқда. Тарих фанини ўқитишда тарихшунослик ва тарих фани методологияси фанлари билан бир қаторда манбашунослик фани ҳам асосий фанлардан бири саналади, шундай экан ҳар бир етказиб берилаётган маълумотларнинг тўғрилиги ва ишончлилиги учун тарихчининг маънавий масъулияти ҳам бу борада алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

Мутахассислар томонидан билдирилган фикрларга кўра бугунги кун тарихчи олимлари олдида қуйидаги бир қатор муҳим вазифалар турганлигини кўрсатиб ўтиш мумкин, энг аввало, тарихий билиш назарияси борасидаги энг сўнгги замонавий тажрибаларни умумлаштириш, иккинчидан, жаҳоннинг замонавий тарихий илмий тафаккури тараққиётини кўрсатиб берувчи ахборот-таҳлилий материалларни мунтазам равишда эълон қилиб бориш, шунингдек,

---

[1] Карпов С.П. Историческая наука и историческое образование в современном информационном пространстве: тупики и перспективы. www.hist.msu.ru

[2] Карпов С.П. Историческая наука и историческое образование в современном информационном пространстве: тупики и перспективы. www.hist.msu.ru

тарих фани методологияси муаммолари, тарихшуносликнинг замонавий илмий-назарий муаммолари, тарихий билишнинг замонавий тизимлари, йўналишлари ва илмий мактаблари каби масалалар юзасидан махсус ёки умумий ўқув курслари ташкил қилиш, фанлараро ёндашув масалалари ва замонавий тарих фанининг долзарб муаммоларини таълим амалиётига имкон қадар кенгроқ жорий этиш, қолаверса, тарих фани методологияси илмий муаммолари борасидаги илмий тадқиқотларни кучайтириш ва кадрлар тайёрлаш масалаларини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин[3].

## 3. Тарихий хотира, тарихий тафаккур мазмуни ва зарурати.

Тарих ўтмиш ҳақида маълумот тўпловчи ва сақловчи хусусиятларга эга бўлган ва уни англаш жараёни бўлиб, аждодлар, инсон ва инсониятнинг тарихий тажрибаси ҳақида мушоҳада юритишни акс эттирувчи ижтимоий хотирадир.

Замонавий ижтимоий фанлар соҳасида тарихий хотира тушунчаси ва тамойилига талаб кучайиб бормоқда. Тарихий хотира масаласига нафақат тарихчилар, балки социологлар, маданиятшунослар, ёзувчилар ва бошқа соҳа вакиллари ҳам катта эътибор қаратмоқдалар ва унга мурожаат қилмоқдалар. Замонавий тарих фанида тарихий хотира алоҳида мавжуд тамойил эмас, балки фанлараро ёндашув асосида шаклланиб бораётган алоҳида махсус фан соҳасига айланиб бормоқда. Тарихий хотира назарияси фаол тарзда ривожланиб бормоқда. Айниқса, тарих дарсларининг ўқитилиши жараёнида тарихий хотира тушунчасининг амалда қўлланилишига катта урғу берилмоқда.

Тарихий хотира нафақат ўтмиш ҳақидаги тушунчалардир, балки инсоннинг ўз-ўзини англаши жараёнидаги асосий омилдир.

Хотира инсон учун хос бўлган юксак хусусиятлардан бири бўлиб, ўз ўтмишига (аждодлар ўтмишига) мушоҳадавий ёндашиш ва хулосалар чиқариш орқали ўзликни англаш ва аниқлашнинг асосий омилидир.

Хотирасидан маҳрум бўлган инсон ўзини ва ўзлигини англаш имкониятидан ҳам маҳрум бўлади.

Хотира абстракт билишдан фарқланган ҳолда, бу билим инсон томонидан кечирилган ва ҳис қилинган билим бўлиб, у инсоннинг ҳаётий тажрибаси ҳисобланади.[4]

Тарихий хотира - жамиятнинг тарихий тажрибасини сақлаш ва мушоҳада қилиш бўлиб, у умумий хотира сифатида намоён бўлади.

Мавзуга оид айрим адабиётларда тарихий онг ёки жамиятнинг умумий хотираси инсон (инсонларнинг) хотирасининг (хотираларининг) турли ва бир-

---

[3] Бориснёв С.В. Современные проблемы теории и методологии исторического исследования // cyberleninka.ru
[4] Репина Л.П. История исторического знания: пособие для вузов. 2-е изд., М.: Дрофа, 2006. 10-11 - бб.

биридан фарқлангани каби улар ҳам турлича бўлиши кўрсатиб ўтилиб, тарихий онгнинг шакллантирилиши учун қуйидаги уч омил бўлиши кераклиги таъкидланади:

- Ўтмишнинг унутиб юборилганлиги;
- Айни бир воқеа (факт, жараён, ҳодиса) нинг турлича талқин қилиниши ва услубларининг мавжудлиги;
- Ҳозирги кунда ўтмишда содир бўлган воқеаларга бўлган қизиқиш ва уни ўрганишнинг бугунги кунда долзарб аҳамият касб этиши.[5]

Аксарият ҳолларда тарих ва тарихий хотира тушунчалари бирдек қабул қилинади ва тушунилади, аслида эса бундай эмас ва аксинча, айрим ҳолларда олимлар томонидан бу тушунчалар бир-биридан алоҳида ўрганилади. Тарихни ўрганиш ўтмишни акс эттириш хусусиятига кўра бирмунча аниқ йўналтирилган ҳолда тадқиқ этиладиган бўлса, ўтмиш ҳақида оғзаки ахборотларнинг бугунги кунларгача етиб келиши афсоналар ва ривоятлар мазмунида келиши мумкин.[6]

## 4. Марказий Осиё халқлари узоқ ўтмишининг айрим концептуал масалалари.

Ҳар бир халқнинг ўз ўтмишини ўрганишга қизиқиши объектив тарихий жараён ҳисобланади. Тарих фанининг муҳим аҳамияти шундаки, ўтмиш мерос, умуминсоний қадриятларни ўрганиш орқали инсонда бунёдкорлик ва эзгулик ғояларини шакллантиради.

Ҳар бир инсон ўз халқининг тарихини билиши билан бир қаторда бошқа халқлар тарихи ва маданий меросига ҳам ҳурмат билан қараши лозим. Марказий Осиё халқлари азалдан умумий тарих ва ўтмишга эга. Ва табиийки уларнинг келажаги ҳам умумий. Жаҳон цивилизацияси ва умумжаҳон тарихий-маданий мероси фақат алоҳида бир халқнинг фаолияти натижаси эмаслиги бугунги кунда тан олинган ҳақиқат. Тарихий-маданий мерос чегера билмайди ва у бутун инсоният фаолияти ҳосиласи ва ифтихори хисобланади.

Афсуски, сўнгги йилларда баъзи бир хорижий тадқиқотчилар томонидан Марказий Осиё халқларининг қадимги ва ўрта асрлар тарихи тарихий воқеликка зид равишда қайта талқин қилиниб, ўз халқининг ўтмишдаги фаолиятини бошқа халқлардан устун қўйиб идеаллаштиришга уринишлар кузатилмоқда. Тарихий-илмий тадқиқот усул-методлари, моддий ва ёзма манбаларни инкор этиб, бундай тарихчилар тарихни мақсадга йўналтирган холда сохталаштиришга очиқдан-очиқ йўл қўйишмоқда.

---

[5] История исторического знания. 10-11 - бб.

[6] Tarixiy xotiraga berilgan ta’riflardan biri aynan o‘tmish haqidagi ma’lumotlarning afsonalar va rivoyatlar ko‘rinishida avloddan-avlodga o‘tib borishi, deb ko‘rsatiladi. Tarixiy xotira masalasi bilan XX asrda fransuz tadqiqotchilari Moris Xalbvaks va Pyer Noralar shug‘ullanganlar. .

Маълумки, XX аср давомида археологлар Марказий Осиёнинг илгари номаълум бўлган қадим ўтмишини қайта кашф қилдилар. Тарих ва археология фанида Бақтрия, Суғдиёна, Марғиёна, Хоразм цивилизациялари каби тушунчалар пайдо бўлди. Аммо бу кашфиётларнинг тарихий талқини 70 йил мобайнида Ғарб ва Ўрта ер денгизи бўйиларига хос ижтимоий-иқтисодий тузумга хос ва мос бўлмасада, марксистик ёндашувда тадқиқ этилди. XX аср охирида мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши ва эски ғоялардан воз кечилиши билан бирга борди. Гўёки Ўрта Осиё халқларининг қадимий ва ўрта асрлар тарихини холисона ўрганишга йўл очилгандек эди. Аммо афсуски, жараён турли давлатларда турлича кеча бошлади. Тарихий воқеаларни ҳар томонлама холисона талқин этиш ўрнига бир томонлама, алоҳида бир халқ миллий манфаатлари нуқтаи-назаридан келиб чиқиб қайта ёзишга киришилди. Тарихий тадқиқотлар билан фақат соҳа мутахассислари эмас, балки тамомила ўзга касб эгалари ва хатто давлат раҳбарлари шуғуллана бошладилар. Сохта тарихчилар урчиб кетди. Фан оламида ўзини кўрсатмокчи бўлган бу “олимлар” фақат дастурхон атрофида эмас балки, оммавий нашрлар, йирик мақолалар ва монографиялари билан “ўзларини” кўрсата бошладилар. Ачинарлиси, давлат раҳбарлари томонидан яратилган ва асл ҳақиқатдан йироқ асарлар сиёсий мавқеи туфайли қисқа муддат ичида омма ўртасида кенг ёйилиб, ўзига бос “муқаддас китоб”га айланди.

Шу билан бир қаторда махсус маълумотга эга бўлмаган, илмий-тарихий мактаб кўрмаган, тарихий тадқиқот методлари бўйича ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаган “дилетант (ҳаваскор-ишқибоз) тарихчилар” пайдо бўлдики, улар қадим тарихнинг мураккаб масалаларини ечишга енг шимардилар. Бу каби ғайриилмий тадқиқот ишлари таҳлили шуни кўрсатадики уларни бирлаштириб турган ягона ғоя ўз халқи ўтмишини улуғлаш, унинг ўзига хослигини ва тарихдаги ўрнини кўкларга кўтариш. Улар асосан, қуйидаги йўналишларда тарих фанига “янгиликлар” киритишди:

1. Қадимги давлатчилик. Муаллифнинг этник мансублигидан келиб чиққан холда унинг томонидан яратилган асарларда ўзи мансуб халқ ва давлатнинг ўта қадимийлигига урғу бериш бошланди. Масалан, Туркман давлатининг асосчиси сифатида тарихий ва ёзма манбаларда учрамайдиган, ўрта аср халқ оғзаки ижодида эслатиладиган Ўғузхон шахси гавдалантирилди. Муаллиф даъвоси бўйича Ўғузхон давлати мил.авв. III-II минг йилликларда мавжуд бўлган. Ўғузхон ўз давлатини пойтахти Олтинтепадан туриб идора қилган.

Тадқиқотчи Қосим Масими тарихий жараёнлардан янада илгарилаб кетди. У ўзининг “Племенное объединение Уйгур”. История Уйгурской державы” асарида Уйғур давлатчилигининг бошланишини мил.авв. 12 минг йиллик қилиб

белгилайди. Тарихий даврлаштиришда бу давр ўрта тош даври Мезолит бўлиб, ишлаб чиқариш хўжаликлари ҳали узил-кесил қарор топмаган ўзлаштирувчи хўжалик ҳукмрон, давлатчиликдан анча йироқ давр эканлиги кундай равшунку? Хатто дунёнинг бирон бир нуқтасида давлатчиликка ўтилиши ҳақида ҳали гап ҳам бўлиши мумкин эмас ...

Қирғизистоннинг собиқ давлат раҳбари А.Акаевнинг қирғиз халқи давлатчилигини 2300 йил билан белгилаш ташаббуси ҳам илмий методик ва археологик жиҳатдан ўз тасдиғини топмайди.

2. Халқ ва халқ номи келиб чиқишининг қадимийлаштирилиши.

Марҳум Сапармурод Ниёзовнинг “Рухнома” асарида “туркман” номини олган этнос бронза давридаёқ мил.авв. III-II минг йилликларда мавжуд бўлган. Бироқ замонавий тарих Анов даври (энеолит-бронза)га оид уруғ ёки қабила номи ва унинг тили ҳақида маълумот келтирилган бирон бир манбани билмайди. Ўрта Осиёнинг қадимги халқлари ҳақидаги энг дастлабки манба фақат Авесто. Авесто китобининг пайдо бўлиши мил.авв. I минг йилликнинг иккинчи чорагидан нари ўтмайди. Марказий Осиё халқларининг бугунги номи пайдо бўлиш санаси ўрта асрлар билан боғлиқлиги шубҳасиз.

3. Қадимги давлат ва халқ яшаган худуднинг ҳаддан ортиқ катталаштирилиши.

Қосим Масимининг юқорида тилга олинган асари 313 бетида Уйғур давлатининг харитаси келтирилиб, унда бу давлатнинг ҳудуди Тинч океанидан тортиб то Шарқий Европа ерларини ҳам тўлиқ ўз ичига олганлигини кўришмиз мумкин ...

Ушбу китобнинг 310-311 бетларида таъкидланишича, Америка ҳиндулари бу уйғурлар бўлиб асарда уларнинг Беринг бўғози орқали Америкага ҳаракатланиш схемаси ҳам келтирилади.

“Рухнома” китобида туркман халқнинг буюк ўтмиши улуғланиб, улар томонидан 26 та туркий давлатга асос солинганлиги қайд қилинади. Улар орасида туркманларга умуман алоқаси бўлмаган Қорахонийлар ҳоқонлиги, Ғазнавийлар давлати ва Мисрдаги Мамлюклар давлатини кўриш мумкин.

Н.Нигматовнинг “Таджикский феномен: теория и история” (Душенбе. 1997 г.) китобида “тарихий Тожикистон” тушунчаси “илмий муомалага” киритилган бўлиб, унинг ҳудуди бутун Ўрта Осиё минтақасини қамраб олган (21 бет). Муаллиф даъво қилишича, бу афсонавий “тарихий Тожикистон” қадимги Шарқ цивилизациялари замонида мил.авв. III-II минг йилликларда мавжуд бўлган ва қадимги Бобил, Хетт ва финикийлар билан яқин алоқада бўлган.

Умуман тарих фанида юзага келган бундай ғайриилмий, тарихий ҳақиқатдан анча йироқ асарларни ўқиб, наҳотки ушбу ишларнинг илмий

муҳаррири бўлмаган бўлса? деган ҳаёлга ботасан. Йўқ, китоб бошида ёки охирида уларнинг исми-шарифи келтирилган. Бироқ улар фикримизча ўта ёмон мутахассис. Нима бўлганда ҳам бу каби “тарих яратувчиларга” машхур француз шоири Пол Валерининг сўзларини эслатиб қўйиш жоиз: “Тарих – интеллектуал кимё йўли билан яратилган энг хавфли махсулот. У орзу қилишга мажбур қилади, халқларни маст қилади, уларда ёлғон таассуротларни туғдиради ... такаббурлик, таъқиб, серзардалик, тоқатсизлик ва манманлик ҳиссини шакллантиради”.

## 5. Олий таълим тизимида тарих фанини модернизациялаш масалалари. Олий таълимда тарих таълимини ташкил этишнинг концептуал асослари.

Тарих ва тарихий жараёнлар, сиёсий-тарихий вазият уларнинг рўй беришидаги асосий сабаб ва хусусиятларини илмий жиҳатдан тадқиқ этишда ҳар томонлама таҳлил қилиш тарихий ҳақиқатнинг юзага чиқишида катта омил саналади. Айниқса, турли даврларда яратилган тарихий илмий асарларда муаллифларнинг тадқиқот масалаларига турлича ёндашувлари ва фикрлари, хулосаларнинг турличалиги, уларни илмий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиш ва тарихийлик, илмийлик ҳамда холисликка асосланилган энг тўғри хулосаларни чиқариш бугунги кун тарихчи мутахассислари олдида турган муҳим вазифалардан саналади.

Бугунги кунда тарих фани соҳасида таълим олаётган талабалар тарихга оид асарлардан фойдаланиш, уларни таҳлил этиш каби ўзлаштириш услублари, улардан фойдаланиш самарадорлигини билиш ҳақидаги тарихий тадқиқот услублари ва илмий-тарихий ҳақиқатга эришиш йўлларини англаши лозим.

Ҳозирги вақтда тарихчи мутахассисларни тайёрлашда ва уларнинг илмий тадқиқот малакасини шакллантиришда тарих фанининг турли тадқиқот услублари ва ёндашувлари ҳақида етарли билим бериш ва уларнинг тарихий тадқиқотлар жараёнида тўғри ва илмий, тарихийликка асосланган хулосаларни чиқаришга йўналтириш бугунги кун тарих ўқитишнинг асосий вазифаларидан бирига айланди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрлари шу ўринда алоҳида аҳамият касб этади: - “Ёмон томони шундаки, субъектив фикр юқувчан бўлади. Чуқур таҳлил, мантиққа асосланмаган бирёқлама фикр одамларни, энг аввало, тарих ўқитувчиларини чалғитади. Улар эшитганларини ҳақиқат шу экан, деб ўқувчиларга ҳам етказишади. Фақат баҳс, мунозара, таҳлил меваси бўлган хулосаларгина бизга тўғри йўл кўрсатиши мумкин”[7].

---

[7] Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Шарқ, 1998. 6-б.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан имзоланган "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги устувор вазифаларга мос ҳолда, кадрлар тайёрлашнинг маъно-мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратишни кўзда тутиш билан биргаликда бугунги кунда олий таълимнинг сифати ва самарадорлигини юксалтириш борасида педагоглар олдида катта масъулият турганлиги белгилаб беради.

## Назорат саволлари

1. Тарих фанининг жамият тараққиётида тутган ўрни ва ролини қандай баҳолайсиз?
2. Ижтимоий-гуманитар фанларда инновация тушунчаси ва унинг мазмун моҳияти нималардан иборат?
3. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.Каримов асарларида тарих фанининг концептуал масалалари.
4. Мустақиллик йилларида тарих фани тадқиқотларида ва уни ўқитишдаги ўзгаришларга баҳо беринг.
5. Тарих фани манбашунослиги ва тарихшунослигининг бугунги аҳволи. Мавжуд муаммолар ечимига янгича ёндашувларга сизнинг муносабатингиз.

## Адабиётлар

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: «Шарқ», 1998.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
5. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2016. - 56 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017. - 48 б

7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. www.lex.uz.

9. Ilhomov Z. Abu Rayhon Beruni va tarix fanida tadqiqot uslublarining nazariy masalalari. Tarix, ta’lim va xotira. Ilmiy maqolalar to‘plami. T.TDPU. 2015. 151-155-bb

10. Ilhomov Z.A. Tarix fani metodologiyasi (tarixiy bilish, tarixiy ong va tarixiy xotira). Т.ТДПУ. 2015.

11. Ilkhamov Z.A. The Logical Theory of Evidence-Based Interpretation (scientific source analysis). Indonesian Journal of Innovation Studies. Vol 10 No 1 (2020)

12. Rajabov R va boshq. Tarix fani metodologiyasi (darslik). Toshkent, “Yangi asr avlodi”. 2018.

13. Rajabov R. Tarix fanining metodologik asoslari. Toshkent, “Istiqlol”. 2013.

14. Алимова Д.А. История как история, история как наука. Т.I. Историческое сознание. Т.: “Ўзбекистон”. 2008.

15. Алимова Д.А. История как история, история как наука. Т.II. Феномен джадидизма. Т.: “Ўзбекистон”. 2009.

16. Илҳомов З. Шарқ тарих фалсафаси ҳақида мулохазалар. Илк ўзбек давлатчилиги тарихи. Республика илмий конференцияси. Т. 2010 й

17. Илҳомов З.А. Тарих фани методологияси. Тошкент, ТДПУ ризографи. 2013.

18. Илҳомов З.А., Р.Мулладжанова Замонавий тарих фанининг айрим назарий масалалари (концепциялар, назариялар ва илмий қарашлар). Тарих фани методологияси ва тарих таълимининг долзарб муаммолари. Республика илмий амалий конференцияси материаллари. Навоий ш. НавДПИ. 2019. 31-34-бб

# 2-МАВЗУ. ТАРИХИЙ БИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ ВА ТАРИХИЙ БИЛИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

**Режа:**

1. Ижтимоий ва табиий фанлар услубларининг ўзаро боғлиқлиги.
2. Билишнинг ретроспектив характери.
3. Икки карра субъектланган билим. Тарих фанининг комплекс характерлилиги.
4. Билиш тамойиллари ва уларнинг регулятив функциялари.
5. Сабабийлик тамойили (Детерминизм тамойили).
6. Холислик (объективлик) тамойили.
7. Тарихчига зарур бўладиган омиллар.
8. Тарихийлик тамойили.
9. Тизимлилик тамойили.

**Таянч тушунчалар:** тарихий билиш, детерминизм, (сабабийлик) тамойили, постмодернистлар, релятивизм, субъективлик, тамойиллар, билиш тамойиллари, тизимлилик (системалилик) тамойили, система, тизимлилик тамойили, холислик (объективлик) тамойили.

## 1. Тарих фанми ёки санъатми? Ижтимоий ва табиий фанлар услубларининг ўзаро боғлиқлиги.

Тарихнинг фан ёки бадиий ижоднинг бир кўриниши эканлиги борасида тарихчилар ва файласуфлар ўртасидаги баҳс ва мунозаралар узоқ вақт давом этиб келди. Кейинги фикрни асослашга кўпроқ постмодернистлар мойиллик билдирадилар. Тарихчилар эса айрим ҳолларда ссиентистлар (тарихни фан деб ҳисобловчилар) ҳамда антиссиентистлар (тарихнинг илмий эмаслигини исботлашга ҳаракат қилувчилар) билан мунозарага киришган ҳолда, одатдагидек тарихий тадқиқотларни амалга оширадилар. Ҳар икки қарашнинг орасида учинчи бир қараш мавжудки, бунда тарихнинг фан эканлиги, бироқ бошқа табиий ва аниқ фанлардан алоҳида хусусиятлари билан ажралиб туриши таъкидланади.

Позитивистлар табиий фанлар ва гуманитар фанлар методлари ўртасида принципиал фарқлар мавжуд эмас деган қарашдан келиб чиққан ҳолда ўз қарашларини илгари сурадилар. Бунда улар социология фанини жамият қонуниятларининг мувофиқлаштирувчи сифатига алоҳида урғу бериб, тарих фанини ҳам “позитив” билим беришга лаёқатли деб ҳисобладилар.

Неокантчилар эса позитивистларга қарши фикр билдириб, тарихнинг асосий вазифаси қонуниятларни очиш эмас, балки тарихни ташкил қилувчи алоҳида, индивидуал, такрорланмас ҳодисаларни ўрганишни таклиф қилдилар. Марксистлар эса жамиятдаги билиш қонуниятлари ғоясини илгари суриб, тарихни ўрганишга бўлган бошқа қарашларни сохталаштирилган ижтимоий ҳодисаларни ўрганиш деб ҳисобладилар.

XX аср охирларида ҳам табиий фанлар тадқиқот усулларининг (математик моделлаштириш, тартибсизлик назарияси (хаос назарияси - бирор-бир нарса ёки воқеанинг турли аралаш унсурлардан ёки аралаш воқеалардан келиб чиққанлигини асослашга ҳаракат қилувчи назария ва бошқалар) тарих фани тадқиқотларида ҳам қўлланилишининг қанчалик тўғрилиги ва самара бериши ҳақида баҳс ва мунозаралар давом этиб келди.

К.Ясперснинг фикрича, тарих фанининг энг муҳим саволларидан бири бу – “аслида бу қандай содир бўлган эди?” тарзида эмас, балки, “биз аслида қандай ҳолатдамиз (ёки қаердамиз)?” тарзида, яъни, бошқача сўзлар билан айтганда, тарих билимларининг мақсади – бизнинг бугунимизни (аслимизни) аниқлашдир. Шундан келиб чиққанда тарих – бу замонавий муаммоларни ҳал этишга ва англашга йўналтирилган қатор ҳодисалар ва жараёнлардир.[8]

“Анналлар мактаби”нинг энг йирик ютуғи Ф.Броделнинг цивилизациялар ва иқтисодий жараёнларга бағишланган уч томлик китоби бўлиб, муаллиф томонидан унда жамият ҳаётининг барча соҳалари юзасидан умумлаштирилган тадқиқот бажарилган ҳолда тарихий синтез амалга оширилди.[9]

Ф.Бродель тарихий географияни назарий жиҳатдан асослаб берди. География фани тарих фанига нисбатан ёрдамчи фан сифатидаги фаолиятини тўхтатди[10].

Р.Ароннинг фикрича, тарихий билиш – бу мавжуд бўлган, бўлиб ўтган [воқеа] ларнинг реконструкциясидир. Тарих – бу ягона ва яхлит жараён бўлиб, у [тарих] инсонни, унинг фикрлашини тушуниши лозим. Тарихий билишнинг бир-бирига мослиги ёки айнанлиги билиш субъектига, унинг тафаккурига боғлиқдир.[11]

Р.Ароннинг тарихий билиш ҳақидаги фикрининг тарафдорларидан бири тарихчи Пол Вен бўлиб, у ҳам тарих ва тарихий билиш ҳақида бир қатор фикрларини билдириб ўтган. П.Веннинг фикрича, тарих – бу реал воқеаларга асосланган тушуниш муаммоси бўлса, методлар ёки услублар – бу тажрибадир.

---

[8] Ясперс К. Смысл и назначение истории. М., 1991.

[9] Лаптева М.П. Теория и методология истории: курс лекций / М.П. Лаптева; Перм. гос. ун-т. – Пермь, 2006. С.110.

[10] Бродель Ф. История и общественные науки. Историческая деятельность // Философия и методология истории. Благовещенск, 2000. С. 133.

[11] Лаптева М.П. Теория и методология истории: курс лекций / М.П. Лаптева; Перм. гос. ун-т. – Пермь, 2006. С.113.

П.Веннинг яна таъкидлашича, тарихийлик методи мавжуд эмас ва бу тушунчани танқидий ёндашув деб кўрсатиш керак, назария эса - бу чалкашлик моҳиятининг қисқача баён этилишидир.[12]

Бугунги кундаги ахборотлаштириш жараёнлари турли фан тармоқларини бир-бирига яқинлаштира бошлади. Шунингдек, бугунги кунда фаннинг ўзига қарашлар ва фан ҳақидаги тасаввурлар ҳам ўзгариб бормоқда. Ижтимоий ва гуманитар фанларда бўлгани каби табиий фанлар қаршисида ҳам бугунги кунда энг долзарб муаммо бўлиб турган масала мутлақ, объектив ҳақиқатга эришиш муаммосидир.

Тарихга бўлган муносабат ва қараш фанга бўлган муносабат ва қараш каби бўлиши керак ва зарурдир. Бироқ бунда ҳар бир фан каби тарих фанининг ҳам ўзига хос хусусиятларини мавжудлигини эътибордан четда қолдирмаслик лозимдир. Унинг асосий хусусияти тадқиқот объектидир, яъни у ўтмишда содир бўлганлигидир. Тарих фани вақт нуқтаи назаридан олис ўтмишдаги объектни ҳаракатга келтириши керак. Бироқ бунда тадқиқотчи тадқиқот объектини кузатиш ва тажрибалар ўтказиш имкониятидан маҳрум этилган. Табиий фанларда ҳам бундай жараёнларни кузатиш имконияти чекланган бўлиши табиий, тарихчида эса бундай вақтда мантиқан, фикрлаш ва тафаккури ёрдамида воқеалар тизимини шакллантириши ва моделлаштириш имконияти мавжуд. Айни вақтда тарихчида манбалар, услублар ҳамда тадқиқотлар усуллари мавжудки, бу унинг тадқиқот соҳасидаги катта устунлигидир. Тарихий билишнинг иккинчи хусусияти шундаки, тарихчи ҳозирги замонда турган ҳолда ўтмишни тадқиқ этади. Ҳозирги замон ўтмишнинг бир қанча ҳодисалари ва тарихий жараёнларини интерпретациялайди. Бироқ бунда ҳозирги замон ўтмишни айнан шакллантирмайди, балки ўтмиш бизнинг тасаввуримизда ҳосил бўлади. Маданият, мафкура, айни жамиятнинг маънавий бойликлари, шунингдек, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий омиллар ҳам бунда ўз таъсирини кўрсатади. Тарих фани маданиятнинг даражаси ва хусусиятларини акс эттирган ҳолда унинг бир қисмини ўзида намоён этади. Тарихчи ана шу маданият майдонида фаолият кўрсатиб, ҳозирги замонда турган ҳолда тадқиқ этилаётган ўтмиш давр маданияти билан мулоқотга киришади. Ҳозирги замон омили тадқиқотнинг чўққиси, билимнинг даражаси ва савияси, бошқа гуманитар фанларнинг тараққиётини аниқлаб беради. Замонавийлик ва замон талабларига мосликнинг тарихчига таъсири кучлидир. *Тоталитар тузумлар ҳукмронлиги вақтида тарих фани ҳеч қандай такаллуфларсиз ўша тузум мафкурасига ва тартиб-қоидаларига бўйсунишга мажбур қилинган*.

[12] Вен П. Как пишут историю: опыт эпистемологии. М., 2003.

Айрим тарихчилар ўтмишнинг бугунги кунга таъсир кўрсатган жараёнларини ўрганиш кифоядир, деган фикрни ҳам илгари сурганлар, бироқ бугунги кун жараёнларини билиш ва уни тушуниш, теран англаш учун ўтмиш тарихни тўлалигича ўрганиш талаб этилади. “Презентистлар”нинг фикрича, тарих барча даврларда айни ўша замон нуқта-назаридан ёзилган, яъни айни ўша вақт ёзилган тарих учун замонавийлик касб этган, шу сабабли турли вақтларда ёзлиган тарих ўтмиш ҳақида ҳеч қандай объектив тушунча ва тасаввур ёки маълумот бера олмайди, деб ҳисоблайдилар. Ўтмиш ва ҳозирги замон, мозий ва келажак бир-бири билан боғлиқ ва бири-бирига мосдир. Агар ўтмишда содир бўлган воқеа ёки тарихий жараён бир гуруҳ инсонлар манфаати ёки давлатлар қарашлари учун зарур бўлса у яна қайтадан фаоллаштирилади. Мисол учун, агар уруш ҳаракатлари олиб борилаётган бўлса, урушлар тарихига, саркардалар фаолияти тарихига, шу соҳаларга боғлиқ ислоҳотлар тарихига қизиқиш ортади. Презентизм тарихни модернизациялашга, яъни ўтмиш тарихий воқеаларини замонавийлаштирилишига олиб келади.

Э.Хобсбоумнинг фикрича, биз ҳозирги кун нуқтаи-назаридан ўтмиш ҳақида хулоса чиқарамиз, бироқ бу билан чекланиб қолсак, ўтмишни ҳам, келажакни ҳам тўлиқ тасаввур қила олмаймиз. Бу билан у жуда тўғри фикрлаган эди.

## 2. Билишнинг ретроспектив характери.

Тарихий билиш ретроспектив хусусият касб этади. Бунда тарихий тадқиқот жараёнида замонавийликдан ўтмишга томон, яъни оқибатларнинг сабабларини излашга асосий эътибор қаратилади. Бунда тарихий жараёнлар ва ҳодисаларни аввалги ва кейинги ҳолати бўйича бутун борича тасвирлаш имконияти юзага келади. Тўғри бунда ўтмишни *модернизациялаш*, яъни тарихий воқеларнинг замонавий талабларга мослаштирилиши ёки *архаиклаштириш*, яъни тарихни айни эски ҳолатининг хусусиятларини илгари суришга йўл қўйилиши мумкин. Айни вақтда замонавий тарихчи учун ўтмиш ҳақида ва ўтмишни тасаввур қилиш ва ҳис этиш мураккаблик туғдиради, чунки ўша давр тарихчиларининг ўзлари ҳам ўз замонлари ва ўзларидан аввалги даврларни тушунишда ва тавсифлашда худди шундай қийинчиликларга дуч келганлари табиий.

Табиатдан фарқ қилган ҳолда жамиятда онги ва тафаккури жиҳатдан юксак иқтидорга эга бўлган ҳамда ўз олдига аниқ бир мақсад қўйиб унга эришишга ҳаракат қиладиган инсонлар ҳаракатда бўлади ва фаолият юритади. Бундан ташқари табиий фанларда объект ва субъект бир-бирига қарама-қарши турадиган бўлса, тарих фанида ўзаро муносабатлар бир мунча мураккаб жараёндир. Тарих фанида субъект, яъни тадқиқотчининг ўзи айни вақтда тарихий жараёнларнинг иштирокчиси ҳамдир. Бу ҳолатда тарихчи, яъни субъект тарихий жараёнларни четдан туриб кузата олмайди ва бунда инсоннинг ўз-ўзини, ўзининг фаолиятини

билиш ва таҳлил қилиш жараёни кечади. Тарихчи тадқиқотчи тадқиқот давомида тарихий жараёнларда фаолияти муҳим аҳамият касб этувчи инсонлар фаолиятини тадқиқ қилар экан, унинг тарихий билиш даражаси *қиёсий хусусиятга* эга бўлади ва бунда тарихий жараёнлардаги инсонлар фаолияти турли даражада баҳоланиб борилади. Тарихчи тарихий жараёнлар ва воқеаларнинг аҳамиятини аниқлаган ҳолда, айни вақтда инсонлар фаолиятига ҳам баҳо беради. Бу *тарих фанининг ўзига хослиги*дир. Тарих фани ҳақида фикр юритувчиларнинг кўпчилиги одатда қўлга киритилган натижаларнинг субъективлиги ҳақида фикр билдириб, буни *мутлақ ҳақиқатга* эришишдаги энг катта тўсиқ деб ҳисоблайдилар.

## 3. Икки карра субъектланган билим. Тарих фанининг комплекс характерлилиги.

И.Ковалченконинг фикр билдиришича, тарихий билиш *икки карра субъектланган* бўлиб, биринчидан тарихчи субъектив характердаги тарихий манбалар билан ишлайди ва иккинчидан, айни вақтда манбалардаги фактларнинг, улардаги тарихий воқеалар ва тарихий жараёнларнинг тавсифлари келтирилган маълумотларнинг интерпретацияси жараёнида ҳам умумий хулосаларни беришда ўзининг шахсий, субъектив фикрларини беришга мажбур бўлади. Адабиётларда тарихчининг субъективлигини объектив ҳақиқатга эришишдаги асосий тўсиқ сифатида кўрсатилсада, бу ерда субъективликнинг сифати аксинча, узоқ ўтмишга кириб бориш имконини беради. Бунинг ўзига хослиги ва исботи шундаки, Герадотдан бошлаб барча буюк тарихчиларнинг асарлари ва уларнинг тарихий маълумотлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган ва барча тарихчилар учун қимматли манбалар бўлиб саналади, айни вақтда улар тарих фанининг ривожи ва тараққиёти учун бугунги кунда ҳам хизмат қилмоқда.

*Плюрализм* тарафдорлари айни бир тарихий воқеа ёки жараённинг турли асослари ва қонуниятлари мавжуд деб фикрайдилар. Бундай турли –туманлик қарашларининг мавжудлиги тарихий тадқиқот объектининг мураккаблигини, яъни тарихий воқеликнинг юз беришининг турли ҳолатлари билан изоҳлайдилар. Тарихий реалликнинг ўзини турличадир, унинг юзага келиши ва турли ўзаро алоқаларини ўрганиш керак, деб ҳисоблаб, тарихий воқелик ёки тарихий реалликни тарихий манбалар ёрдамида тикланадиган айрим маълумотлар тарзида тушунтиришга ҳаракат қиладилар. *Плюрализм ғояси тарихчининг дунёқарашидаги турличалик ва унинг методологик билимлари билан боғлиқликни илгари суради.*

Тарихда барча тарихчилар томонидан бирдек исботсиз қабул қилинадиган бирор-бир назария, хаттоки энг аҳамиятли ва энг долзарб тарихий тушунчалар ва категориялар борасида ҳам тарихчилар ўртасида ягона келишув мавжуд эмас. Шундан тарих фани методологиясидаги *полисемантлилик* тушунчаси келиб чиқади. Буни эса айни бир тарихий воқеа ва ҳодиса ёки жараённинг турлича интерпретацияланиши билан тушуниш мумкин. Бу эса тарих фанини чуқуррок англаш ва билиш имкониятини беради. Барча интерпретациялар ўзаро умумийлик касб этиб, ўтмиш воқеалари ва жараёнлар ҳақида мукаммал тасаввурнинг яратилишига имкон беради. Бунинг асосий жиҳати шундаки, у кейинги тадқиқотлар учун йўналишларни аниқлаб беради. Тадқиқотлар жараёнида аввалги тадқиқотларнинг хулосаларига аниқлик киритилади ва хулосалар мукаммаллаштирилади ва илмийлиги оширилади. Бу эса билиш жараёнининг тугалланмаслигини кўрсатади ва турли фикрлар тўқнашуви натижасида ишончлирок хулосаларнинг чиқарилишига имкон беради.

*Тарихий билишнинг асосий мақсади* – объектив ва холис, тизимли, конкрет жамиятнинг тараққиётидаги тарихий жараён ҳақидаги конкрет билимга ва илмий жиҳатдан асосланилган тарихий ҳақиқатга эришиш ҳисобланади.[13]

*Тарихчидан ўзига ортиқча ишонмаслик ва ортиқча баҳо бермаслик, балки билиш жараёнида қийинчиликларни енгиб ўтиш талаб этилади*. Чунки тарих фанининг шундай хусусияти борки, бу барча ижтимоий ва гуманитар фанларнинг илмий соҳадаги ютуқларини умумлаштирган ҳолда интеграллаштириш ва уларни тарих фани тадқиқотларида комплекс қўллашдир. Бу тарихчи учун ғоятда мураккаб вазифадир.

## 4. Билиш тамойиллари ва уларнинг регулятив функциялари.

Билиш тамойиллари тадқиқотчига тадқиқот жараёнидаги вазифаларни бир маромда маълум тартибларга асосланган ҳолда амалга оширишида зарур бўладиган омиллардир. Улар тадқиқотчининг у ёки бу тарих мактаблари, фалсафий йўналишларга мансублиги ва дунёқараши, фикрлаши ва тафаккуридан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Тамойиллар услублар билан мустаҳкам ўзаро боғлиқликда бўлганлиги учун айрим ҳолларда уларни бир-бири билан адаштириш ҳолатлари ҳам учрайди. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш ўринлики, тамойиллар услубларга нисбатан бир мунча мураккаб ва кенг тушунча бўлиб, бир тамойил ўзига боғлиқ ҳолда бир неча услубларни шакллантириши мумкин, айни вақтда эса бир услуб бир неча тамойилларга хизмат қилиши мумкин.

---

[13] Баринова Е.П., Иполлитов Г.М., Бобкова Е.Ю. Основы теории и методологии исторической науки: Учебное пособие в схемах. 2010.

Тарихий билиш тамойиллари деганда нималарни тушуниш ёки тушунтириш керак, деган савол тарихчилар ўртасида узоқ вақт мобайнида баҳс-мунозарага сабаб бўлиб келди. Мавжуд барча тамойиллардан тарих фанининг деярли ҳамма йўналишлари ва тармоқларида устувор тамойиллар сифатида фойдаланилади. Қуйида тарихчилар томонидан тадқиқотлар жараёнида кўпроқ қўлланиладиган ва нисбатан самаралироқ бўлган тамойиллар ҳақида сўз юритилади. Бироқ уларни умумий қабул қилинган тамойиллар деб қатъий фикр билдириш мумкин эмас. Ҳар бир тарихчи ўз тадқиқотлари жараёнида тадқиқот мазмунидан ва моҳиятидан келиб чиққан ҳолда тадқиқот натижаси учун самаралироқ бўлган тамойиллардан фойдаланиши мумкин.

### 5. Сабабийлик тамойили (Детерминизм тамойили).

Сабабийлик ғояси янги даврда ўрта асрлардаги Уйғониш даврига хос бўлган башоратчилик ғояси ва воқеаларнинг “тасодифийлиги” ғояси ўрнига пайдо бўлди. Сабабийлик тамойили француз ва немис маърифатпарварлари томонидан илгари сурилган. Улар *тарих - тартибсиз тасодифлардан иборат* деган ғояга қарши чиқдилар. Маърифатпарварларнинг *детерминизм тамойили* қатъий мазмунга эга бўлиб, у тарихда тасодифлар бўлиши мумкин деган қарашларни буткул инкор қилиб хатоликка йўл қўйди. ХIХ асрда шаклланган эволюсион (тадрижийлик) услуби (позитивистлар ва марксистларнинг қарашларида) сабаб ва оқибатларнинг узлуксиз кетма-кетлигига асосланган эди.

*Детерминизм тамойили* тадқиқотчининг эътиборини тарихий ҳодисалар ва воқеаларнинг шартли равишда ўзаро бир-бирига боғлиқ равишда содир бўлишига қаратади. Бу тамойилга кўра барча воқеалар ва ҳодисалар ўзаро бир-бири билан боғлиқ равишда содир бўлади ва бир-бирига таъсир кўрсатади. Тарихчи тадқиқот жараёнида тарихий воқеалар ва ҳодисаларнинг сабаби – оқибатларига кўра алоқадорлигини, у ёки бу ҳодисаларнинг содир бўлишига туртки бўлган омилларни аниқлашга эътибор қаратиш талаб этилади. Бунда тизимли ёндашув ёрдамида тузилишдаги алоқадорлик ўрганилади.

Кўпгина тарихчилар ўз тадқиқотларида тарихий воқеларнинг сабабини аниқлашга ҳаракат қиладилар ва бу тарихдаги заруриятлар ва қонуниятлар алоқадорлиги мавжудлигининг эътироф этилишидир. Бироқ бугунги кунгача тарихий тараққиёт қонуниятларининг мавжудлигини инкор этувчилар *детерминизм тамойилини* ҳам инкор қиладилар ва тарихий воқеаларнинг, ҳодисаларнинг тасодифий эканлигига урғу бериб, детерминизм (сабабийлик) тамойили инсон эркинлиги омили билан мос келмаслигини кўрсатадилар. Тўғри, тарихда тасодифий ва олдиндан айтиб бўлмайдиган воқеалар ва ҳодисалар ҳам рўй бериши мумкин, инсон танлаш ҳуқуқига ҳам эга, бироқ у ўз олдига қўйган

мақсадига эришиши учун имкон бермайдиган ёки мураккаблаштирадиган бошқа инсонлар ва жамиятдаги турли тизимлар билан тўқнаш келиши ёки муносабатга киришишини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак.

*Детерминизм тамойилига* ишончсизликнинг асосий сабабларидан яна бири тарихдаги воқеаларнинг сабаб-оқибат алоқадорлигини очиб беришнинг мураккаблигидир. Камдан – кам ҳолларда тарихий воқеалар бир ёки икки сабаб билан боғлиқ бўлиши мумкин ва бунда бир қатор омилларни кўрсатиб бериш ва аниқлаш талаб этилади. Шу ўринда айтиш керакки, позитивистлар *“тенг хуқуқли” омиллар* (иқтисодий, сиёсий, мафкуравий ва бошқалар) *назариясини* илгари сурганлар. Уларнинг таъкидлашича, бу омиллар тарихчи томонидан бирдек ўрганилиши керак (яъни тадқиқот жараёнида бу омилларнинг барчасига бирдек, тенг ва мутаносиб муносабатда бўлиш керак) ва тадқиқот жараёнида у ёки бу омилни бир-бирига нисбатан даражасини пасайтириши ёки биронтаси бошқасидан устун бўлиши ёки асосий ва ҳал этувчи омил сифатида кўрсатилиши мумкин эмас. Амалда эса позитивистлар тарихий тараққиётнинг содир бўлишини белгилаб берувчи омилларга мукаммал омиллар сифатида ёндашганлар.

Аслида бу тушунчалар бирмунча мураккабдир. ***Сабабларнинг*** бир қанча ***даражалари*** мавжуд. Масалан, икки давлат ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ (алоҳида) ***конкрет, аниқ ва равшан, тушунарли сабаблар*** (масалан, ХИХ асрнинг 60-йилларида Россия империясининг Қўқон хонлигига (кейинроқ Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига) қарши уруш эълон қилиши ва уни босиб олиши) бўлса, иккинчидан ***алоҳида махсус*** сабаблар ҳам мавжуд ( юқоридаги мисолдан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ХИХ асрнинг ўрталари ва иккинчи ярмида Россия империяси ҳудудларининг кенгайтириб бориши сиёсати) бўлиб, шунингдек ***умумий сабаблар*** (масалан, Россия империясининг ХИХ асрда бошқа мустамлакачи мамлакатлар каби дунёни таъсир доираларига бўлиб олиш сиёсати) мавжуддир. Албатта юқорида айтиб ўтилганидек, иқтисодий, сиёсий, стратегик, психологик, мафкуравий ва бошқа сабаблар бу жараёнларнинг содир бўлишида омил (сабаб) бўлиши мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда тарихчилар тарихий жараёнларнинг келиб чиқиши ва содир бўлиши жараёнларини ўрганар эканлар, бир омил ёки сабабни асосий омил ёки сабаб сифатида кўрсатмайдилар (ёки асосланмайдилар), балки бир қанча омиллар (сабаблар) ёки айни вақтда бир гуруҳ сабаблар ва омилларга асосланадилар, шу сабабли бир тарихий воқеа ва жараёнлар юзасидан тадқиқот олиб борган тадқиқотчиларнинг фикрлари тадқиқот учун омил бўлган асосий сабаблардан келиб чиққан ҳолда турлича бўлиши (бирида сиёсий жараёнларга асосий эътибор

қаратилган кенгроқ таҳлил этилган бўлса, бошқасида иқтисодий, яна бирида ижтимоий ва маданий ва ҳ.к.) мумкин.

Тарихий жараёнларнинг сабабларини аниқлаш борасидаги давлатлар ўртасидаги муносабатлардан ҳам мураккаброқ бўлган ҳолатлар бу энг машҳур давлат ва жамоат арбобларининг ҳатти-ҳаракатлари ва фаолиятларининг сабабларини аниқлаш жараёнидир. Чунки тарихнинг боришидаги айрим ҳолатларга маълум даражада таъсир ўтказиши мумкин бўлган бундай арбобларнинг ўзларига ҳам у ёки бу омиллар таъсир ўтказиб туради. Шу сабабли ҳам тарихда бирон-бир тарихий шахснинг фаолиятини ўрганиш энг мураккаб жараёнлардан бири саналади. Бундай ҳолатларда ҳам тарихчиларнинг фикрлари бир-биридан фарқланиши мумкин.

Юқоридагиларга хулоса қилиб айтиш мумкинки, тарихий воқеликни аниқлашда унинг сабаблари ва оқибатлари ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш тарихий жараёнларни тушунтириб беришнинг энг асосий воситаси саналган. У жуда мураккаб тушунча бўлиб, бугунги кунгача тарихий муаммоларда унинг моҳиятини тугал маънода ва мукаммал даражада таърифлаш имкони бўлмаган. ***Постмодернистлар*** де*терминизм тамойилини* қатъий равишда инкор қиладилар ва тарихга узуқ-юлуқ, бир-бири билан боғланмаган тарқоқ жараёнлар сифатида муносабатда бўлиб, тарихчилар бундай тарзда кечувчи жараёнлар ва уларнинг моҳиятини ҳеч қачон англай олмайдилар, деган ғоя билан муносабатда бўладилар. Бироқ бундай қарашлар тарихчилар томонидан ҳеч қачон маъқулланмаган.

## 6. Холислик (объективлик) тамойили.

Мазкур тамойилга кўра тарихий воқелик объективдир, тарихий фактлар (далиллар) ва манбалар объектив мазмунга эга бўлиб, тарихий тафаккур ёрдамида объектив ҳақиқатга эришиш мумкиндир. Агар тарихчи бу тамойилга амал қилмаса, тарихий тадқиқотни амалга оширишидан самара бўлмайди ва хатоликка йўл қўйиши мумкин. Бу масалада дастлаб XIX асрда немис тарихчиси Л.Ранке тарихчиларга мурожаат қилиб, тарихни объектив (холисликка амал қилган ҳолда, холисона ёндашиб) ўрганишга чақирди. Унинг фикрича, “тарихчи ўтмишни тафтиш қилиб (айнан “суд қилиб”) келажак фойдаси учун замондошларни ўргатиш эмас”, балки фақатгина тарихий жараёнларни тадқиқот услубларидан фойдаланган ҳолда ва тарихчиларнинг танқидларига амал қилган ҳолда қандай бўлса шундайлигича кўрсатиб бериши керак. Бу амалга ошиши мураккаб бўлган идеал тадқиқот, бироқ уни тўлиқ равишда амалга оширишга ҳаракат қилиш тарихчи учун зарурдир”. Л.Ранкенинг Германиядаги касбдошлари унинг бу фикрларига қўшилмадилар ва тарихчи сиёсатдан четда

туриши мумкин эмас, деган қарши фикр билдирдилар. Г.Трейчкенинг фикрича, “тарихчи “фақатгина қабрда ётганида” сиёсатдан (ёки сиёсий мансубликдан) ҳоли бўлиши мумкин”.

XX аср давомида европалик файласуфлар томонидан ҳам объективлик (холислик) тамойилини инкор қилиш ва уни турлича талқин қилиш ҳолатлари давом этди. Субъективлик ва релятивизм кенг тарқалиб, оммалаша бошлади. Бироқ XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб постмодернистларнинг тарих фани ҳақидаги фикрлари ва қарашлари, бир қатор илмий-назарий ёндашувлари илгари сурила бошлагач объективлик (холислик) тамойилига қарши яна бир “ҳужум” юзага келди, яъни, постмодернистларнинг “тарихчилар ҳеч қачон объектив ҳақиқатга эриша олмайдилар ва бу борадаги ҳаракатлари самарасиз якун топади” деб таъкидлайдилар.

Бироқ тарихчилар постмодернистларнинг бу фикрларини тўлиқ инкор қиладилар ва ҳеч қачон тарихий ҳақиқатнинг юзага чиқиши ва уни амалга оширишдан тўхтамайдилар, бу асрлар давомида тарихчилар томонидан амалга оширилган тарих асарларининг яратилиши ва улардаги тарихий жараёнларнинг ёритилиши ва кейинги даврларда амалга оширилаётган илмий тадқиқот ишлари ва уларнинг илмий хулосаларидан ҳам англаш мумкин. Агар танқид асосли бўлса, у ҳар доим тарихчилар томонидан инобатга олинади ва бунда тарихчилар албатта тарихий ҳақиқатнинг (тарихий холисликнинг) қарор топиши ва илмий жиҳатдан асосланиши ҳамда тадқиқот олдига қўйилган мақсадларини амалга оширилиши учун янги услубларни излаб топишга (шакллантиришга) ва уларни илмий жиҳатдан асослашга ҳаракат қилади. Бунда тарихчига таъсир этиши мумкин бўлган бир қатор омиллар (сиёсий, миллий, диний, ижтимоий ва бошқалар) ҳам борки, улар ҳам баъзида тарих тадқиқотларида ўз таъсирини кўрсатиши мумкин, бундай ҳолларда билдириладиган танқидлар тарихчига энг тўғри йўналишни танлаб олиши учун туртки бўлиши шубҳасиздир.

Тарихчи тадқиқот объекти, тарихий воқелик ёки жараён ва ҳодисаларни ҳар томонлама ўрганиши лозим. Билиш объекти ҳар доим тарихий жараённинг бевосита иштирокчиси бўлади, жараённинг бутун моҳиятини ўзида акс эттиради.

Тадқиқот жараёнида холисликка (объективликка) эришиш учун билиш субъектининг фаоллиги ҳамда кузатувчанлиги, кенг мушоҳада юрита олиши, тафаккури ва билишга интилиши, тадқиқотлардаги барча услубларни, айниқса фанлараро ёндашув услубларини қўллаши катта ёрдам беради.

## 7. Тарихчига зарур бўладиган омиллар

Тарихчига зарур бўладиган омиллар бу – юқори даражадаги профессионаллик (юқори даражадаги касбий маҳорат ва билим), кенг тафаккури

ва чуқур ақл-заковатга эгалиги, тадқиқ этилаётган давр (тадқиқ этилаётган тарихий даврлар) инсонлари (инсоният) олдидаги жавобгарлик ҳиссининг юқорилиги ва айни вақтда масъулиятни ҳис эта олиши, айни вақтда касбдошлари олдида ва қолаверса, замондош кишилар олдидаги жавобгарлик ҳиссининг юқорилиги ва масъулиятни ҳис эта олиши ҳисболанади. Шу билан бирга тарихчининг фаоллиги, манбалардаги маълумотларни илмий муомалага жалб қилиниши, моделлаштириш ва бошқалар жараёнида ўзбошимчалик ва хатоликка йўл қўймаслик ҳам тарихчи олдига қўйиладиган муҳим талаблардан саналади.

Тадқиқотчи агар тарихий тадқиқот объекти ёки тадқиқ этилаётган материал билан яккама-якка қолгандагина (бошқа таъсирларга учрамаган ҳолда) унинг тадқиқот жараёнидаги ўрни муҳим аҳамиятга эга бўлади, бунда тарихчи тадқиқотчининг ҳаққонийлиги ва истеъдодидан тадқиқотнинг натижаси юзага чиқади.

Б.Кроче, Р.Коллингвудларнинг таъкидлашича, тарих табиатдан фарқли ўларoқ тадқиқотчининг онгида объектив тарзда акс этмайди. Тарихга ва табиатга алоқадор фактлар тушунча сифатида айнан бир хил маънони англатмайди.

Табиатга алоқадор фактлар шундай фактларки, олим ёки тадқиқотчи уларни айни кўринишида қабул қилиши ёки лабараторияда ҳосил қилиши мумкин.

Тарихий фактлар эса ўтмишда ва маълум бир вазиятларда содир бўлган ва такрорланмас ҳодисалар сифатида намоён бўлади. Улар бевосита муомалага киритилгандан сўнггина тарихий мушоҳада объектларига айланади. Бу ҳолатда тарихчининг ихтиёрида фақатгина ҳужжатлар ва бошқа қадимги даврлар қолдиғи сифатида сақланиб келган нарсалар ёки ҳодисалар бўлиб, тарихчи уларга асосланган ва таянган ҳолда фактларни қайта шакллантириши лозим. Айнан мана шу жараёнларда тарихий билишнинг ўзига хослиги намоён бўлади.[14]

## 8. Тарихийлик тамойили.

Тарихийлик тамойилининг шаклланиши ва тараққий этиб боришига бир қатор мутафаккирлар ўз ҳиссаларини қўшганлар, бироқ уларнинг орасида асосий фикрлар немис "хуқуқ тарихи мактаби" вакиллари, француз реставрацияси даври тарихчилари ва Г.Гегель томонидан билдирилган.

Г.Гегелнинг тарихийлик тамойилининг ривожланишига қўшган ҳиссаси ***диалектик услубни*** асослаб берганлигида эди. К.Маркс тарихни материалистик тушуниш ғоясини шакллантириб, Г.Гегелнинг диалектик услубини материалистик асосга йўналтирди, немис "хуқуқ тарихи мактаби"нинг тарихийлик тамойилини "кенгайтирган" ҳолда жамиятнинг қайта шаклланиши (бошқа шаклга ўтиши - формация) ва "капитализмнинг таназзули" ҳақидаги

[14] История исторического знания. 208 - б.

фикрларни илгари сурди. Немис “хуқуқ тарихи мактаби” вакиллари бу масалада амалдаги давлат ва хуқуқ шакллари сиёсатчиларнинг волюнтаризми (тарихий тараққиётнинг объектив қонунлари билан ҳисоблашмай, ўз билганича иш тутиш) оқибатлари эмас, балки узоқ давом этган “жонли” (органик) тараққиёт ва немис “руҳи”нинг пайдо бўлишидан келиб чиқиб ёндашганлар. Замонавий давлатни тушуниш ва унинг фаолиятини англаш учун энг аввало унинг тарихини ўрганиш лозим. Айнан ана шу тушунча тарихийлик тамойили эди, яъни ҳар қандай ҳодисани, тарихий воқеликни, давлат муассасаларининг таъсис этилишини тушуниш учун энг аввало уларнинг тарихини ўрганиш ва тарихийликдан келиб чиққан ҳолдагина уларни англаш мумкин, деган тушунча шаклланган эди.

Тарихийлик тамойилига қўйиладиган асосий талаблар ҳақида сўз юритганда қуйидагиларни алоҳида кўрсатиб ўтиш керак:

- ҳодисалар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ва уларнинг келиб чиқиши ҳамда рўй беришидаги умумий боғлиқлик ва келиб чиқиш сабабларидаги ўзаро алоқадорликни аниқлаш;
- ҳодисаларнинг содир бўлиши босқичларидаги ўзаро алоқадорлик, бир ҳодиса ёки жараённинг иккинчи ҳодиса ёки жараённинг келиб чиқишидаги таъсирини ўрганиш ва аниқлаш;
- барча ҳодисалар ва жараёнларни ўрганишда уларга тарихийлик нуқтаи-назаридан келиб чиққан ҳолда ёндашиш;
- ҳодисалар ўртасидаги алоқадорликни аниқлашда жараёнларнинг тарихий аҳамиятини кўрсатиб бериш.

Бу ҳозирги тарихийлик тамойили ва услубларининг асосий мазмунини ташкил этади.

## 9. **Тизимлилик тамойили**.

XX асрга келиб барча фанлар тадқиқотларида *тизимлилик услуби*дан фойдаланиш асосий ўрин тутиб бора бошлади, бунда тадқиқот объектига сабабийлик ва вазифавий алоқадорлиги хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда мураккаб тузилмали тизим сифатида қаралди. М.А.Барг томонидан фанга *тизимлар* (системалар) ва *тузилишилар* (структуралар), *тизимлар таркиблари* (подсистема) ҳақидаги тушунчалар киритилди. *Тузилиш* – бир тизимни ташкил этувчи ҳодисалар алоқадорлиги ва уларни бир тартибга солиш шакллари бўлиб, у тарихчи эътиборидан яширин ҳолда бўлади. Шу ўринда мазкур тарихчи томонидан “*тузилиши ва жараён*” тушунчаси ҳам илгари сурилади, бунда *тузилиш* ўзгармас ва барқарорлик ҳолат сифатида, *жараён* эса ўзгарувчан ва беқарор, доимий ҳаракатдаги ҳолат ва улар бир – бирини тўлдириб келади деб кўрсатилади.

**Назорат саволлари:**

1. Тарихий билиш тамойилларини шарҳлаб беринг.
2. Билишнинг субъекти нима?
3. Билиш субъектининг фаоллиги нима?
4. Объективлик тамойилини шарҳлаб беринг.
5. XX асрда объективлик тамойилига хужум қандай тушунча?
6 Сабабийлик тамойилини тушунтириб беринг.
7. Тасодифлар, тартибсизликлар, тарихий воқеаларнинг сабаблари тушунчаларининг мазмуни?
8. Сабаб ва оқибат алоқаларини очишнинг мураккаблиги нима?
9. Тарихийлик тамойилини тушунтириб беринг
10. Тузилиш ва жараён тушунчалари?
11. Тарихнинг фан ёки санъат эканлиги борасидаги қарашлар ҳақидаги фикрингиз?
12. Тадқиқот объектининг ўзига хослиги?
13. Билишнинг ретроспектив характери деганда нимани тушунасиз?
14. Икки карра субъектланган билим нима?
15. Тарих фанининг комплекс характерлилиги нималарда акс этади?

**Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: «Шарқ», 1998.

2. Каримов И.А. Юксак маъанвият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008.

3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”, 2011.

4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.

5. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2016. - 56 б.

6. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017. - 48 б

7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони. www.lex.uz.

9. Ilhomov Z. Abu Rayhon Beruni va tarix fanida tadqiqot uslublarining nazariy masalalari. Tarix, ta'lim va xotira. Ilmiy maqolalar to'plami. T.TDPU. 2015. 151-155-bb

10. Ilhomov Z.A. Tarix fani metodologiyasi (tarixiy bilish, tarixiy ong va tarixiy xotira). Т.ТДПУ. 2015.

11. Ilkhamov Z.A. The Logical Theory of Evidence-Based Interpretation (scientific source analysis). Indonesian Journal of Innovation Studies. Vol 10 No 1 (2020)

12. Rajabov R va boshq. Tarix fani metodologiyasi (darslik). Toshkent, "Yangi asr avlodi". 2018.

13. Rajabov R. Tarix fanining metodologik asoslari. Toshkent, "Istiqlol". 2013.

14. Алимова Д.А. История как история, история как наука. Т.I. Историческое сознание. Т.: "Ўзбекистон". 2008.

15. Алимова Д.А. История как история, история как наука. Т.II. Феномен джадидизма. Т.: "Ўзбекистон". 2009.

16. Илҳомов З. Шарқ тарих фалсафаси ҳақида мулохазалар. Илк ўзбек давлатчилиги тарихи. Республика илмий конференцияси. Т. 2010 й

17. Илҳомов З.А. Тарих фани методологияси. Тошкент, ТДПУ ризографи. 2013.

18. Илҳомов З.А., Р.Мулладжанова Замонавий тарих фанининг айрим назарий масалалари (концепциялар, назариялар ва илмий қарашлар). Тарих фани методологияси ва тарих таълимининг долзарб муаммолари. Республика илмий амалий конференцияси материаллари. Навоий ш. НавДПИ. 2019. 31-34-бб

# 3-МАВЗУ. ТАРИХИЙ МАНБАЛАР ВА ТАРИХИЙ ДАЛИЛ. ДАЛИЛ ВА УНИНГ ИЛМИЙ-ТАҲЛИЛИЙ МАСАЛАЛАРИГА ОИД АЙРИМ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР.

**Режа:**

1. Тарихий манба, ахборот ва унинг хусусиятлари. Ахборотнинг назарий манба сифатидаги ўрни.
2. Манба ахборот ташувчи. Яққол ва яширин ахборот. Белгиланган ва белгиланмаган ахборот. Ахборотнинг етишиш ва етишмаслик муаммоси.
3. Тарихий далил ва унинг интерпретацияси. Далил. Тушунча тўғрисидаги баҳслар. Тарихий далил тизими, тарихга таъсир этиш омиллари ва моҳияти.

**Таянч тушунчалар:** Ахборот, манба, яққол ва яширин ахборот, белгиланган ва белгиланмаган ахборот, ахборотнинг етишиш ва етишмаслиги, илк манба, биринчи ахборот, асосий манбалар, қўшимча манбалар, тарихчининг манбалардан ташқари билими.

## 1. Тарихий манба, ахборот ва унинг хусусиятлари. Ахборотнинг назарий манба сифатидаги ўрни.

Тарихчи бугунги кунгача етиб келган манбаларга асосланган ҳолда ўтмишни тасвирлаб, унинг айрим кўринишларини “тиклаб” беради. Агар тарихий манбашунослик курсида манбашуносликнинг турлари, классификацияси, уларни таҳлил қилишнинг танқидий усуллари ўқитилса, тарих фани методологияси курсида эса тарихий манбаларнинг назарий асослари муаммолари, унинг табиати, репрезентатив имкониятлари, манбаларнинг тадқиқотлардаги билиш вазифалари ўрганилади.

Тарихий манба тушунчаси тарих фанлари орасида алоҳида, муҳим аҳамиятга эга тушунчалардан саналади. Манба ўтмиш ҳақида хабар (гувоҳлик) бериб, ўтмиш тарихий жараёнларни ўрганишда хоҳ ёзма шаклда, хоҳ ашёвий (маросимлар, суратлар, белгилар, урф-одатлар ва бошқалар) кўринишда энг асосий ва муҳим омиллардан саналади. Тарихчиларнинг умумий эътироф этишича, тарихий манбаларсиз тарихий тадқиқотларни амалга ошириш мумкин эмас.

Манбалардаги ахборотга асосан тарихчи ўтмиш қиёфасини (тарихий жараёнларни, ҳодисаларни, воқеаларни, шахслар ва улар билан боғлиқ жараёнлар ҳақидаги маълумотлар кабиларни) шакллантиради. Кўп ҳолларда

ўтмиш манзарасининг акс эттирилиши тарихчи томонидан танлаб олинган манбаларга, уларнинг илмий ва ахборот салоҳиятига боғлиқ бўлади.

Турли даврларда тарихий манбаларга турлича баҳо берилганлигини кузатиш мумкин. Масалан, XIX аср тарихчи позитивистлари асосан манбаларнинг расмийлиги даражасига (қонуний актлар, дипломатик мазмундаги ҳужжатлар, хуқуқий ҳужжатлар кабилар) асосий эътибор қаратганлар ва бундай манбалар тарихий жараёнларни энг тўлақонли ва ишончли акс эттиради деб ҳисоблаганлар.[15]

XIX асрнинг биринчи ярмидаги “классик манбашунослик”да (Б.Нибур, Л.Ранке) манбаларга ўтмишнинг хақиқий гувоҳи сифатида муносабатда бўлинган. Бунда тарихчи томонидан манбаларда келтирилган маълумотларни тавсифлаш билангина чекланганилган ва тарихчининг ижодий фикрлаши ва тафаккурига эътибор қаратилмаган ёки етарли баҳо берилмаган. Тарихчилар тор доирадаги манбалардаги маълумотлар билан чекланган ҳолда тадқиқотларда асосий урғуни манбалардаги ҳужжатларга қаратилган.

Позитивистлар тарихни “ижобий” фанлар қаторига кўтариш мақсадида ҳаракат қилиб, тарихчидан ҳужжатлар ичидаги далилларни ажратиб олишни асосий вазифа сифатида кўрсатдилар. Манбаларнинг таҳлили методларини яратиш долзарб вазифалардан бирига айланиб, фалсафий масалалар “четга суриб” қўйилди. “Манба” ибораси ўрнига инсонларнинг фаолияти ва фикр-қарашлари натижасида юзага келган “из” ибораси қўлланила бошланди. Бунда фаолият эътибордан четда қолиб, ҳиссиётлар ва фикрларнинг акси ҳақида гапирила бошланди, натижада тарихчи тадқиқот жараёнида манба муаллифининг фикрлари билангина чекланиб қолиб, унинг таассуротларини қайтадан шакллантира бошлади. Позитивистлар манбаларнинг бирламчилигини тарихчининг тафаккури ва фикрлашидан устун қўйдилар, “ҳужжат йўқ бўлса, тарих ҳам мавжуд эмас” ғоясини илгари сура бошладилар. Назарияга етарли баҳо берилмаслиги эмпиризмга олиб келди, тарихчига фактларнинг қайд этувчиси деб қаралди. Ҳужжатлар эса ўтмиш ҳақида реал объектив маълумот берувчи манба ҳисобланди.

XIX асрнинг охирларига келиб фандаги мавжуд вазият ўзгарди. Манбалар ва реал воқелик ўртасидаги, тарихчининг манбаларга бўлган муносабати аввалги даврларга қараганда бирмунча мураккаблашди. Бу вақтга келиб тарихчилар ҳеч қандай факт ёки далил манбаларда тайёр ҳолда учрамаслиги ва мавжуд бўлмаслигини тушуниб етдилар. “Далилга сиғиниш” ва “ҳужжатларга сажда қилиш”ни танқид қила бошладилар. Манбалар ва далилларга муносабатнинг бу тарзда ўзгариши эса манбаларнинг объективлигини шубҳа остида қолдира

[15] История исторического знания. 32-б.

бошлади. Кўпгина тарихчилар ва ҳатто файласуфлар ҳам манбаларнинг таҳлили жараёнида ижодий ёндашув зарурлигини тан ола бошладилар. Манбаларни чуқурроқ ўрганиш кўпроқ маълумот олиш имконини бера бошлади. Бироқ энди бу ҳолатда, яъни “далилларнинг илоҳийлаштирилиши”ни танқид қилиш жараёнида тарихчилар иккинчи бошқа бир муаммога, яъни энди тарихчининг фикрларини “илоҳийлаштирилиши” ва аксинча манбалардаги объективлик хусусиятининг инкор қилинишига олиб келди. Манба мазмунининг тарихчи тафаккуридан келиб чиққан ҳолдаги боғлиқлик ҳақида таъкидлана бошланди. Бу йўналиш тарих фалсафасининг “танқидий” йўналиши ҳисобланади. Б.Кроче тарихий манбалар тарихчининг тафаккури ва онгидан ташқарида мавжуд бўлмайди, деб ҳисоблади. Тарихчининг фикрларисиз ҳужжатлар ўликдир, амалда тарихий манба тарихий онг ичида, унинг таркибига айланиб кетади. Бироқ, Б.Кроче фикрининг тарафдорлари тарихий манбанинг объектив мазмунини инкор қилган ҳолда уни тарихчининг фикрига ва тафаккурига боғлиқ қилиб қўйдилар.

Англиялик тарихчи А.Марру позитивистларнинг тарихчини фактларнинг қайд этувчиси сифатида берган баҳосига кескин қарши чиқиб, тарих билиш субъектининг, тарихчининг ижодий меҳнати маҳсули, деб баҳо берди. Бироқ бу фикри билан у ҳам хатоликка йўл қўйди, яъни тарихчи манбани яратади, деб айтган фикрини кўпгина тарихчилар инкор қилдилар.

Э.Карр тадқиқотларда тарихчининг ўрнини бўрттиришга қарши чиқиб, бу объектив хулосалар чиқарилишини шубҳа остига қўяди, деб фикр билдирди.

XX аср француз тарихчиси Люсьен Февр манбалар ҳақида сўз юритиб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтади: - “Тарих,  шубҳасиз ёзма манбалар асосида яратилади. Қачонки улар мавжуд бўлса.  Бироқ тарих ёзма манбаларсиз ҳам яратилиши мумкин, қачонки улар мавжуд бўлмаса. Қачонки керакли гул бўлмаса, асал бошқа мавжуд гуллардан ҳам йиғилиши мумкин. Шу каби тарихчи ҳам бошқа манбалардан маълумот олиши мумкинки, булар сўз ёки белгилар, манзара ёки тасвир, Ой тутилиши ёки бўйинчанинг шакли, тошлар, металл ёки геологик текширувлар, қўйингки, инсонга ва унинг фаолиятига тааллуқли бўлган барча нарсалар бўлиши мумкин”.[16]

Тарихчининг манбадан қандай ахборот олиши унинг мазкур манба юзасидан амалга ошириётган тадқиқоти олдига қўйилган саволлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Манба ҳеч қачон “ўзи ҳақида ўзи гапирмайди”, бироқ айни вақтда манбанинг ўзи ҳақидаги маълумотларни айнан ўша манбанинг ўзидан ҳам олиниши мумкин. Бироқ бу маълумотлар айнан шу манба ёки унинг

[16] Февр Л. Бои за историю. М, 1991. 22-б.

муаллифи (муаллифлари) га тааллуқли бўлган ҳолда, тадқиқот муаммосига алоқадор бўлмаслиги мумкин.

Инглиз тарихчиси ва файласуфи Р.Коллингвуднинг фикрича, “дунёдаги барча нарсалар у ёки бу ҳақдаги муайян маълумотларни ўзи акс эттиради”.[17] Бироқ шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, бу нарсалар қачонки тарихчи томонидан унга аниқ бир “савол” берилган тақдирдагина “гувоҳга” айлана олиши мумкин.

Айрим тарихчилар эса манбани ижтимоий фаолият маҳсули ҳамда объектив тарихий воқелик аксининг шакли деб ҳисобладилар. Уларнинг фикрича манбалар ижтимоий ҳодиса бўлиб, уларда ижтимоий муносабатлар акс этади, манбанинг ўзи эса объектив воқеликнинг субъектив образ (сиймоси, қиёфаси, шакли) дир. Бу нуқтаи-назар тарафдорларининг эътироф этишича, манба тарихчига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлади, фақатгина манбанинг билиш жараёнига жалб этилиши тарихчига боғлиқдир. Тарихчи манбани яратмайди, балки ундан маълумотларни ажратиб олади.

Н.Жўраевнинг фикрича, тарихий манбани ўрганиш, унинг асосли ёки асосли эмаслигини аниқлаш тарихий тадқиқот учун алоҳида масъулиятли жараёндир. Чунки тарихий манбани яратганлар, турли ҳужжатларни битганлар ёки тўплаганлар ўз манфаатлари доирасида, ўз мақсадлари ва қизиқишлари чегарасида далил тўплайдилар. Барча инсонга хос бўлган бундай иллат, жумладан тарихчиларни ҳам истисно этмайди.[18]

## 2. Манба ахборот ташувчи. Яққол ва яширин ахборот. Белгиланган ва белгиланмаган ахборот. Ахборотнинг етишиш ва етишмаслик муаммоси.

Манба тарихчига ўта зарур бўлган ахборот ташувчидир. Кўп ҳолларда манбалардан олинаётган маълумотлар тарихчини қониқтирмайди. Бундай ҳолатлар тадқиқотчи ва тарихнавис ёки манба муаллифининг мақсадлари бир-бирига мос келмаганда, шунингдек тадқиқотчи учун зарур маълумотлар манбада мавжуд бўлмаганда юзага келади. Бундай ҳолатда тарихчи ёки тадқиқотчи томонидан бошқа манбалар тадқиқот учун жалб этилиб, маълумотларнинг етарли, асосли ва ишончли бўлиши таъминланишига ҳаракат қилинади. Манбалар ижтимоий маълумотлар ва ахборотлар ташувчиси бўлганлиги учун бунда ахборот ҳақидаги билимларни қўллаш ўринлидир.

И.Ковальченконинг фикрича ахборот – дунёда содир бўлган турли ҳодисаларнинг тасвиридир. Ахборотнинг доимий алмашинуви жамият ҳаёти ва инсон ҳаётини изга солиб турилишининг асосий шартларидан биридир.

---

[17] Коллингвуд Р. Идея истории. Автобиография. М., 1980. 235-б.
[18] Тарих фалсафасининг назарий асослари. 81-б.

Ахборот очиқ ифодаланган ва яширин ҳолатда (кейингиси кўп учрайди) бўлади. Ахборот белгилар орқали, кўп ҳолларда тил (ёзув) тизимлари орқали ифода этилиши, айни вақтда эса сақланиши ва етказиб берилиши мумкин. Объектив маълумотларнинг қўлга киритилиши субъектнинг билиш хусусиятлари, идрок эта олиш лаёқатига боғлиқ ҳолда ҳамда қўлланилаётган тадқиқот методларининг самарасига боғлиқ равишда чекланиши мумкин. Айрим ҳолларда бузилган, нотўғри талқин этилган ва хато маълумотларни ҳам олиш мумкин.

Ахборот қайд этилган ва қайд этилмаган (оғзаки) бўлиши мумкин. Турли нарсаларга (тош, чарм(пергамент), ёғоч, сопол, қоғоз ва бошқ) қайд этилган маълумотлар албатта оғзаки маълумотларга нисбатан ишончлироқ бўлиши табиий. Маълумот қанча кўп бўлса, шунча яхши, бироқ муҳим бўлмаган ва аҳамияти кам бўлган маълумотлар тадқиқотчи томонидан аниқланиб, уларни асосий маълумотлардан ажратиб қўйиш мақсадга мувофиқдир. Бундан ахборотнинг етарлилиги масаласи келиб чиқади ва буларнинг ҳаммаси манбаларнинг таҳлили ва тадқиқоти жараёнида эътиборга олиниши лозим.

И.Ковальченконинг таъкидлашича, манбанинг юзага келиш жараёнининг ўзи ахборотлашиш ва ахборотлаштириш жараёнидир. Манбанинг яратувчиси ёки тарихнавис манбани ёзиш жараёнида аниқ мақсадни қўяди ва бир қатор вазифаларни амалга оширади. Манба муаллифининг ўзи воқеликнинг бир қисмидир. Яхши ёки ёмон манбалар бўлмайди, булар тадқиқотчининг таҳлилга ёндашуви ва қўллаётган тадқиқот методларининг самарадорлигига боғлиқдир.

Ҳар қандай манба икки томонлама ахборот ташувчи хусусиятига эга ҳисобланади. Биринчидан, муаллифининг тафаккури ва онги маҳсули сифатида биз тадқиқот объекти ҳақида маълумотга эга бўламиз, иккинчидан, манбалар ахборот берувчи субъектини белгилайди.

Ҳар қандай манбада ўтмиш таассуротлари ва воқеаларнинг тафсилотлари сараланган ҳолда қайд этилиши табиийдир. Бунда воқеларнинг тўлақонли тафсилотлари ҳақидаги тасаввурлар чекланади, бундай ҳолатда тарихчи ёки тадқиқотчи умидсизликка тушмасдан, манбалардаги ахборотларнинг тугалланмаслигига эътибор қаратиши лозим. Бунда тадқиқотчи томонидан манбалардаги қайд этилмаган ва яширин ахборотларни излаш ва уларни тадқиқотга жалб эта олиши лаёқати алоҳида ўринга эга. Бу ўринда ёзма манбалардаги асосий хусусиятлардан бири бўлган манбанинг тили масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этади.

## 3. Тарихий далил ва унинг интерпретацияси. Далил. Тушунча тўғрисидаги баҳслар. Тарихий далил тизими, тарихга таъсир этиш омиллари ва моҳияти.

Тарихий далилларни аниқлаш ва уларнинг интерпретацияси замонавий тарих тадқиқотларининг асосий омилларидан бири саналади. Тарихчи нафақат профессионал маҳоратга эга бўлиши керак, балки тарихий далил юзасидан ўзининг илмий қарашларига ҳам эга бўлиши (қай тарзда қўлланилиши, таҳлили қилиниши ва далилларни интерпретациялаши) талаб этилади. Тарих фани мавжуд бўлган барча даврларда "тарихий далил" тушунчаси юзасидан баҳс ва мунозаралар ҳам доимий равишда мавжуд бўлган. Бу ҳақда фикрлар шунчалик кўпки, уларни тарихий ижодни шакллантириб берадиган "ғиштчалар"дан бошлаб, тафаккур орқали шакллантириладиган тасаввурларгача кўриш мумкин. Бироқ бу баҳслар ва мунозаралар асосланмаган қуруқ сафсаталар эмас, балки умумий ҳолатда тарихий тафаккурни мукаммалаштириб, янги ёндашувларнинг юзага келиши ва тарихий тадқиқотларда янги услубларнинг қўлланилишига йўл очиб берди.

Далил тушунчаси тарихшунослик нуқтаи-назаридан алоҳида мақомни, алоҳида таърифни, ўзига хос қоидани талаб қилади. Тарихчи далил ва ва унинг ўзига хос жиҳатларига жиддий ёндашиши лозим. Ҳар қандай тадқиқот жараёнида тарих тадқиқотчиси шундай ҳолатларга дуч келадики, бунда тарихий тадқиқот мавзусидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилаётган тадқиқотнинг моҳияти, унинг илмий асосланганлиги далилларга бевосита боғлиқ бўлади. Бунда тадқиқотчи маълум бир тарихий жараён, воқелик ёки ҳодиса ҳақидаги хулосаларни исбот қилиш, ёки аксинча уни инкор қилиш, учинчи ҳолатда эса ўз илмий хулосасини инкор қилиб бўлмайдиган ҳолатда кўрсата била олиши ва исботлай олишида бевосита далилга асосланади, ўз-ўзидан бу жараёнда далил ўта муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, савол туғилади, далилнинг ўзи нима, тарихий далил қандай бўлади, далилни қандай тушуниш лозим?

Тарих фани ўзининг бир неча минг йиллик тараққиёт йўлида тарихий далилга бўлган муносабатни аниқлаштириб олиш учун бирмунча мураккаб, илмий тафаккур, илмий билиш ва илмий хулосалар чиқариш тажрибаларини ўтади. Тарих фанининнг ибтидосида тарихчининг вазифаси асосан далилларни йиғиш бўлган. Оғзаки манбалар, афсоналар, ривоятлар дастлабки вақтларда ўтмишни тасвирлаб берувчи асосий омиллар бўлган бўлса, тарих фанининг тараққиёти жараёнида далил ва унга бўлган муносабат, далилни тарих фанига ва тарихий воқеаларнинг асослаб берилишига жалб этилиши ҳам жиддийлашиб, мураккаблашиб борди. Аниқ ва муайян содир бўлган тарихий жараён ёки ҳодиса

ҳақида аниқ далилларни топиш тарихчи олдидаги асосий вазифалардан ва муаммолардан бирига айланди.

Г.Риккерт бу масалага неокантчиларнинг тарихнинг ўзига хос хусусиятларини асослаб берган нуқтаи-назаридан келиб чиқиб ёндашди. У тарихчи далилларга асосланган соф хақиқатни ўз фикр-мулохазаларига асосланган ҳолда баён қилиши керак деб ҳисоблади. Тарихий далиллар бир марта содир бўладиган ҳолат бўлиб, у индивидуал хусусиятга эга ва ҳеч қачон такрор содир бўлмайди. Далилларнинг саралаб олиниши меъёрлари унинг “нодир”лигини асослайди.

Бироқ фаннинг ривожланиши шуни кўрсатдики, далиллар тадқиқотнинг фақатгина асосига эмас, балки унинг натижасига ҳам бевосита таъсир кўрсатувчи омилдир. Далилларсиз нафақат умумлаштириш мумкин эмас, балки илмий далилларнинг ўзи ҳам ўзида умумийликни ифодалайди. Инглиз олими Ф.Пауикнинг қарашича, фаннинг *далиллари – бу фикр ва мулоҳазалар тизими бўлса, умумлаштириш – мулоҳазалар ҳақидаги мулоҳазалардир*.

Тарихчи Е.Топольский эса тарихий далилларни ўзгарувчан яхлит тизим сифатида ўрганиб, бу тизим доимий равишда ўзгариб ва янгиланиб туради, дунёқарашлар кенгайиб боргани сайин далил орқали воқелик моҳиятининг янги қирралари очилиб бориши муқаррардир, деган фикрларни ўртага ташлайди.

Америкалик олим К.Беккер 1955 йилда ҳар қандай оддий далиллар ўз таркибида кўплаб майда ва оддий далилларни ифодалайди, деган фикр билан чиқди. Унинг таъкидлашича, далил – “бу ақлий шакллантирилган, белги, минглаб оддий ва содда далилларнинг ягона далилга бирлаштирилиши”дир. Далилларда ҳеч қандай объектив мазмун мавжуд эмас ва у реал тарихий воқеликка мос келмайди. Буларнинг барчаси тарихчининг онгида, шуурида, тасаввурида тўқнашади. К.Беккернинг яққол *релятивистик (воқеликни объектив равишда билиш мумкинлигини инкор этадиган методологик ғоя)* қарашларини бошқа файласуфлар ҳам қувватладилар. Хусусан, француз Р.Арон – “далиллар ўз ҳолича мавжуд бўлмайди, далил онг ва тафаккур орқали шакллантирилади ва онг ҳамда тафаккур учун бўлади”, - деб ҳисоблайди. Масалан, тарихчи

тасвирлаётган тарихий жараёнлар ва воқеалар унинг онгида, тасаввурида ҳосил бўлади, яъни тарихчининг онгидан ташқари тарихий реаллик мавжуд эмас, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича далил (факт) ихтиёрий эркин ҳолатда тарихчи томонидан шакллантирилади, тарихий билиш эса нисбий хусусиятга эгадир. Р.Ароннинг бу қарашлари тарихчиларни қониқтирмади ва улар бу фикрларни инкор қилиб, бу услубдаги ёндашувни асоссиз деб ҳисобладилар.

Г.М.Иванов далил тафаккур маҳсули бўлиб, объектив реалликни ва тарихий воқеликни ифодалайди, деб ҳисоблайди. Тарихий далил тарихий воқеа билан

айнан бир хилда эмас, улар бир-бирини айнан такрорламайди, бироқ уларни бир-бирига қарама – қарши қўйиш мақсадга мувофиқ эмас – субъективликка олиб келади. Далиллар ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, бир вақтнинг ўзида объектив ва субъектив ҳолатда намоён бўлади. Фактнинг мазмуни предметнинг мазмуни ва тадқиқот жиҳати ва хусусиятидан келиб чиққан ҳолда бир хилликка эга бўлмайди.

И.Ковальченко далилларни учта даражага бўлади: *тарихий воқеликка алоқадор далиллар, тарихий манбалардаги далиллар (фактлар), тарихий-илмий далиллар (фактлар)*. Тарихчи тадқиқотлар жараёнида бу ҳар учала далиллар даражасини бир-биридан ажрата олиши керак.

**Воқеа ва факт** муҳим тарихий категориялар ҳисобланади. Кўринишидан оддий мазмунга эгадек кўринсада, бу тушунчаларнинг моҳияти ва мазмуни бир мунча мураккабдир. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бугунги кунларга қадар тарихчиларнинг бу тушунчаларнинг моҳияти ҳақида баҳслари давом этиб келаётганлиги ҳам бу икки тушунчанинг тарих фани ва унинг тадқиқотлари жараёнида алоҳида муҳим аҳамият касб этиши ва айни вақтда уларнинг мураккаблигини кўрсатиб беради.

**Воқеа** - қачондир бўлиб ўтган, содир бўлган ҳолат. Бу ҳолат аксарият ҳолларда тарихчининг тадқиқот жараёнидаги диққат-эътиборининг асосий марказида туради. Аксарият ҳолларда тарихни воқеа билан боғлиқ муносабатда тушунилади. Инглиз тарихчиси ва файласуфи Робин Жорж Коллингвуд (1888-1943 йй) нинг таъкидлашича, антик даврлардан бошлаб тарих “*res gestae” (инсонларнинг ўтмишда амалга оширилган фаолияти),* яъни энг машҳур сиёсий воқеалар ҳақида ҳикоя қилиш сифатида тушунилган.[19]

Замонавий тарих фанида тарихчининг вазифаси сифатида ўтмиш воқеаларини аниқ ва илмий асосланган, хаққоний ва холис ёндашган ҳолда тавсифлаш, тасвирлаш, талқин қилиш тушунилади.

Тарихий билишда воқеанинг турлича интерпретациялари мавжуд. Шартли равишда уларни реал ва конструктив интерпретацияларга бўлиш мумкин.

Нисбатан кенг тарқалган ***реал интерпретация***га кўра ўтмишда содир бўлган воқеаларнинг барчаси ўзининг таркибий қисмлари ва тузилишларига эга бўлиб, турли манбаларда қайд этилган. Шу тариқа воқеалар тарихчи учун “хом ашё” вазифасини ўтайди. Бу ҳолатда тадқиқотчининг фаолияти хаққонийлик нуқтаи-назаридан ўтмиш воқеалари ҳақидаги матеиалларни ва маълумотларни талқин қилишда тенг муносабат ёндашувига амал қилиши билан баҳоланади.

***Конструктив интерпретация*** тарафдорларининг таъкидлашича, воқеа тадқиқотчидан алоҳида ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлмайди.

[19] Коллингвуд Р. Идея истории. Автобиография. М., 1980. 203-б.

Тарихчи турли манбалар билан ишлаш жараёнида муайян бир хулосага келган ҳолда воқеанинг интеллектуал конструкциясини яратади. Шу тариқа воқеани тарихчининг ақлий фаолияти натижаси сифатида тушуниш мумкин.

XIX-XX аср тарихчиларининг фикрларига кўра “воқеа” тушунчаси аксарият ҳолатларда “факт” тушунчаси билан тўқнаш келади. Умумий ҳолда айтиш мумкинки, фактга воқеанинг тасдиқловчи омили сифатида қаралган.

***Тарихий воқеликка алоқадор далиллар*** *(фактлар).* Позитивистлар тадқиқот жараёнида қўлланилиши мумкин бўлган оддий ва алоҳида далилларни (фактларни) ҳақиқатан мавжуд ва тўғри деб ҳисоблаганлар. Бироқ айни вақтда тарихчи томонидан бундай далиллар (фактлар) дан ташқари мураккаб жараёнлар, тизимлар ҳам тадқиқот жараёнида ўрганилишига жиддий эътибор қаратмаганлар. Тарихчи эса макон ва замон ҳамда вақт чегараларини ва меъёрларини ҳисобга олган ҳолда мураккаб далилларнинг сифатини аниқлайди.

Ҳар қандай тарихий далил (факт) айни вақтда бошқа далиллар (фактлар) тизими таркибида ва айни вақтда улар билан ўзаро алоқадорликда бўлади. Далиллар (фактлар) тизими кўп маънолидир. Шунинг учун ҳам тарихчилар айни бир далиллар (фактлар) дан тарихий воқеликни турлича тасаввур қилишлари мумкин. Тарихчилар тарихий воқеликни турлича тасаввур қилсаларда, бироқ далил (факт) нинг ҳақиқий мазмуни ўз объективлигини сақлаб қолади. Тарихий далиллар (фактлар) алоҳида тарихий воқелик даражасида такрорланмасдир, бироқ жамият тизими тараққиёти жараёнида мазмунан ва моҳиятан такрорланиши мумкин.

***Тарихий манбалар далиллари*** *(фактлари, маълумотлари)*. Тарихий манбаларнинг тарихий воқелик ҳақида нечоғлик ҳаққоний ва объектив маълумот бера олиши ҳамда бу тарихий манбанинг тарихий воқеликка нисбатан маълумотларининг имкониятлари даражасини тарихчи аниқлаб бериши мумкин. Бунда герменевтика, яъни манбалар ва далилларни (фактларни) тушунтириб бериш, шарҳлаб бериш, талқин қилиш муҳим ўрин тутади. Манбалар маълумотларидаги субъективлик ва тўқима маълумотларни (ҳаёлий маълумотлар) аниқлаш ва уларни тарихий тадқиқотларда асосий ўринга қўймаслик, уларга асосланиб қолмаслик ва уларнинг шундай жиҳатларини аниқлаб бериш манбашунослик фанининг вазифаларидан биридир.

***Тарихий-илмий далиллар*** *(фактлар).* Бундай далиллар (фактлар) тарихчининг ўзи томонидан шакллантирилади. Бироқ бу далиллар (фактлар) тарихий манбадан алоҳида ажратиб олинган далил (факт) нинг ўзигина бўлиб қолмасдан, М.Баргнинг фикрича улар “моҳиятан тизимлаштирилган”, яъни тарихий назариянинг маҳсули сифатида шакллантирилган далиллардир. Аниқланган далиллар (фактлар)нинг мажмуи ёки жамланмаси қўйилган

муаммонинг ечимини топишда ва аниқлашда аниқ ва равшан ифодаланган бўлиши лозим. Далиллар (фактлар) нинг аниқлигини таъминловчи асосий тамойиллардан бири далилар (фактлар) нинг тизимлилигидир. Бунда далиллар (фактлар) нинг нафақат жамланмаси, балки уларнинг ўзаро боғлиқлиги мазмунан яхлитлиги жиҳатидан тизимлилиги муҳим аҳамият касб этади. *Тарихий манбалардаги маълумотларнинг етишмаслиги ва бўшлиқларни эса мавҳум маънодаги назарий таҳлил тўлдириши мумкин.*

**Назорат саволлари:**

1. Ахборотнинг назарий манба сифатидаги ўрни?
2. Манбанинг ахборот ташувчи эканлиги?
3. Ахборот нима?
4. Яққол ва яширин ахборот нима?
5. Белгиланган ва белгиланмаган ахборот нима?
6 Ахборотнинг етишиш ва етишмаслик муаммоси нима?
7 Илк манба қандай манба?
8. Биринчи ахборот нима?
9. Манба ахборотининг тугалланмаслиги?
10. Манбалар мазмунига системали( тизимли) ёндошув?
11. Манбанинг матни нима?
12. Асосий манбалар қандай манбалар?
13. Қўшимча манбалар қандай манбалар?
14. Тарихчининг манбалардан ташқари билими?
15 Далилларни ўрганишда тизимли ёндашувни нима?
16 И.Ковальченко томонидан таклиф этилган далилларнинг даражалари ҳақида маълумот беринг.
17 Тарихий воқеликка алоқадор далилар қандай далиллар?
18 Тарихий манбалардаги далиллар қандай далиллар?
19 Тарихий-илмий далилар қандай далиллар?

**Адабиётлар**


1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: «Шарк», 1998.
2. Каримов И.А. Юксак маъанвият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017

йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.

5. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2016. - 56 б.

6. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017. - 48 б

7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. www.lex.uz.

9. Ilhomov Z. Abu Rayhon Beruni va tarix fanida tadqiqot uslublarining nazariy masalalari. Tarix, ta’lim va xotira. Ilmiy maqolalar to‘plami. T.TDPU. 2015. 151-155-bb

10. Ilhomov Z.A. Tarix fani metodologiyasi (tarixiy bilish, tarixiy ong va tarixiy xotira). Т.ТДПУ. 2015.

11. Ilkhamov Z.A. The Logical Theory of Evidence-Based Interpretation (scientific source analysis). Indonesian Journal of Innovation Studies. Vol 10 No 1 (2020)

12. Rajabov R va boshq. Tarix fani metodologiyasi (darslik). Toshkent, “Yangi asr avlodi”. 2018.

13. Rajabov R. Tarix fanining metodologik asoslari. Toshkent, “Istiqlol”. 2013.

14. Алимова Д.А. История как история, история как наука. Т.I. Историческое сознание. Т.: “Ўзбекистон”. 2008.

15. Алимова Д.А. История как история, история как наука. Т.II. Феномен джадидизма. Т.: “Ўзбекистон”. 2009.

16. Илҳомов З. Шарқ тарих фалсафаси ҳақида мулохазалар. Илк ўзбек давлатчилиги тарихи. Республика илмий конференцияси. Т. 2010 й

17. Илҳомов З.А. Тарих фани методологияси. Тошкент, ТДПУ ризографи. 2013.

18. Илҳомов З.А., Р.Мулладжанова Замонавий тарих фанининг айрим назарий масалалари (концепциялар, назариялар ва илмий қарашлар). Тарих фани методологияси ва тарих таълимининг долзарб муаммолари. Республика илмий амалий конференцияси материаллари. Навоий ш. НавДПИ. 2019. 31-34-бб

# 4-МАВЗУ: ЗАМОНАВИЙ ТАРИХ ФАНИ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ФАНЛАРАРО ЁНДАШУВ МАСАЛАЛАРИ

**Режа:**

1. Тарихнинг бошқа фанлар билан ўзаро муносабатлари-ижтимоий ва гуманитар фан даврий жараёни.
2. Тарих ва социология.
3. Тарих ва жамиятшунослик. Янги ижтимоий тарих.
4. Тарих ва психология.
5. Маданий антропология.
6. Тарих ва адабиёт. тилшунослик.
7. Семиотика ва тарих.
8. Тарих ва табиий фанлар. Синергетика, тартибсизлик назарияси.

**Таянч тушунчалар:** Тарих ва жамиятшунослик, тарих ва психология, маданий антропология, тарих ва адабиёт, тилшунослик, семиотика ва тарих, тарих ва табиий фанлар, синергетика, тартибсизлик назарияси, контент – таҳлил, “янги ижтимоий тарих”, ижтимоий-маданий ёндашув, жамият тарихи, локал тадқиқотлар, интонация, мантиқий йўналиш, лингвистик йўналиш, маданий-семиотик, хаосология, альтернативлик ғояси, хаос, постулат

## 1. Тарихнинг бошқа фанлар билан ўзаро муносабатлари-ижтимоий ва гуманитар фан даврий жараёни.

Тарих фани ҳар доим бошқа фанлар билан ўзаро муносабатда бўлган. Антик даврларда ва ўрта асрларда – мифология, диншунослик, адабиёт билан, Уйғониш даврида – география, санъат, сиёсий назария, XVII-XIX асрларда – сиёсат, география, адабиёт ва маданият билан доимий равишда алоқадорликда бўлган. XIX асрнинг иккинчи ярмида фалсафа фани билан алоқага киришган бўлса, кейинги даврларда лингвистика ва археология фанлари билан алоқага киришган. Ҳозирги вақтда тарих фаниниг бошsа фанлар алоқадорлиги – фанлараро ёндашув кўлами анча кенгайган. Тарих фанининг бошқа ижтимоий фанлар билан алоқадорлиги фаннинг ва фан тадқиқотлари услубларининг аксарият ҳолларда умумлашувига таъсир кўрсатди. Тарихчилар ва жамиятшунослар томонидан замонавий тарих тадқиқ этилаётган бўлсада, тарихчи ўрганилаётган давр хусусиятидан келиб чиққан ҳолда уларга доимий равишда тузатишлар киритиб боради. Тадқиқот мақсадида шакллантирилган моделлар ва назариялар ўз-ўзидан (механик тарзда) тадқиқот учун жалб этилиши мумкин эмас, чунки бу

ҳолда улар кутилган натижани бермайди, шунинг учун танлаб олинган ва шаклантирилган бундай назариялар ва моделлар тарихчи томонидан доимий равишда тарихий тадқиқотларга мослаштирилиши лозим.

## 2. Тарих ва социология.

Тарих ва социология фанларининг ўзаро алоқдорлигининг шаклланиши мураккаб жараёнлар орқали амалга оширилган. Социология XIX асрда шаклланган бўлиб, унинг асосчиси О.Конт ҳисобланади. Позитивистлар социологияни тарих фанига қарама-қарши қўймадилар ва бу ҳар икки фаннинг позитив билимлар беришини таъкидладилар. Марксистлар ҳам социология ва тарих фанларига нисбатан худди шундай қарашда бўлганлар. Бироқ анъанавий немис тарихчилиги ва неокантчилар бу ҳар икки фанни бир-бирига қарама-қарши қўйдилар, уларнинг таъкидлашича тарих алоҳида, такрорланмас ҳодисларни ва жараёнларни ўрганади, социология эса абстракт (мавҳум) фандир.

XX аср бошларида Францияда тарихшуносликда “социологик” йўналиш пайдо бўлди (А.Берр ва унинг “тарихий синтез” назарияси). Икки жаҳон уруши оралиғи йилларида эса “Анналлар мактаби” тарих ва социология фанлари ўртасидаги алоқадорликни кўрсатиш борасида фаоллик кўрсата бошлади. Давлатчилик тарихи билан боғлиқ, хуқуқ, сиёсий ташкилотлар ва муассасалар тарихи билан боғлиқ анъанавий мавзуларни бу мактаб вакиллари табиий муҳитда, ишлаб чиқариш, аҳоли ва унинг жойлашуви, кўчиши ва бошқа жиҳатлари билан боғлаган ҳолда ўрганишни таклиф қилди. Бу жараёнда “Анналлар мактаби” таққослаш ва қиёслаш услубидан кенг фойдаланиш ғоясини илгари сурди. Ф.Бродель ижтимоий фанлар соҳаларидаги алоқадорликни кучайтиришни таклиф қилиб чиқиб, ўзи социология ва тарих фанларининг ўзаро алоқадорлигидаги илмий тадқиқотларни амалга оширди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг тарих ва социология фанлари ўртасидаги алоқадорлик жараёнлари кучайиб бориб, АҚШда социологлар тарихчиларга ўз фани тадқиқот услубларини таклиф қилдилар. Бироқ бу жараёнда шу нарса ойдинлашдики, социология фанининг барча тадқиқот услубларини ҳам тарих фани тадқиқотлари жараёнида қўллаб бўлмаслиги, унга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш ва уларни абсолютлаштирмаслик (мутлақлаштирмаслик) ҳақида мулохазалар билдирилди. Тарихчилар тадқиқотларда эмпирик социологиянинг энг янги ёндашувларининг ўзлаштирган ҳолда социологиянинг назарияларини ҳам қўллай бошладилар.

Бироқ бу вақтда анъанавий тарихчилик етакчи бўлган ва унинг қаторида янги юзага келган "ижтимоий тарих” мавжуд бўлган Германияда социология ва тарих фанларининг ўзаро яқинлашуви ва алоқадорлигининг кучайиб боришига

қарши қатъий фикрлар билдирилди. Булардан кўриш мумкинки, тарих ва социология фанларининг алоқадорлиги ҳозирги вақтгача турли муносабатларга учради ва бугунги кунда уларнинг алоқадорлиги кучайиб бормоқда.

Тарих ва социологиянинг ўзаро алоқадорлиги – бу конкретлик ва абстрактлик ўртасидаги, тарихийлик ва мантиқийлик ўртасидаги муносабатлардир. Агар тарихчига конкрет, аниқ далиллар зарур бўладиган бўлса, социологияга умумий вазият, ҳодисаларнинг мантиқий алоқадорлиги зарур бўлади. Социологик тамойиллар ва унга боғлиқ айрим тушунчаларни ўзлаштирмасдан туриб тарихчига тизимлар ва жараёнларни ўрганиш мураккаблик туғдиради. Умумий ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ўрганишда, мураккаб тизимларни тадқиқ этишда социологиянинг кўмаги зарур бўлади. Ўйланган эксперимент ва дедуктив мулоҳазалар чиқариш, манбалардаги яширин ахборотларни ажратиб олиш тарихчилар учун баҳсларга сабаб бўлади. Бу вазиятда социология тарихи тадқиқотларига тизимли таҳлил, илмий изланишнинг дастурий шакллари билан ёрдам бериши мумкин. Бироқ бир нарсани ёдда тутиш лозимки, яъни *социологиянинг замонавийликни тадқиқ этишга йўналтирилган бир қатор тушунчалари ва услубларини тўғридан-тўғри ўтмишни ўрганишга йўналтирилган тарихий тадқиқотларга жалб этиш қўпол хатоликка олиб келади*. Социологиянинг тадқиқот услубларини тарихи тадқиқотларига жалб этишнинг мураккаблиги ҳам ана шунда.

Социологик ёндашув тарихий ёндашувларнинг ўрнини босмайди ёки уларни алмаштирмайди, балки уларнинг моҳиятини ва самарадорлигини чуқурлаштириб, мукаммаллаштиради, бунда у манбалардан ажратиб олинган фактлар (далиллар) га асосланади.

Манбалардаги яширин ахборотни аниқлаш ва ажратиб олиш учун *контент-таҳлил методи* қўлланилади. Бундай таҳлил методи катта ҳажмли матнли ахборотни, яъни мақолларнинг мазмуни, топишмоқлар, анкеталар, трактат (бирор-бир мавзуга бағишланган илмий асар) ларни, газета ва журналларни, алоҳида одамлар ва гуруҳларнинг ёзма ва оғзаки луғатлари кабиларни миқдорий кўрсаткичларга айлантиришда ёрдам беради.

Таҳлил стандартлаштирилган жараёнлар ёрдамида амалга оширилади, бу жараёнда матнни интерпретациялашдаги субъективлик маълум даражада камаяди. ***Контент – таҳлил уч босқичда*** амалга оширилади: ***биринчи босқичд***а матн мазмунига кўра бир неча гуруҳларга (кичик матнларга) ажратилади, уларнинг моҳияти, аҳамияти ва ўзаро боғлиқлиги аниқланади ва чуқур тарихий таҳлил амалга оширилади. ***Иккинчи босқичд***а маъновий бирликларнинг матнда қўлланилиши ва такрорланишлари миқдори ўрганилади ва бу босқич *миқдорий босқич* деб аталади. ***Учинчи босқичд***а матн таҳлили

натижаларининг интерпретациялаш амалга оширилади, бу босқичда ҳам сифатли таҳлил амалга оширилади. Манба матнининг мазмуни бўйича таҳлили манбанинг яширин ахборотларини аниқлашга ва уларни тушунишга ҳам имкон беради.

Тарихчилар социологлар томонидан ишлаб чиқилган ва тарихда содир бўлган жараёнларни тушунтиришда ёрдам берадиган турли даражалар назарияларини ҳам қўллайдилар. Социологиянинг тадқиқот услубларидаги янгиликлар тарихчилар томонидан ҳам диққат билан ўрганилади, шунинг учун нафақат амалий, балки назарий социология ҳам тарихчи учун фойдали бўлиши мумкин.

### 3. Тарих ва жамиятшунослик. Янги ижтимоий тарих.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда етакчи ўринга чиқиб борган *“янги ижтимоий тарих”*нинг шаклланиши тарих ва социология ўртасидаги интеграциянинг асоси бўлиб хизмат қилди. Бу тарих фанининг кучли кўп қиррали тармоғи бўлиб, доимий равишда тараққий этиб бориб, тарих фани предметининг жиҳатларини аниқлаб бериши ва доимий равишда тадқиқот услубларини янгилаб бориши, такомиллаштириб бориши билан алоҳида ахамиятга эга бўлди. “*Янги ижтимоий тарих”*нинг мазмуни ва унинг муаммолари Л.П.Репина томонидан кўрсатиб берилган “Янги ижтимоий тарих” тарихий ўтмишни, жамиятнинг ички ҳолатини кўрсатиб берувчи, ундаги алоҳида гуруҳларнинг, шахсларнинг ва улар ўртасидаги муносабатларни ижтимоий терминларда интерпретациялаш вазифасини илгари сурди.[20]

Бу соҳа фанлараро ёндашувнинг “олтин асри” ва фанларнинг интеграцияси бошланган XX асрнинг 60-йилларида шаклланган эди. Бу даврда шаҳарлар тарихи бўйича, урбанизациянинг ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-маданий нуқтаи-назардан комплекс хусусият касб этувчи мазмунда амалга оширилган илмий тадқиқотлар пайдо бўлди. *Ижтимоий тарих* ўзининг *предмети* этиб қуйидаги микроструктураларни белгилади, яъни - оила, жамоа, турли кўринишдаги корпорациялар, натижада жамиятни мураккаб тизим (система) сифатида кўриш ва яхлит ҳолда тушуниш юзага келди.

Ижтимоий тарихдаги янги йўналишлар XX асрнинг 70-80 йилларида антропология ва ижтимоий психологиядан кириб келган ёндашувлар таъсирида шаклланди. Тарихчиларнинг қизиқишлари объектив жараёнларни ва тизимларни тадқиқ этишдан маданият ва унинг антропологик интерпртецияси (менталитет, рамзлар (символлар), урф-одатлар ва қадриятлар ва бошқалар) га ҳам қаратила бошланди.

---

[20]Репина Л.П. “Новая истоирческая наука и социальная история”. М.1998.

Ижтимоий тарихнинг янги тури сифатида у ўз предмети таркибига инсон тафаккурини ҳам қўшди. Ижтимоий тарих маданий-антропологик тадқиқот мазмунини ҳам ўзлаштириб, ижтимоий тарих мазмунини инсон омили билан "тўлдирди". Тарихни "қуйидан" ўрганиш, яъни ишчилар тарихи, деҳқонлар тарихи, аёллар тарихи, минтақалар ва ҳудудлар тарихи ва бошқалар юзага келди. 1971 йилда Э.Хобсбоум *тизимлилик* ва *ижтимоий-маданий ёндашувни* инобатга олиш ва *ижтимоий тарихни жамият тарихи* сифатида тушуниш, менталитетни эса турмуш тарзига мос келувчи турли тафаккур ва қарашлар (фикрлар) ўртасидаги алоқадорлик деб тушунишни таклиф қилди. Ж.Дюби менталитетни объекти шароитлар билан мослаштириш керак деб ҳисоблади. П.Берк 1980 йилда жамиятдаги муносабатларни, ижтимоий тизимлар, кундалик турмуш, хусусий (шахсий) ҳаёт, ижтимоий умумийликлар ва зиддиятлар кабиларни ўрганишни таклиф қилди. Э.Бриггс эса (1983) ижтимоий тарих ҳар томонлама бўлиши керак ва у ҳокимият эгаларни ҳам назардан қочирмаган ҳолда оддий одамларнинг ҳаётини ўрганиши керак, деган тушунчани илгари сурди.

Юқоридагилардан кўринадики, турли тарихчилар ижтимоий тарихни турлича тушунганлар. Айни вақтда тарих фанига социология фанининг услублари, моделлари ва тамойиллари механик равишда кириб келмоқда, деган танқидий фикрлар ҳам кўплаб билдирила бошланган эди. XX асрнинг 80-йилларида менталитетни ўрганишда тарихийликни ҳам қўллаш эътироф этила бошланди, шу вақтда синтезни амалга ошириш учун ижтимоий ва маданий антропологияни бирлаштириш ғояси ҳам шаклланди. Аёллар тарихи гендер тадқиқотлари билан алмаштирилди. Шунингдек, XX асрнинг иккинчи ярмида локал тадқиқотларни (алоҳида тарихий тадқиқотлар, яъни, алоҳида қишлоқлар, шаҳарлар, ҳудудлар ва бошқаларни ўрганиш) миллий тарихга боғлаш, яъни микротарихни макротарихга синтезлаш муаммоси кўтарилди. Ёндашувлар, тамойиллар янгиланиб мукаммаллашиб борди.

## 4. Тарих ва психология.

Тарихчи тарихий тадқиқотларни амалга ошириш жараёнида тадқиқот объектининг турли хусусиятлари ва ўзига хос жиҳатларига тўқнаш келади ва уларни турли услубларни қўллаш орқали моҳиятини англашга ҳаракат қилади. Бу услублар аксарият ҳоларда тарих фанига бевосита алоқадор бўлса, тадқиқот объектининг ҳолатига кўра айримлари турли бошқа фанлар тадқиқот услубларига хос бўлиши мумкин. Шундай фанлар ёки соҳалар қаторида психология фани ҳам бор.

Тарихчилар ўз тадқиқотларида кўпинча турли машҳур шахслар, санъат намоёндалари, халқ оммаси ва бошқа шу кабиларнинг руҳиятини ҳам ўрганишга

ҳаракат қилганлар. Бундай ҳолатлар илк тарих асарларида ҳам кам бўлсада учрайди ва XVIII асрга келибгина тарихчилар инсоннинг ички дунёси ва руҳий ҳолатини тушунишга ҳаракат қила бошлайдилар. XIX аср охирларига келиб психология фан сифатида қарор топгандан сўнг, экспериментал психология ва психиатрия юзага келиб, XX асрнинг 60-йилларида эса “психотарих” юзага келган. Психоанализнинг клиник “тарих” лари тарихчиларга инсоннинг ички дунёсини теранроқ англашга ёрдам берди. Шундай тадқиқотлар доирасида М.Лютернинг, М.Гандининг таржимаи ҳолларини ўрганган Э.Эриксон уларнинг ҳаёти фалиятидаги мотивларини аниқлади. Унинг хулосасига кўра болаларнинг ўз оталарининг ҳаётларидаги эриша олмаган нарсаларига эришишга ҳаракат қилганлиги бу шахслар фаолиятининг асосий мотивлари бўлганлигини аниқланди. Шу тариқа тарихчилар томонидан алоҳида шахсларнинг фаолиятига хос бўлган умумий ҳолатлар аниқланди ва психологиядаги бундай типология тарихчилар томонидан фанга киритилди.

Айни вақтда тарихчи психология фанининг энг сўнгги илмий янгиликлари, унинг тадқиқот услубларини доимий равишда ўзлаштириб бориши керак бўлади. Тадқиқотларда психологиянинг қўлланилиши оммавий ҳаракатлар, инқилоблар, халқаро муносабатлар, ҳарбий тўқнашувлар ва бошқа шу каби тарихий жараёнларнинг ички руҳий ҳолати ҳақида ҳам тўликроқ тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради. Ўтмишни тушуниш тобора чуқурлашиб бормоқда ва айни вақтда тарихчи тадқиқот мақсадларидан четлашган ҳолда психологияга “сингиб” кетиши мумкин эмас.

## 5. Тарих ва маданий антропология.

Маданий антропологиянинг марказида инсон ва унинг маданиятга асосланган менталитети, ҳаётий тажрибалари, хулқи-атвори туради. Антропология инсоннинг хулқини аниқлаб берувчи турли маросим (ритуал) лар, белгиларга алоҳида эътибор қаратади. Антропологларнинг фаолияти туфайли турли даврларнинг “нотаниш” маданиятлари, уларнинг хусусиятлари ва ўзига хосликлари ўрганилади. Масалан турли халқ байрамлари, маросимлари, сайилларини ўрганиш орқали халқнинг маданиятини тушуниш мумкин. Тарихчилар эса маданиятнинг тарихий жараёнларга таъсири ва ўзаро алоқадорлигини ўрганадилар.

## 6. Тарих ва адабиёт.

Тарих ва адабиёт узоқ вақтлар давомида бир-биридан ажралмас яхлитликда мавжуд бўлиб келган. Антик давр тарихчиларининг айримлари ҳам (Татсит, Ливин) адабиётга яқин ижод қилганлар. XИX асрнинг бошларига келиб тарихни

адабиётдан алоҳида тушуниш ғоялари пайдо бўлди ва бу икки соҳанинг бир-биридан алоҳида соҳаларга ажралиши жараёни шу асрнинг иккинчи ярмида тўла амалга оширилди. Шу вақтда бир қатор тарихий асарлар (А.Дюма, В.Гюго, В.Скотт) яратилди. Дастлаб тарихни тушунишнинг бадиий услуби сифатида бу жараён тушунилган бўлса, кейинчалик бундай "тарихий-бадиий ижод"нинг илмий томонлари ҳам шакллана бошлади. XIX асрнинг иккинчи ярмида тарих фан сифатида тўлиқ қарор топди. Тарих илмий билиш шакли бўлиб эътироф этилган бўлса, адабиёт маданиятнинг таркибий қисмига айланди.

Фан оламида XIX аср "тарих" асри ҳисобланиб, аввалги афсоналар, ривоятлар, тарихий жараёнларнинг бадиий, диний талқинлари ўрнини тарихнинг фан сифатида илмий хулосалари эгаллай бошлади. Бу даврда бир қатор илмий жамиятлар ва илмий журналлар пайдо бўла бошлади. XX асрга келиб эса тарих ва адабиёт тўлалигича бир – биридан алоҳида соҳага айланди.

Тарих ва адабиёт алоқадорлиги ҳақида сўз борганда эслаб ўтиш ўринлики, қадимги юнон донишмандларидан бири Аристотелнинг айтишича, "тарихчи ва шоир бир-биридан бири шеърий тарзда, бошқаси насрий тарзда ёзганлиги учун эмас, балки бири содир бўлганлар ҳақида ёзса, иккинчиси содир бўлиши мумкин бўлганлар ҳақида ёзганлиги билан фарқланади. Поэзия умумийлик ҳақида кўпроқ"гапирса", тарих эса алоҳида ҳолатлар ҳақида "сўзлайди", - деган сўзларни ёзиб қолдирган эди.[21]

*XX асрнинг охирларига келиб постмодернистлар томонидан тарихни қайтадан адабиётга яқинлаштириш ҳақида фикрлар билдирила бошланди. Адабиётшунослар ва файласуфларнинг фикрича, метафора (киноя, мажозий маънода) тарих ва адабиётни бирлаштириш мумкин. Х.Вайт томонидан тор маънодаги тарихий ва "кўпчиликка тушунарсиз" бўлган фикрларни тарихий прозадаги оммабоп тушунчалар билан алмаштириш, тарихчининг фаолиятини адабиёт соҳасидаги бир йўналиш, тарихий билишни эса дунёни эстетик тушуниш шаклига айлантириш ғояси илгари сурилди. Тарихчи ўз фанидан, ўтмишни "қандай бўлса шундайлигича" тавсифлашдан воз кечиши ва бунда энг асосий ўринга интонация (сўз оҳанги) ни қўйиш керак, деган фикрлар илгари сурила бошланди. Постмодернистлар Х.Борхеснинг - "Жаҳон тарихи бу – айрим метафораларни талаффуз қилишдаги интонациялар тарихидир" ,- деган сўзларига урғу бердилар.*

Бироқ табиийки тарихчилар бундай постулатларни (исботсиз қабул қилинадиган қоидалар) қабул қилмадилар ва уни жиддий фикр ҳисобламадилар. Постмодернистларнинг юқоридаги қарашлари фақатгина тарихий романларда ишлатила бошланди. Замонавий тарих фанида тарихий ўтмишнинг ва тарихий

[21] Аристотель. Сочинения: В 4 т. М., 1984. Т. 4. С. 655.

жараёнларнинг эстетик жиҳатларига ҳам эътибор қаратилмоқда. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, тарихчи ва ёзувчини бир жиҳат доимо ажратиб туради, яъни ёзувчи эса ўзининг ҳаёлий фикрларидан ва тўқима образларидан фойдаланиши мумкин бўлган ҳолда, *тарихчи фаолияти жараёнида тўқима, уйдирма, ҳаёлий фикрларни беришга ҳаққи йўқ.*

## 7. Тарих ва семиотика.

Тарих фанидаги семиотик ёндашувлар XX асрнинг 70-йилларида юзага келди.

***Семиотика – белгилар ҳақидаги фандир.*** **Семиотика** (ёки семиология) - қадимги юнон тилида белги, аломат, нишона маъноларини билдириб, белгилар ва белгилар тизимининнинг хусусиятларини (табиий ва сунъий тилларни) ўрганадиган фанни англатади.

Й.М.Лотманнинг фикрича ***семиотика*** тушунчаси остида муомала ва мулоқот жараёнида қўлланиладиган коммуникатив тизимлар ва белгилар ҳақидаги фан тушунилади.[22]

Семиотика белгилар тизимида белгиларни ўрганишнинг учта нуқтаи-назарини кўрсатади:

1. **Синтаксис (синтактика)** - интерпретациядан қатъий назар белгилар тизимининг ички хусусиятларини ўрганади.
2. **Семантика** - белгиларнинг муносабатларини алоҳида белгилаб бериш масалаларини ўрганади.
3. **Прагматика** - белгиларнинг “адресат” билан ўзаро боғлиқлигини, яъни белгилардан фойдаланиш жараёнида интерпретатор учун фойдали бўлган интерпретация масалаларини ўрганади.

Белгиларни айнан белги ҳолича ҳам қабул қилиш мумкин, ҳам коммуникация (муомала қилиш, алоқага кириши, алоқа воситаси) тизими сифатида ҳам қабул қилиш мумкин. Бу ерда белгилар тизими ва ўзаро коммуникация тизимининг воситаси сифатида ***тил*** кўзда тутилади. Семиотикада *икки йўналиш* мавжуд бўлиб, биринчиси *мантиқий йўналиш* бўлса, иккинчиси *лингвистик йўналишд*ир.

Биринчи йўналишда белги “мухофазаланган” белги бўлиб, у рамзий маънодаги белги сифатида шаклланиши ва белгига айланиш жараёнини босиб ўтади. Ўзининг моҳиятига нисбатан, бошқа белгиларга, белгининг аломатларига ва унинг тизимига йўналтирилган бўлади. Кейинги йўналишда эса тил ахборотни етказувчи, берувчи восита сифатида ёндашилади.

---

[22] Лотман Ю.М. Культура и взрыв. М., 1992.

Тарих нима, деб қўйилган масаланинг турли тушунтиришлари ва ечимлари орасида ***маданий-семиотик*** ёндашув ҳам мавжуд. Масаланинг ечимини топишдаги ва тушунчаларнинг турличалиги бир-бирини инкор қилиш эмас, балки бир-бирини тўлдириб келиши билан бир нуқтаи-назардан иккинчисига ва хулосага келишда муҳим ўрин тутади. *Маданий-семиотик* ёндашув тарихий жараёнлар иштирокчиларининг ички нуқтаи-назарларига ва хусусиятларига мурожаат қилади. Бунда жараёнлар субъектив жиҳатларининг у ёки бу ҳаракатлари кўзда тутилмоқда. Бунда тарихчининг фаолияти жараёнлар ва улар орасидаги боғлиқликнинг шартли равишдаги тасаввурида акс этади. Шунинг учун тасаввурлар тизимини реконструкция қилиш керак. Семиотик истиқболда тарихий жараён коммуникация жараёни сифатида тасаввур этилади.

Тарихий жараён – сотсиум ва индивид ўртасидаги коммуникация, сотсиум ва ташқи омиллар ўртасидаги коммуникатсиЙ. Тарих бу – ўтмишни семиотик қабул қилишдир.

8. **Тарих ва табиий фанлар. Синергетика, тартибсизлик назарияси**.

XX асрнинг 70-йилларига келиб мураккаб таркибли тизимларни ўрганиш бошланиши натижасида фанда янгича иборалар, англаш янгича базавий моделлари шакллана бошлади. Шулардан бири ўз-ўзини ташкил қилиш ҳақидаги фан - ***синергетика*** янги йўналиш сифатида пайдо бўлди. Синергетика фанлараро ёндашувнинг асосий воситаси (қуроли) сифатида кўрилади.

**Синергетика** - фаннинг мураккаб ва ўзаро номутаносиб бўлган ҳодисалар ва жараёнларнинг (ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва бошқ) умумий қонуниятларини ўз-ўзини ташкил қилишнинг ўзига хос тамойиллари асосида ўрганадиган фанлараро йўналиши.

Синергетика дастлаб фанлараро йўналиш сифатида юзага келди. Илмий дунёқараш нуқтаи-назаридан айрим ҳолларда синергетикани “глобал эволюсионизм” ёки “эволюсиянинг универсал назарияси” сифатида талқин қилинади.

Синергетиканинг асосий тушунчаларидан бири - тизимларнинг ҳамда кўп соҳали муҳитнинг кўп вариантли ва турлича бўлган жиҳатларини аниқлаб берувчи тизимлардир.

Бу феномен синергетикада эволюсиянинг йўналишидаги ўзига хосликни кузатиш сифатида намоён бўлади, яъни оддий ва соддаликдан мураккабликка ва бирмунча мукаммалликка йўнилишни англатади.

***Хаосология*** синергетиканинг бир тармоғи бўлиб, ўз предмети сифатида тизимларнинг номутаносиблиги ёки тасодифлар, жараёнлардаги кучли “тебранишлар” соҳаларини ўрганади. XX асрнинг 70-80 йилларидан бу ёндашув

ижтимоий – гуманитар билимларга ҳам кириб кела бошлади. Бу назария тарихнинг бир текисда босқичма-босқич содир бўладиган жараёнлар ҳақидаги моделларини қарши тарзда танлаш имкони кенгроқ бўлган ***альтернативлик ғоясини*** (қарама-қарши, зид ҳолатда) илгари сурди. Шуни таъкидлаш керакки, файласуфлар ва физиклар хаос назариясини фаол тарзда тараққий эттриб борадилар, бироқ бу тарих фани соҳасида бир қатор саволларга сабаб бўлади. “Хаос” тушунчасининг ўзи мажозий маънода ва мавҳумдир. Ҳозиргача хаос назарияси тарихчига нима бериши ёки тарих тадқиқотларида қандай самарага ва илмийликка эришиши мумкинлиги мавҳум қолмоқда.

**Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Фанлараро ёндашув ва унинг моҳиятини тушунтириб беринг.
2. Тарих ва жамиятшунослик фанлари ўртасидаги алоқадорликни тушунтириб беринг.
3. Тарих ва психология ўртасидаги алоқадорликни тушунтириб беринг.
4. Маданий антропология нима?
5. Синергетика тушунчасини изоҳланг.
6. Тартибсизлик назарияси қандай назария?
7. Тарих фанининг қайси фанлар билан алоқадорлигини изоҳлаб бера оласиз?
8. Фанлараро ёндашув ва унинг тадқиқотлардаги ўрни?

**Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: «Шарқ», 1998.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.

5. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2016. - 56 б.

6. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017. - 48 б

7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. www.lex.uz.

9. Ilhomov Z. Abu Rayhon Beruni va tarix fanida tadqiqot uslublarining nazariy masalalari. Tarix, ta’lim va xotira. Ilmiy maqolalar to‘plami. T.TDPU. 2015. 151-155-bb

10. Ilhomov Z.A. Tarix fani metodologiyasi (tarixiy bilish, tarixiy ong va tarixiy xotira). Т.ТДПУ. 2015.

11. Ilkhamov Z.A. The Logical Theory of Evidence-Based Interpretation (scientific source analysis). Indonesian Journal of Innovation Studies. Vol 10 No 1 (2020)

12. Rajabov R va boshq. Tarix fani metodologiyasi (darslik). Toshkent, “Yangi asr avlodi”. 2018.

13. Rajabov R. Tarix fanining metodologik asoslari. Toshkent, “Istiqlol”. 2013.

14. Алимова Д.А. История как история, история как наука. Т.I. Историческое сознание. Т.: “Ўзбекистон”. 2008.

15. Алимова Д.А. История как история, история как наука. Т.II. Феномен джадидизма. Т.: “Ўзбекистон”. 2009.

16. Илҳомов З. Шарқ тарих фалсафаси ҳақида мулохазалар. Илк ўзбек давлатчилиги тарихи. Республика илмий конференцияси. Т. 2010 й

17. Илҳомов З.А. Тарих фани методологияси. Тошкент, ТДПУ ризографи. 2013.

18. Илҳомов З.А., Р.Мулладжанова Замонавий тарих фанининг айрим назарий масалалари (концепциялар, назариялар ва илмий қарашлар). Тарих фани методологияси ва тарих таълимининг долзарб муаммолари. Республика илмий амалий конференцияси материаллари. Навоий ш. НавДПИ. 2019. 31-34-бб

# IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

**Амалий машғулотларни ўтказиш бўйича умумий йўриқнома**

Амалий машғулотларда тингловчилар тарих таълимининг турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, тарих ўқитувчисининг фаолият функциялари: (*гностик, лойиҳалаш, конструкциялаш, диагностик, прогностик, коммуникатив, ишлаб чиқариш-технологик, ташкилотчилик)* ва тарих таълими соҳасидаги инновациялар билан танишадилар ва улар асосида амалий ишларни бажарадилар. Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда кичик гуруҳларга бўлиб ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий ва хорижий адабиётлардан, электрон ресурслардан, интернет материалларидан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

## 1-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ: ТАРИХ ФАНИНИНГ ЗАМОНАВИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ

**Ишнинг мақсади:** Тарих фанининг замонавий концепциялари. Тарихий хотира, тарихий тафаккур мазмуни ва зарурати. Марказий Осиё халқлари узоқ ўтмишининг айрим концептуал масалалари. Олий таълим тизимида тарих фанини модернизациялаш масалалари. Олий таълимда тарих таълимини ташкил этишнинг концептуал асослари.

**1-илова**

**Қуйидаги тушунчаларни шарҳлаб беринг:**

- Тарихий концепция ....
- Тарих фани концепцияси ....
- Тарихий билимлар ....
- Замонавий тарих фани ....
- Замонавий тарих таълими ....
- Фанлараро ёндашув ....
- Тарихий хотира ....

**2-илова**

**Мунозара учун саволлар:**

1. Тарих фанининг жамият тараққиётида тутган ўрни ва ролини қандай баҳолайсиз?
2. Ижтимоий-гуманитар фанларда инновация тушунчаси ва унинг мазмун моҳияти нималардан иборат?
3. Қайси асарларда тарих фанининг концептуал масалаларига тўхталиб ўтилганлигини кўриш мумкин?
4. Мустақиллик йилларида тарих фани тадқиқотларида ва уни ўқитишдаги ўзгаришларга баҳо беринг
5. Олий таълим тизимида тарих фанини модернизациялаш масалалари ҳақида фикрингизни баён этинг.
6. Олий таълимда тарих таълимини ташкил этишнинг концептуал асослари масаласида қарашларингиз.

**4-илова**

**Адабиётлар:**


1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: «Шарқ», 1998.
2. Каримов И.А. Юксак маъанвият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
5. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2016. - 56 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017. - 48 б
7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. www.lex.uz.

9. Ilhomov Z. Abu Rayhon Beruni va tarix fanida tadqiqot uslublarining nazariy masalalari. Tarix, ta’lim va xotira. Ilmiy maqolalar to‘plami. T.TDPU. 2015. 151-155-bb

10. Ilhomov Z.A. Tarix fani metodologiyasi (tarixiy bilish, tarixiy ong va tarixiy xotira). Т.ТДПУ. 2015.

11. Ilkhamov Z.A. The Logical Theory of Evidence-Based Interpretation (scientific source analysis). Indonesian Journal of Innovation Studies. Vol 10 No 1 (2020)

12. Rajabov R va boshq. Tarix fani metodologiyasi (darslik). Toshkent, “Yangi asr avlodi”. 2018.

13. Rajabov R. Tarix fanining metodologik asoslari. Toshkent, “Istiqlol”. 2013.

14. Алимова Д.А. История как история, история как наука. Т.I. Историческое сознание. Т.: “Ўзбекистон”. 2008.

15. Алимова Д.А. История как история, история как наука. Т.II. Феномен джадидизма. Т.: “Ўзбекистон”. 2009.

16. Илҳомов З. Шарқ тарих фалсафаси ҳақида мулохазалар. Илк ўзбек давлатчилиги тарихи. Республика илмий конференцияси. Т. 2010 й

17. Илҳомов З.А. Тарих фани методологияси. Тошкент, ТДПУ ризографи. 2013.

18. Илҳомов З.А., Р.Мулладжанова Замонавий тарих фанининг айрим назарий масалалари (концепциялар, назариялар ва илмий қарашлар). Тарих фани методологияси ва тарих таълимининг долзарб муаммолари. Республика илмий амалий конференцияси материаллари. Навоий ш. НавДПИ. 2019. 31-34-бб

## 2-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ: ТАРИХИЙ БИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ ВА ТАРИХИЙ БИЛИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Тарих фанми ёки санъатми? Ижтимоий ва табиий фанлар услубларининг ўзаро боғлиқлиги. Билишнинг ретроспектив характери. Икки карра субъектланган билим. Тарих фанининг комплекс характерлилиги. Билиш тамойиллари ва уларнинг регулятив функциялари. Сабабийлик тамойили (Детерминизм тамойили). Холислик (объективлик) тамойили. Тарихчига зарур бўладиган омиллар. Тарихийлик тамойили. Тизимлилик тамойили.

**1-илова**

**Блиц-сўров: “Тарихий билишнинг ўзига хослиги ва тарихий билиш тамойиллари”**

| Якка баҳо | Якка хато | Гуруҳ баҳоси | Гуруҳ хатоси | Тўғри жавоб | Тушунчалар | Тушунчалар мазмуни |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Сциентистлар ким | Тарихни фан деб ҳисобловчилар |
| | | | | | Антисциентистлар ким | Тарихни фан эмас деб ҳисобловчилар |
| | | | | | Кимнинг фикрича, тарих билимларининг мақсади – бизнинг бугунимизни (аслимизни) аниқлашдир. | К.Ясперс |
| | | | | | Кимларнинг таъкидлашича, тарих табиатдан фарқли ўларок тадқиқотчининг онгида объектив тарзда акс этмайди. | Б.Кроче, Р.Коллингвуд |
| | | | | | XIX асрда немис тарихчиси ким тарихчиларга мурожаат қилиб, тарихни объектив (холисликка амал қилган ҳолда, холисона ёндашиб) ўрганишга чақирди. | Л.Ранке |
| | | | | | …. ишончсизликнинг асосий сабабларидан яна бири тарихдаги воқеаларнинг сабаб-оқибат алоқадорлигини очиб беришнинг мураккаблигидир. | Детерминизм тамойилига |
| | | | | | Тарихий билишнинг асосий мақсади – …. ва …. , тизимли, конкрет жамиятнинг тараққиётидаги тарихий жараён ҳақидаги конкрет | объектив ва холис |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | билимга ва илмий жиҳатдан асосланилган тарихий ҳақиқатга эришиш ҳисобланади | |
| | | | | | Кимнинг фикрича, тарихий билиш икки карра субъектланган билимдир | И.Ковалченко |

**2-илова**

**Мунозара учун саволлар:**

1. Тарихий билиш тамойилларини шарҳлаб беринг.
2. Билишнинг субъекти нима?
3. Билиш субъектининг фаоллиги нима?
4. Объективлик тамойилини шарҳлаб беринг.
5. XX асрда объективлик тамойилига хужум қандай тушунча?
6 Сабабийлик тамойилини тушунтириб беринг.
7. Тасодифлар, тартибсизликлар, тарихий воқеаларнинг сабаблари тушунчаларининг мазмуни?
8. Сабаб ва оқибат алоқаларини очишнинг мураккаблиги нима?
9. Тарихийлик тамойилини тушунтириб беринг
10. Тузилиш ва жараён тушунчалари?
11. Тарихнинг фан ёки санъат эканлиги борасидаги қарашлар ҳақидаги фикрингиз?
12. Тадқиқот объектининг ўзига хослиги?
13. Билишнинг ретроспектив характери деганда нимани тушунасиз?
14. Икки карра субъектланган билим нима?
15. Тарих фанининг комплекс характерлилиги нималарда акс этади?

**3-илова**

**Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: «Шарқ», 1998.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.

5. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2016. - 56 б.

6. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017. - 48 б

7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони. www.lex.uz.

9. Ilhomov Z. Abu Rayhon Beruni va tarix fanida tadqiqot uslublarining nazariy masalalari. Tarix, ta'lim va xotira. Ilmiy maqolalar to'plami. T.TDPU. 2015. 151-155-bb

10. Ilhomov Z.A. Tarix fani metodologiyasi (tarixiy bilish, tarixiy ong va tarixiy xotira). Т.ТДПУ. 2015.

11. Ilkhamov Z.A. The Logical Theory of Evidence-Based Interpretation (scientific source analysis). Indonesian Journal of Innovation Studies. Vol 10 No 1 (2020)

12. Rajabov R va boshq. Tarix fani metodologiyasi (darslik). Toshkent, "Yangi asr avlodi". 2018.

13. Rajabov R. Tarix fanining metodologik asoslari. Toshkent, "Istiqlol". 2013.

14. Алимова Д.А. История как история, история как наука. Т.I. Историческое сознание. Т.: "Ўзбекистон". 2008.

15. Алимова Д.А. История как история, история как наука. Т.II. Феномен джадидизма. Т.: "Ўзбекистон". 2009.

16. Илҳомов З. Шарқ тарих фалсафаси ҳақида мулохазалар. Илк ўзбек давлатчилиги тарихи. Республика илмий конференцияси. Т. 2010 й

17. Илҳомов З.А. Тарих фани методологияси. Тошкент, ТДПУ ризографи. 2013.

18. Илҳомов З.А., Р.Мулладжанова Замонавий тарих фанининг айрим назарий масалалари (концепциялар, назариялар ва илмий қарашлар). Тарих фани методологияси ва тарих таълимининг долзарб муаммолари. Республика илмий амалий конференцияси материаллари. Навоий ш. НавДПИ. 2019. 31-34-бб

# 3-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ: ШАРҚ ТАРИХНАВИСЛИГИДА ТАРИХ ФАНИ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ. АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙНИНГ ТАРИХИЙ ИЛМИЙ ҚАРАШЛАРИ ЗАМОНАВИЙ ТАРИХШУНОСЛИК ТАДҚИҚОТЛАРИДА

**Ишнинг мақсади:** Шарқ тарихнавислигида тарих фани илмий-назарий масалаларининг замонавий таҳлиллари. Шарқ тарихнавислигининг ўзига хос хусусиятлари. Абу Райҳон Берунийнинг тарихий илмий қарашлари замонавий тарихшунослик тадқиқотларида

**1-илова**

**Амалий машғулот топшириқлари**

1. Шарқ тарихнавислигининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Берунийнинг “Ҳиндистон” асарида тарих фанининг назарий масалалари
3. Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида тарих фанининг назарий масалалари
4. Алишер Навоий ва Мирзо Улуғбек асарларида тарих фанининг назарий масалалари
5. Жадидларнинг тарих фани ҳақидаги илмий-назарий қарашлари

**2-илова**

**Б./ Б. /Б методи**

| № | Мавзу саволи | Биламан | Билишни хоҳлайман | Билдим |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 1. | Шарқ тарихнавислигининг ўзига хос хусусиятлари | | | |
| 2. | Берунийнинг “Ҳиндистон” асарида тарих фанининг назарий масалалари | | | |
| 3. | Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида тарих фанининг назарий масалалари | | | |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 4. | Алишер Навоий ва Мирзо Улуғбек асарларида тарих фанининг назарий масалалари | | | |
| 5. | Жадидларнинг тарих фани ҳақидаги илмий-назарий қарашлари | | | |

**3-илова**

**Адабиётлар**


1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: «Шарқ», 1998.

2. Каримов И.А. Юксак маънвият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008.

3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”, 2011.

4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.

5. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2016. - 56 б.

6. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017. - 48 б

7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. www.lex.uz.

9. Ilhomov Z. Abu Rayhon Beruni va tarix fanida tadqiqot uslublarining nazariy masalalari. Tarix, ta’lim va xotira. Ilmiy maqolalar to‘plami. T.TDPU. 2015. 151-155-bb

10. Ilhomov Z.A. Tarix fani metodologiyasi (tarixiy bilish, tarixiy ong va tarixiy xotira). Т.ТДПУ. 2015.

11. Ilkhamov Z.A. The Logical Theory of Evidence-Based Interpretation (scientific source analysis). Indonesian Journal of Innovation Studies. Vol 10 No 1 (2020)

12. Rajabov R va boshq. Tarix fani metodologiyasi (darslik). Toshkent, “Yangi asr avlodi”. 2018.

13. Rajabov R. Tarix fanining metodologik asoslari. Toshkent, “Istiqlol”. 2013.

14. Алимова Д.А. История как история, история как наука. Т.I. Историческое сознание. Т.: “Ўзбекистон”. 2008.

15. Алимова Д.А. История как история, история как наука. Т.II. Феномен джадидизма. Т.: “Ўзбекистон”. 2009.

16. Илҳомов З. Шарқ тарих фалсафаси ҳақида мулохазалар. Илк ўзбек давлатчилиги тарихи. Республика илмий конференцияси. Т. 2010 й

17. Илҳомов З.А. Тарих фани методологияси. Тошкент, ТДПУ ризографи. 2013.

18. Илҳомов З.А., Р.Мулладжанова Замонавий тарих фанининг айрим назарий масалалари (концепциялар, назариялар ва илмий қарашлар). Тарих фани методологияси ва тарих таълимининг долзарб муаммолари. Республика илмий амалий конференцияси материаллари. Навоий ш. НавДПИ. 2019. 31-34-бб

19. Абу Райҳон Беруний. 100 ҳикмат. Т.”Фан”. 1993.

20. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. . Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Т.Фан. 1968.

21. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. . Ҳиндистон. Т.Фан. 1968.

22. Абулғози Баходирхон. “Шажараи турк”. Т. “Чўлпон” 1992.

23. Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. Т.: “Чўлпон”. 1993. 4-б.

24. Мулло Олим Маҳдумҳожа. Тарихи Туркистон. Т. 2010.

25. Муҳаммад Юсуф Баёний “Шажараи Хоразмшохий”. Т. Мерос. 1991.

26. Темур тузуклари Тошкент., Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1997.

27. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Т.: Камалак, 1994

## 4-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ: ТАРИХИЙ МАНБАЛАР ВА ТАРИХИЙ ДАЛИЛ.

**Ишнинг мақсади:** Тарихий манба, ахборот ва унинг хусусиятлари. Ахборотнинг назарий манба сифатидаги ўрни. Манба ахборот ташувчи. Яққол ва яширин ахборот. Белгиланган ва белгиланмаган ахборот. Ахборотнинг етишиш ва етишмаслик муаммоси.

**1-илова**

**«Тушунчалар таҳлили» услубидаги тарқатма метариаллар.**

| Тушунчалар | Мазмуни |
|---|---|
| Тарихий манба | |
| Ахборот | |
| Яққол ахборот | |
| Яширин ахборот | |
| Белгиланган ахборот. | |
| Белгиланмаган ахборот. | |

## ДАЛИЛ ВА УНИНГ ИЛМИЙ-ТАҲЛИЛИЙ МАСАЛАЛАРИГА ОИД АЙРИМ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР.

**Ишнинг мақсади:** Тарихий далил ва унинг интерпритацияси. Далил. Тушунча тўғрисидаги баҳслар. Тарихий далил тизими, тарихга таъсир этиш омиллари ва моҳияти. Далил ва унинг илмий-таҳлилий масалаларига оид айрим илмий-назарий қарашлар.

**2-илова**

**«Тушунчалар таҳлили» услубидаги тарқатма метариаллар.**

| Тушунчалар | Мазмуни |
|---|---|
| Тарихий далил | |
| Далил | |
| Тушунча | |
| Тарихий далил тизими | |
| Далил интерпретацияси | |
| Интерпретациянинг “мослашувчанлиги” | |
| Далилнинг “мустаҳкамлиги” | |

**3-илова**

**Назорат саволлари:**

1. Ахборотнинг назарий манба сифатидаги ўрни?
2. Манбанинг ахборот ташувчи эканлиги?
3. Ахборот нима?
4. Яққол ва яширин ахборот нима?

5. Белгиланган ва белгиланмаган ахборот нима?
6 Ахборотнинг етишиш ва етишмаслик муаммоси нима?
7 Илк манба қандай манба?
8. Биринчи ахборот нима?
9. Манба ахборотининг тугалланмаслиги?
10. Манбалар мазмунига системали( тизимли) ёндошув?
11. Манбанинг матни нима?
12. Асосий манбалар қандай манбалар?
13. Қўшимча манбалар қандай манбалар?
14. Тарихчининг манбалардан ташқари билими?
15 Далилларни ўрганишда тизимли ёндашувни нима?
16 И.Ковальченко томонидан таклиф этилган далилларнинг даражалари ҳақида маълумот беринг.
17 Тарихий воқеликка алоқадор далилар қандай далиллар?
18 Тарихий манбалардаги далиллар қандай далиллар?
19 Тарихий-илмий далилар қандай далиллар?

**4-илова**

**Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: «Шарқ», 1998.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
5. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2016. - 56 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017. - 48 б
7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. www.lex.uz.

